

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

МОЙДИНОВА ЭЛЬМИРА КАМАРИДДИНОВНА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Лингвистика – 5А 120102 (инглиз тили)

Магистрлик академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга тавсия этилди
Иккинчи чет тилини
интенсив ўқитиш
Кафедра мудири:
ф.ф.н., доцент С.К. Хажиев
« ____ » _____ 2016 й

Илмий раҳбар:
ф.ф.д., профессор Г.Х. Бакиева

Тошкент – 2016

АННОТАЦИЯ

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	11
1.1. Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишнинг методологик асослари.....	11
1.2. Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишнинг илмий педагогик асослари.....	24
I боб юзасидан хулоса.....	38
II БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШНИ ДИДАКТИК ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ	40
2.1. Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўйин орқали ўқитишнинг дидактик асослари.....	41
2.2. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни АКТ воситалари орқали инглиз тилига ўргатиш.....	61
II боб юзасидан хулоса.....	79
III БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ НАТАЖАСИ ВА САМАРАДОРЛИГИ	81
3.1. Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишнинг экспериментал тадқиқи.....	81
3.2. Мактабгача таълим муассасаларида олиб борилган тажриба-синов натижалари ва унинг самарадорлиги.....	102
III боб юзасидан хулоса.....	112
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР	113
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	116
ИЛОВАЛАР	132

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг хорижий тилларни жадал ўргатиш ижтимоий эҳтиёжга айланди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов шундай деган эди: “Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам, албатта, бежиз эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини кураётган халқимизга хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир” [Каримов, 1998, б. 44].

Ушбу фикрларнинг мантиқий давоми сифатида Президентимизнинг 2012-йил 10-декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон Қарорининг қабул қилиниши ва шу доирада мактабгача таълим муассасалариданок болаларга хорижий тилларни ўргатиш ва мактаб таълимига тайёрлаб бориш масаласи муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув методика маркази томонидан чет тилини ўргатиш бўйича “Инглиз тили билан дўстлашамиз” деб номланган дастур қабул қилинди. Ҳозирда ушбу дастур доирасида мактабгача таълим муассасаларида мутахассислар болаларга чет тилини ўргатишмоқда.

Тарихий, ижтимоий тараққиёт тажрибаси шу нарсани исботлайдики, жамиятда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қурилма ўзгарганда, бу ўзгаришлар, энг аввало, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишни, унинг моҳияти ва мазмунини ўзгартиришни талаб қилади. Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ҳамда “Таълим тўғрисидаги Қонун” да эътироф этилганидек, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга масъул бўлган жамият аъзолари, биринчи навбатда

ёшларда соғлом эътиқодни тарбиялаш, миллий кадриятларни эъзозлайдиган, ўз касбининг моҳир устаси бўлган малакали кадрларни етиштириш зиёлилар, ота-оналар, мураббийлар олдига жиддий вазифаларни қўяди. Соғлом руҳият эгаси бўлган ёшлар маънавий дунёқарабини шакллантириш, бу борадаги ишларнинг самарали йўллари излаб топишни эса мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаш зарур. Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини эркинлаштириш борасидаги фаол ҳаракатнинг бошланганлиги, Президентимизнинг ҳар бир нутқи, асарларида болалар, ёшлар муаммоларига алоҳида ўрин берилиши мустақил Ўзбекистон фуқаролари шахсини шакллантириш, шахс тузилмасида маънавиятнинг ўрни қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини исботлайди. Бошқача қилиб айтганда, боғча ёшидаги болаларни маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, уларда ҳаётга, миллий-маданий меросимизга нисбатан фаол муносабатни шакллантириш, уларнинг маънавий соғлом, руҳан тетик ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш зарурдир. Зеро, ҳукуватимиз раҳбари таъкидлаганидек, мактабгача ёш даври–бола маънавий-руҳий ривожидида катта аҳамиятга эга бўлган даврдир. «Ваҳоланки, одам умри мобайнида тўплайдиган ахборотларнинг ярмини мактабгача тарбия даврида олади. Унга керакли шарт-шароитни шу даврда яратиб бермасак, кейин фойдаси кам бўлади... Жойларда – қишлоқ ва туманларда фарзандларимизга тарбия берадиган, яъни уларнинг онгини ўстирадиган, фикран улғайтирадиган мактабгача тарбия муассасалари тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур» [Каримов, 2000, – б.13-14].

Шу нуқтаи назардан, мактабгача таълим муассасаси узлуксиз таълимнинг биринчи қадами бўлибгина қолмай, балки фаол, ижодкор ва маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантирувчи илк поғона ҳамдир. Шунинг учун, мактабгача таълим муассасаси(МТМ)ларида таълим ва тарбия жараёнини юқори савияда ташкил этиш, тарбияланувчи болаларга таълимнинг кейинги босқичларида қийналмасдан муваффақиятга

эришишларида имконият яратади. Шу боис ҳам, сўнгги йилларда инглиз тили таълимининг мазмунида изчиллик ва узвийликни таъминлаш, таълим турларида инглиз тилини ўқитишнинг янги методларини ишлаб чиқиш, машғулотларда илғор педагогик технологиялар, компьютер технологияларини қўллаш ва дарсни дидактик лойиҳалаштириш каби муаммоларга жиддий эътибор берилмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларга инглиз тилини ўргатишда ўйин фаолияти муҳим восита ҳисобланади. Шу фаолият воситасида у ташқи ижтимоий оламни билади, унинг дунёқараши ва маънавиятига алоқадор билимлар захираси тўпланади. Ижтимоий тасаввурлар бола онгидаги шундай билим, тушунча, ғоя ва тасаввурлар мажмуиқи, улар бевосита болани ўраб турган ижтимоий ҳодисалар, қадриятлар моҳиятидан келиб чиқади ва бунда ўйин фаолияти етакчи рол ўйнайди. Бироқ республикамиздаги инглиз тили ўқитувчилари ва методистларининг педагогик фаолиятида таълимнинг бошқа воситалари каби ўйинлардан оммавий фойдаланиш масаласи ҳам ўз ижобий ечимини топмаган. Бунинг асосий сабаблари сирасига боғчаларда ўйинларни ўтказиш методикаси бўйича етарлича асосланган услубий ишланмаларнинг йўқлиги, машғулотлар жараёнида ўтказиладиган ўйинларнинг ўрни мавҳумлиги, инглиз тилини ўрганишда турли ўйинларга қўйиладиган талабларнинг ишлаб чиқилмаганлигини киритиш мумкин. Ваҳоланки, дидактик ўйинлар болаларда инглиз тилида гапириш мотивларини вужудга келтиради, инглиз тилига қизиқишини уйғотади, бу эса ўз навбатида бола шахсининг таълими, тарбияси ва камолоти самарадорлигини таъминлайди.

Ўйинлардан фойдаланиш ғояси нисбатан эски бўлса-да, 1960 йилларда Америка ва Англия олимлари томонидан анча юқори даражага кўтарилди, унинг афзалликлари илмий-методик жиҳатдан исботлана бошланди [108]. Бугунги кунга келиб ривожланган давлатларнинг таълим тизимида машғулотларни имитация ўйинлари, жумладан компьютер ўйинларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, дарсларда компьютерлардан фойдаланиш орқали болалар қизиқишини орттириш ва бунинг натижасида таълим

самарадорлигига эришиш мумкинлиги аниқланган. Аммо инглиз тили таълимини ташкил қилишнинг ноанъанавий шакллари тизимида бу хилдаги компьютерли дидактик ўйинлардан фойдаланиш тажрибаси республикамизда кенг оммалашган эмас. Бунинг асосий сабаби ўзгарувчан педагогик технологиялар шароитида компьютерли дидактик ўйинлардан фойдаланиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилмаганлиги, унинг турлари ва афзалликлари етарлича тарғиб этилмаганлиги билан боғлиқ.

Муҳокама қилинаётган мавзунинг долзарблиги, бир томондан, унинг ижтимоий аҳамияти билан белгиланса, иккинчидан, мазкур муаммо бўйича ҳозиргача нуфузли илмий-педагогик тадқиқотлар олиб борилмаганлигидир. Ҳозиргача ҳимоя қилинган диссертацион ишлар орасида тил таълимининг дидактик асослари талқинига у ёки бу даражада дахлдорлари учрайди. Бу муаммонинг ечимини топиш вазифаси ва уни назарий асослаш ҳамда амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш ҳануз етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқот ишини долзарб илмий мавзу сифатида танлашга асос бўлди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз тили ўқитишнинг долзарб муаммолари сўнгги йилларда халқаро, минтақавий ва республика миқёсида ўтказилган қатор илмий-амалий анжуманларда ҳам муҳокама қилиб келинмоқда. Ўзбек аудиториясида чет тили ўқитиш соҳасида ҳам тадқиқотлар олиб борилди (Г.Т. Махкамова, Ф.Р. Кадырова, А. И. Ахмедходжаева, А. М. Мамадалиев, М. Чориев, Қ. Қ. Қиясова ва б.).

Инглиз тилини ўқитишда қўйиладиган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур илмий муаммонинг фанда қай даражада ёритилганлигини ўрганишга тўғри келди. Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар олимлари томонидан чет тилини ўқитиш муаммолари тадқиқ қилинган (Ҳ. Палмер, И. В. Раҳманов, И. А. Зимняя, В. С. Цетлин, Г. Х. Бақиева, Ж. Б. Бўронов, Ж. Ж. Жалолов, Ў. Қ. Юсупов, А. Э. Маматов, М. Ж. Жусупов, М. Э. Умархўжаев, Т. Қ. Сатторов, ва б.).

Сўнгги йилларда ўтказилган илмий тадқиқотлардан А.М. Мамадалиевнинг номзодлик диссертациясида Педагогика институтлари

талабаларига тил таълими беришнинг дидактик шарт-шароитлари кўриб чиқилган. Диссертант илмий тадқиқотида асосий эътиборни бўлажак ўқитувчиларнинг нутқ малакасини шакллантириш муаммолари, уч тиллик (триливизм) шароитида лисоний таълим, тиллар (она тили, иккинчи тил ва чет тили)ни ўқитиш мақсад ва мазмунининг тавсифи, талабаларга касбий атамаларни ўргатишнинг дидактик асослари каби масалаларга қаратади. Номлари зикр этилган тадқиқотларнинг илмий, назарий ва амалий аҳамияти шубҳасиздир. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, уларда бўлажак мутахассисларнинг касбий малакаларини пухта эгаллашларида барча тиллар қатори инглиз тилининг ўзига хос хусусиятлари ва роли тўла очиб берилмаган. Шу жумладан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига 3-7 ёшдан бошлаб инглиз тилини дидактик ўйинлар ва замонавий ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида ўргатиш борасида илмий иш қилинмаган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади — мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишнинг дидактик хусусиятлари ва инглиз тилини болаларга ўргатиш билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилишдан иборат. Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига инглиз тилини ўргатишда дидактик ўйин ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишни назарий жиҳатдан асослаб бериш, уларнинг инглиз тилидаги луғавий бойлигини кўпайтириб, сўзлашиш кўникмаларининг шаклланганлигини экспериментал равишда синовдан ўтказиш ҳам илмий тадқиқотнинг асосий масалаларидандир.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш, ўз навбатида, қуйидаги вазифаларни бажаришни тақозо этади:

- мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишнинг аҳамиятига оид адабиётларни танқидий ўрганиб чиқиб, улардан тадқиқот жараёнида таҳлилий фойдаланиш;

- мактабгача таълим муассасалари учун мўлжалланган инглиз тилидаги дарслик, ўқув қўлланма ва дастурларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш;
- МТМда инглиз тилини ўқитиш мақсадларига аниқлик киритиш ва ўқув предмети олдида қўйилган дастурий вазифаларни замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда дарсни дидактик лойиҳалаштиришга асосланган таълими жараёни.

Тадқиқот предмети. Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда дидактик ёндашув ва уни ташкил этишнинг мазмуни.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Тарбияланувчиларнинг инглиз тилни ўрганиш самарадорлиги ортади, қачонки:

- тилни ўргатиш пухта ишланган методик тавсиялар асосида ташкил этилса;
- дарсда дидактик ўйинлар ва ахборот коммуникацион технология воситаларидан фойдаланилса;
- таълим мазмунида мантиқий давомийлик таъминланса.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот муаммосига оид педагогик, психологик ва методик илмий адабиётларнинг мазмунини танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш; мактабгача таълим муассасалари ҳужжатларини ўрганиш; чет тилини эрта ўргатиш борасидаги ижобий тажрибаларни умумлаштириш; инглиз тили дарсларида тарбиячиларнинг ўйин фаолияти жараёнини кузатиш; ва илғор иш тажрибасини ўрганиш; педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбекистон Республикасидаги мактабгача таълимнинг методик тизими ўрганилиб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳамда таълим сифатини белгилувчи омиллари аниқланди; инглиз тилини мактабгача ёшдаги болаларга ўргатувчи педагогнинг касбий малакалари масалалари кўрилди; дидактик ўйинлардан ва АКТ воситаларидан фойдаланиш болаларнинг инглиз тилига қизиқишлари, оғзаки нутқ малака ва кўникмаларини шакллантириш услуги ҳамда ижодий қобилиятларини муваффақиятли шакллантириш воситаси эканлиги, шунингдек, янги педагогик технологияларга асосланган дарс

ишланмаларининг самарадорлиги тажриба-синов ишлари орқали тасдиқланди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. Инглиз тили таълими самарадорлигини таъминлашга янги нуктаи назардан ёндашилганлиги, инглиз тилини болаларга ўргатиш мазмунининг давр талаби даражасида янгиланиб боришига объектив зарурият сифатида қаралганлиги, мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш ҳолати, ўқув дастури ўрганилиб, инглиз тили дарсини дидактик лойиҳалаштириш орқали ташкиллаштириш ва янги педагогик технологиясининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Болалар боғчалари учун инглиз тилидан таълим мазмуни танланганлиги, таълим жараёнини дидактик лойиҳалаштириш асосида ташкил этиш омиллари, йўллари кўрсатиб берилди. Тадқиқот натижаларидан мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатиш самарадорлигини ошириш борасида дарс ишланмаларини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари бўйича 4 та мақола чоп этилди. Булар қуйидаги мавзуларда:

- “Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўйин орқали ўқитишнинг дидактик асослари” номли 2 та мақола Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикасида чоп этилди;
- “Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда ўйинли технологияларнинг самарадорлиги”;
- “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига инглиз тилини ўргатишда АКТ воситасидан фойдаланиш”.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация кириш қисми, асосий қисм – 3 боб, 6 параграф, умумий хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

I БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишнинг методологик асослари

Мамлакатимиздаги мустақил, ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишга, унинг ўзлигини англашга, имкониятларини рўёбга чиқаришга ва маънавий баркамол, интеллектуал, ақлий-амалий жиҳатдан етук кадрларни тайёрлаш учун янги шарт-шароитлар яратиб бермоқда. Буни амалга ошириш мақсадида, ҳукуватимиз томонидан тасдиқланган қатор қонун ва фармонлар бунга яққол мисол бўла олади.

Юртимиз қомуси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-бўлим, “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар” деб номланган IX бобнинг 41-моддасида қуйидагича таърифланган, яъни ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги, ҳамда бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланганлиги белгиланган. Бундан кўришиб турибдики, давлатимиз ёш авлоднинг саводли бўлишига ва таълим олишига қайғуради [7, б. 5].

Ҳар томонлама баркамол инсонни шакллантириш бугунги жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги мактабгача таълим муассасаларидаги ёш авлод эртага бизнинг қўлимиздан ишимизни оладиган, ҳаётимизни давом эттириб, ўзидан кейинги авлодга етказувчи ворисларимиз, Ўзбекистон буюк келажагининг эгаларидир. Шу сабабли, Президентимиз Ислоҳ Каримов бутун мамлакатимиз диққат-эътиборини баркамол авлод тарбиясига қаратмоқда.

2010 йили “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинганлиги, албатта, бежиз эмасдир. 2009 йил 5 декабр Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлини ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир» мавзусидаги маърузасида айтганидек: “Баркамол авлод ҳақида сўз борганда, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув

адабиётларини такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим, умумтаълим тизимида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарур. Шунингдек, ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсон этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор», дедилар [Каримов, 2009]. Шу сабабли, замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган педагогик технологияларни мактабгача таълим муассасаларида ҳам жорий қилиш ишлари ҳозирги давр талабидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти шундаки, у шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби компонентларнинг бир бутун тизим сифатида бирлашишини тақозо этади. Миллий моделни амалга оширишда узлуксиз таълим турларининг аҳамияти, мақсад ва вазифалари И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” асарида аниқ ва равшан кўрсатиб берилган [Каримов, 1997, б. 29]. Таълим жараёнининг барча босқичларида турли фанлар бўйича узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий бўғинларидан биридир.

2014 йил «Соғлом бола йили», деб эълон қилиниши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги Р-4175-сонли фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган «Соғлом бола йили» Давлат дастури тасдиқланди. Унга кўра, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Тарбияланувчиларни мактабга тайёрлаш бўйича замонавий дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ахлоқий, ақлий ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган. Шу боис ҳам, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов кириб келган янги — 2016 йилни

Ўзбекистонда “Соғлом она ва соғлом бола йили”, деб тантанали эълон қилганлиги бунинг яққол исботидир. Шунингдек, мактабгача таълим муассасасида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мактабгача таълим муассасаси, ҳамда тиббиёт ходимлари ва мактабгача таълим муассасасига бириктирилган соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ҳукуматимиз Ўзбекистон келажагини қуришда муҳим ўринни эгаллаган болаларни юксак маънавиятли фарзандлар қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада Президентимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида “Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан. Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди”, – деб таъкидланади [Каримов, 2008, б. 33]. Демак, маънавий маданият манбаларида илгари сурилган ғояларга амал қилиш, уларни ёш авлодга ўргатиш ва онгига сингдириш педагогнинг жамият ва Ватан олдидаги юксак бурчидир.

Педагог олим О.Мусурмонованинг «Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси» номли асарида таъкидланишича, инсон ўз кадр-қимматини ва ўзлигини умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнида англай бошлайди. Таълим муассасаларида ўқитувчи томонидан ўзаро мулоқот асосида олиб бориладиган қуйидаги хусусиятлар негизида ўқувчиларда мулоқот орқали маънавий маданиятни шакллантириш **мезонлари** ифодаланган:

- ҳар бир инсоннинг қизиқишларини кўра билиш, ҳис этиш ва ҳурмат қилиш, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, миллий қадриятларни эъзозлаш;
- миллий-маънавий маданият манбаларини ўрганиш, ўзлигини англашга эҳтиёж, инсон ҳаётида меҳнатнинг ўрнини тўғри тушуниш;

– Ватанга муҳаббат, садоқат, ўз манфаатларини жамият, халқ манфаатларидан юқори қўймаслик;

– ота-она, қариндошлар ва бошқа атроф-муҳитдаги кишиларга нисбатан мурувватли, саховатли бўлиш [Мусурмонова, 1996].

Ушбу фикрлар мактабгача таълим муассасаларига ҳам тегишли эканлигини ифодалайди. Чунончи, МТМларнинг ўрта, катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларини 5-7 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Тарбиячиларнинг интеллектуал салоҳиятларини шакллантиришнинг илк даври ҳам мана шу ёшдан бошланади. Зеро, қуйидаги ҳадис: «Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир», деб бежизга айтилмаган, яъни бунда ёшликдан бошлаб илм йўлига киришни ёқлайди. Чунки, мамлакатимиз келажаги ва истиқболи ана шу ёш авлод таълим-тарбиясига боғлиқдир. Яъни, мактабгача таълим муассасаси, болаларни соғлом ва баркамол шахс бўлиб улғайишларига, ўқишга нисбатан ҳавасларини уйғотишга туртки бўлиб, мунтазам равишда таълим олишларига, ҳамда хорижий тилларни ўрганишларига имкон яратади. Шундай экан, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1875-сонли қарори юртимиздаги кенг қамровли таълим ислохотларининг узвий давоми бўлиб, бу борада шахс камол топишининг муайян босқичлари, айниқса, мактабгача таълим даври алоҳида аҳамиятга эга. Унга кўра, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит яратиш муҳим аҳамият касб этиши кўзда тутилган [Каримов, 2012].

Президентимизнинг мазкур Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 2013 йил 8 майда “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарори қабул қилинган [14]. Дарҳақиқат, хорижий тилни эгаллаш таълим, илм-фан, иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий ҳаётдаги глобаллашувнинг янги даври учун асосий калит ҳисобланади. Глобаллашаётган таълим эндиликда илм олувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам бутун дунёда таълимни ва илмий изланишларни давом эттириш имкониятини яратиб бормоқда.

Ўзбекистонда хорижий тилни ўқитиш халқаро стандартларини мувофиқлаштирувчи Умумевропа хорижий тилларни ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш мезонларига тавсиялар – CEFR (Common European Framework of Reference) га мослаштирилган ҳолда амалга ошириляпти. Бу ўқув дастури барча тилларни ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Яъни, CEFR дунё бўйлаб кенг тарқалган хорижий тил таълимининг стандартларидан биридир. У турли мамлакатлар ёки бир мамлакатдаги турли университетлар, коллежлар ва мактаблардаги ўқув дастурлари, мутахассисларнинг тайёргарлик даражаси ва баҳолаш тизимларини қиёслаш учун ишонарли усул ҳисобланади. CEFR барча тилларни ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш тизимини ҳам қамраб олади. Бунга кўра, тилни ўрганиш тил ўрганувчининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўрганаётган тилдан жонли тарзда фойдаланиш ва турли мулоқот кўникмалари – эшитиш, гапириш, ўқиш ва ёзишга мослаштирилган ҳолда амалга оширилади. Айнан шу тамойил бугунги кунда хорижий тиллар, аввало, эшитиш, гапириш, ўқиш ва ёзиш кўникмалари кетма-кетлигида ўрганиб борилиши келажакда ёшлар мутахассис сифатида иш бошлаганида уларнинг эркин мулоқотда бўлишига ва билимларини янада бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай тилни ўрганиш аввало тилни эшитиб, унга пайдо бўлган қизиқишдан бошланади. Тилни ўрганиш бу тилнинг асосий структурасини ташкил қиладиган ана шу 4 та кўникмага асосланади. Шунга кўра, инглиз

тилини ўқитишни мактабгача таълим муассасаларидан ўйин ва оғзаки нутқ дарслари шаклида олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасида мактабгача таълимни узлуксиз таълимнинг биринчи бўғини сифатида эътироф этиш, унинг 11-моддасида мактабгача таълим болаларни жисмоний, ақлий, ахлоқий, маънавий, хуллас, ҳар жиҳатдан таълимнинг кейинги турида, яъни мактабда ўқишга тайёрлаши лозимлиги таъкидланади.

Мазкур Қонунда “Ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш”, бугунги кундаги асосий масалалардан бири, деб кўрсатилган [Каримов, 1997]. Шундай экан, турли фанлар, жумладан, мактабгача таълим муассасаларида инглиз тили фанидан замон талабига жавоб берадиган ўқув қўлланмаларини яратиш, ахборот технологияларини қўллаш методикасини ишлаб чиқиш долзарб вазифадир.

Айни пайтда улар доимий равишда ижтимоий, сиёсий, экологик, илмий, ва техникавий соҳалардаги ўзгаришлар билан тўқнаш келишларига тўғри келади. Ушбу ўзгаришлар жамият учун зарур касблар мажмуасининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Дунёда содир бўлаётган тезкор ўзгаришлар болалардан доимий равишда ўқиб, изланишни тақозо этади. Зеро, “Таълим – имкониятлар тенглигини таъминлайдиган буюк мезон. У жамият ақл-заковатининг юксалиши, рақобатбардошликнинг кучайиши ва ютуқлар кўпайишининг муҳим омили вазифасини ўтайди”, деб бежизга айтилмаган.

Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълимнинг мақсади – болаларни мактабдаги ўқишга таёрлаш, болани ривожланган, соғлом, мустақил шахс бўлиб шакллантириш, қобилиятларини очиб бериш, ўқишга, тизимли таълимга бўлган иштиёқини тарбиялашдир. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини амалга оширишда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.



2007 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 225-сонли Қарори “Мақтабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори тасдиқланган ва мақтабгача таълимни янада ривожлантириш, шунингдек, болаларни умумтаълим мақтабларида ўқишга муваффақиятли тайёрлаш мақсадида муҳим вазифалар таъкидланган [13]. Бундан ташқари, мазкур қарорда «Ўзбекистон Республикасида нодавлат мақтабгача таълим муассасаси тўғрисида» Низом қабул қилинди. Унга кўра, нодавлат мақтабгача таълим муассасасининг устави Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаси устави ишлаб чиқиш тартибига мувофиқ ишлаб чиқилади, тасдиқланади ва тегишли давлат органларида рўйхатдан ўтказилади.

Республикамизда 5980 та мақтабгача таълим муассасалари-боғчалар мавжуд. Ўзбекистонда 2015 йил 1 апрел ҳолатига кўра лицензия муддати амалда бўлган 155 та нодавлат мақтабгача таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Вилоятда 393 та мақтабгача таълим муассасалари мавжуд бўлиб, улардаги болалар сони 27,2 минг нафарни ташкил этади. Муассасаларда болаларга 2,9 минг нафар педагог ходимлар таълим-тарбия бермоқдалар [56].

2012 йил бўйича келтирилган расмий статистик маълумотларга асосан, аҳолининг тегишли қисмини мақтабгача таълим билан қоплаб олиш кўрсаткичи 22,7% ни ташкил қилган. Мақтабгача таълим билан қоплаб олиш

кўрсаткичи Тошкент шаҳри (53,9%) ва бошқа шаҳарларда қишлоқ ҳудудларига қараганда юқорирок.



Республикамизда мактабгача таълим муассасаларининг 2010 йилдаги сон кўрсаткичи билан 2015 йилдаги сон кўрсаткичлари ўртасидаги фарк юқоридаги жадвалда ўз аксини топган. Бунга кўшимча тарзда мактабгача таълим муассасаларидаги педагоглар сони 2010-2011 йй. 38200 нафар бўлган бўлса, 2014-2015 йилларга келиб, 62644 нафарга ошганлигини кўриш мумкин. Бунга кўра, тарбияланувчиларнинг сони 2010-2011 йй. 426800 нафарни ташкил этган бўлса, 2012-2013 йилларга келиб 539527 нафарга кўтарилганлиги ва 2014-2015 йй. келиб, кўрсаткич 508235 нафарга пасайганидан далолат беради.

1946 йилда ташкил этилган ЮНЕСКО, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан, маданият масалаларини ривожлантиришда ихтисослашган ташкилотдир. Унда мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш, ҳамда болаларга ёш давриданок хорижий тилни ўргатиш масалалари кўриб чиқилиб, буни амалга ошириш мақсадида, қатор йиғилиш ва анжуманларда муҳокамалар олиб борилди. Шунини таъкидлаш жоизки, 1985 йил ЮНЕСКОнинг миллатлараро анжуманида, турли хил давлатлардан ташриф буюрган мутахассислар, болаларга ёш давриданок хорижий тилни ўргатишнинг қатор талаб ва таклифларини ишлаб чиқишди. Булар қуйидагилар:

1. Болалар тилни мулоқот воситаси сифатида ўрганишлари лозим, бу эса уларда идрок этиш фаолиятини, мантиқий фикрлаш доирасини ва дунёқарашини ривожлантиради ҳамда бунинг натижасида, тил орқали бошқа давлатнинг урф-одати ва маданияти билан яқиндан танишади;
2. Болалар чет тилини 4-7 ёшдан ўрганишни бошлаши мақсадга мувофиқлиги таъкидланиб, унга кўра болалар бу даврда ўз она тилини ўзлаштирган бўлишади ва янги тилга кўникма хосил қилиша олади ва ҳоказо. [94].

1962 йил ЮНЕСКОнинг қарори билан Англия ва Уэльсда, болаларга ёш давриданок чет тилини ўргатиш борасида ўтказилган тажриба-синов олиб борилди. Натижада маълум бўлдики, хорижий тил болаларнинг билим

салоҳиятини ва маданиятини ошириб, ўз она тили кўникмаларига ижобий таъсирини кўрсатди. Бундан ташқари, 80-йилларда АҚШ ва Канада Университетларида олиб борилган тадқиқотлар шуни намоён қилдики, икки тилда сўзлашувчи болаларда когнитивлик хусусияти фақат бир тилни биладиган болага қараганда анча юқори даражада эди. Бундай болаларда ўқиш кўникмалари ҳам эрта шаклланишини кўрсатди.

1997 йилда “Мактабгача таълим” атамаси ЮНЕСКО қарори билан киритилган бўлиб, узлуксиз таълим тизимининг биринчи босқичи дея эътироф этилди. 2004 йили мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига чет тилини ўргатиш масаласи бўйича йиғилиш ўтказилди. Унда ЮНЕСКОнинг бош раҳбари Коитиро Мацуура сўзга чиқиб, болаларга ҳар бир миллат ўз миллийлигини сақлаган ҳолда чет тилини ўргатишлари лозимлигини ва бундай усул, болалар ривожланишига, бошқа фанларни осон ўзлаштиришига самарали натижа кўрсатишини таъкидлади [Исақулова, 2011].

Ҳозирда болаларга ёш давридан бошлаб чет тилини ўргатиш масалалари сиёсий даражага кўтарилгани бежиз эмас. Ҳатто Европа мамлакатлари ҳам бу масалага жиддий ёндашиб келмоқдалар. 1994 йилдан бошлаб Европа Қўмитаси томонидан шу муаммо бўйича 10 дан ортиқ миллатлараро анжуманлар ўтказилди.

Маълумки, жаҳон халқлари эришган бой фан – техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш учун хорижий тилларни ўрганиш зарурдир, чунки илмий-техникавий ахборот тил орқали ўзлаштирилади. Шуни инобатга олган ҳолда, 1993-94 ўқув йилидан бошлаб “Ўзбекистон Республикаси чет тилларини чуқурлаштириб ўргатиш низоми” ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Ахборот коммуникацион технология воситаларининг ривожланиши барча соҳаларга, шу жумладан, таълим соҳасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ида “мактабгача таълимнинг самарали психологик усулларини

излаш ва жорий этиш” муҳимлиги кўзда тутилган. Шунингдек, 4.9-моддасида “барча босқичлардаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади”, – деб айтилган. [9, б.17].

2003 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисидаги» қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» [10], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ХТВ хузурида мультимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа эълон қилинган қарорлари бунинг яққол мисолидир.


Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1730-сон Қарори қабул қилинган бўлиб, мактабгача таълим муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бунга кўра, таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар ва ҳар бир *мактабгача муассасани* ўйинли ва билиш билан боғлиқ мультимедиа дастури билан таъминлаш кўзда тутилган.

Давлатимиз томонидан таълим жараёнини ахборотлаштириш, унинг моддий базасини бойитиш, ўқув жараёнида ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланиш учун керакли замонавий дастурий воситалар билан таъминлаш юзасидан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай ишларни сифатли даражада рўёбга чиқиришда, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини

ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори 1-иловасининг 8 – бўлимида педагог кадрларнинг тайёргарлигига қўйиладиган талабларда, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга катта эътибор берилган. [12].

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, замонавий педагог жавоб бериши керак бўлган талаблар комплексини белгилайди. Мутахассиснинг педагогик ишга тайёргарлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий талабларини қуйидагича белгилаш мумкин:



Педагогнинг янги педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаганлик, интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш амалий кўникмаларига эгаллиги, *ўқитиш (дарс бериш) маҳорати*га қўйиладиган талабларнинг асосий қисмларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг март ойида аттестациядан ўтказилиб, ҳужжатлари Давлат тест маркази қошида доимий фаолият кўрсатувчи Аккредитация комиссиясига топширилган 334 та мактабгача таълим муассасалари аккредитация комиссияси томонидан аккредитацияланди.

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари бундай фаолиятга алоҳида тайёргарлик кўришлари керак. Бу, ўз навбатида, тарбиячиларнинг касбий қизиқишлари кўламини кенгайтиришга, яъни уларнинг адабиётларни

ўқиб-ўрганишдан, то назарий психологик-педагогик ва фундаментал тадқиқотлар олиб боришига ҳам имкониятлар яратади. Яхши илмий-педагогик тайёргарлик инновацион фаолиятнинг самарадорлигини таъминлайди. Инновацион жараёнларда фаол иштирок этувчи тарбиячи-педагог мунтазам равишда ўзини ўзи ривожлантириши ва МТМ тизимини такомиллаштиришнинг катализаторига айланиши, яъни мазкур жараёнларнинг тезлашишида муҳим аҳамият касб этишидир.

Айни пайтда мактабгача таълим муассасалари тарбиячисининг мустақил равишда билим эгаллаб, тил ўрганиб, инглизчада суҳбатлашиш кўникмаларини ошириб бориши ва замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиши – бир томондан, педагогик фаолиятнинг муваффақиятли бораётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, муҳим вазифа эканлигидан далолат беради. Чунки, бу кечиктириб бўлмас жараён шахсни интеллектуал қашшоқликдан қутқариб қолади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори барча фуқароларнинг чет тилларини, жумладан, ингиз тилини янада пухта ўрганишлари учун кенг имкониятлар яратиши билан бирга, мактабгача таълим тизимининг малакали тарбиячиси ва педагог кадрлари зиммасига янада масъулият юклайди. Шу билан бирга, Давлат таълим стандарти ва миллий кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги қонунга кўра, ҳар бир бўлажак мутахассис ўз соҳасини мукамал билиши билан бир қаторда ахборот коммуникацион технологияларини етарлича ўзлаштирган, ҳамда ундан амалиётда фойдаланиш малака ва кўникмасини эгаллаган бўлиши керак. Мактабгача таълим тизими тарбиячиси ингиз тилини ўрганиши, узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, эркин фикрлаши, шунингдек, бошқаларда ҳам инноватик ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши зарур.

1.2. Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишнинг илмий педагогик асослари

Мактабгача таълим муассасаларида чет тиллар, жумладан, инглиз тилини ўрганиш/ўргатиш ҳозиргача замонавий талаблар даражасида эмаслиги барчага аёндыр. Бунга сабаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий савиясининг етарли даражада эмаслиги, дарсларда янги педагогик технологияларнинг қўлланилмаслиги, ўрганилаётган инглиз тили табиий муҳитининг мавжуд эмаслиги каби сабабларни эътироф этиш мумкин. Шунининг илобатга олган ҳолда, юқорида кетирилган Президентимизнинг “Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2012 йил 10 декабрь) Қарори бизга, бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Мазкур Қарорга кўра, таълим тизимининг барча босқичлари олдига “чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш”ни янада такомиллаштириш вазифаси кўйилди.

Манбалардан бизга маълумки, кишилиқ жамиятида инсонлар бир неча тилни билишга қизиққанлар, унга эҳтиёж сезганлар. XX аср тилшунослигининг машҳур намояндаларидан бири Евгений Дмитриевич Поливанов 46 тилни мукамал эгаллаган, ўзбек тили ва шеваларини ўрганиб, таҳлил қилган, дўппи, чопон кийиб, «Мен ўзбекман, фамилиям Полвонов» деб ўзбеклар орасида ўзбекдай юрган олим саналади [Усмонов, 1991]. Ёки Жорж Смит – БМТ собиқ бош таржимони ўндан зиёд тилларни билган. У ҳар йили бир мамлакат тилини ўрганишга ҳаракат қилган. Дарҳақиқат, чет элларда кишилар билан унинг ўз она тилида гаплашсангиз, бу уларга, ватанига, тарихига чуқур ҳурмат рамзини ифодалайди. Халқаро муносабатлар ривожланаётган глобаллашув даврида чет тилларни билиш катта сиёсий-маданий жараён саналади. Машҳур қомусий олимларимиз Абу Наср Форобий, Беруний, ибн Синолар бир неча тилларни мукамал билишган.

Инглиз тилини ўргатишда тарбиячининг моҳирлиги, кузатувчанлиги, сезгирлиги, тил ўргатишнинг ўзига хос жиҳатлари борлиги, тил ўрганиш учун боланинг мустақил фаолияти бўлиши, бу фаолиятнинг тарбиячи фаолияти билан уйғунлашиб кетиши каби ҳолатлар ҳам ҳисобга олиниши, эҳтимол, жуда аҳамиятли бўлар. Ана шуни тушунган тарбиячи фаолияти, ҳақиқатан ҳам, тил ўқитишда биринчи омилликка даъвогарлик қила олади.

Маълумки, бошқа тилларни билиш, ўрганиш ҳеч қачон ўз она тилини камситиш, эсан чиқариш, унутиш ҳисобига бўлмайди. Ана шу нуқтаи назардан қаралса, бошқа тилларни ўрганишга даъват, аввало, ўз она тилини ҳам билишга, шу билан бирга, бошқа тилларга ҳам ҳурматни шакллантириш, ўрганишни йўлга қўйишни тақозо этади.

Маълум бўлишича, илмий педагогикада чет тилини ўргатиш масалалари бўйича жиддий тадқиқот ишлари XX асрнинг биринчи ярмида шаклланган. Бу соҳада илк бор мутахассис Х. Р. Хьюзанинг «Чет тилини ўрганиш психологияси» номли китоби таҳсинга лойиқ бўлиб (1931), бу иш давомчилари сифатида Х. Дипкель, В. Риверс, Дж. Кэррол, Р. Политцер, С. Донау, В. Моултон, Л. Якобовиц, В. Рейнеке, В. Аппельт, И. В. Карпова, Б. В. Беляев, В. А. Артемов ва бошқа психолог олимларни олишимиз мумкин.

Инглиз тилининг хусусиятларини ёритишда унга турлича ёндашишлар мавжуд. Тадқиқотчилар чет тилининг психологик, дидактик, амалий, таълимий-тарбиявий асосларидан келиб чиқиб, ўз фикрларини баён этишган (И. В. Раҳманов, Г.Х. Бакиева, Г.Т. Маҳкамова, Ф.Р. Кадырова, В. С. Цетлин, Ж. Ж. Жалолов, Т. Қ. Сатторов ва бошқалар).

Шуни таъкидлаш жоизки, юртимизда мактабгача таълим муассасасида болаларга чет тилини, шу жумладан инглиз тилини ўргатиш борасида етарлича илмий тадқиқотлар мавжуд эмас. Шу боис, илмий тадқиқот давомида болаларга ёш давридан бошлаб чет тилини ўргатиш масаласи бўйича қатор диссертация ишлари таҳлил қилинди. Шулардан, мактабгача (5-6 ёшдаги) болаларни чет тилида оғзаки нутқ кўникма ва малакаларини

шакллантириш (Г.Т. Махкамова), ўзбек боғчасида болаларни рус тилида оғзаки нутқ кўникмасини дидактик ўйинлар орқали шакллантириш (Ф.Р. Кадырова), эрта таълим соҳасида чет тилини ўқитишнинг илмий ва услубий ривожланиши ҳамда танқидий ўрганиш масалалари (Н. Н. Ачкасова, О. А. Осиянова, Н. А. Малкина, О. А. Денисенко, Б. Чепцова ва б.), ўқитиш методлари (Н. Н. Ачкасова, Н. А. Яценко ва б.) бўйича илмий ишлар кўриб чиқилди. Улардан қуйидаги ишлар ажратиб олинди: мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларида мулоқот кўникмаларини шакллантиришнинг психологик ёндашувлари (Негневицкая Е.Н.), мактабгача таълим муассасалари болаларига чет тилини ўргатишнинг асослари (Колиева Н.Ф., Григорьева В.В.), мактабгача таълим муассасалари болаларига хорижий тилни ўргатишда қўлланиладиган машқлар турлари (Дольникова Р.А.), боғча болаларига чет тилини ўргатиш методикаси (Футерман З.Я.; Чистякова Т.А.), мактабгача таълим муассасалари болаларига чет тилини ўйин орқали ўргатиш хусусиятлари (Пониматко А.П), ёш даврдан бошлаб инглиз тилини ўргатишда инглиз адабиётларидан фойдаланиш методикаси (Денисенко О.А.), сюжетлаштирилган роллар орқали 6-7 ёшли болаларга мулоқотни ўргатиш (Рыбакова Н.В.) ва мактабгача таълим муассасалари болаларига эртақларни қўллаган ҳолда оғзаки нутқни шакллантириш (Малкина Н.А.) каби ишлар шулар жумласидан.

Хорижий тилни кичик даврдан болаларга коммуникатив йўналиш орқали ўргатиш хусусиятлари А.А. Леонтьева, В.Г. Костомаров, О.Д. Митрофанова ва бошқаларнинг ишларида намоён бўлган. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасаси болаларига чет тилини ўргатишда педагог нутқининг равонлиги муҳим аҳамиятга эгаллиги қайд этилган.

К.Д. Ушинскийнинг таъкидлашича, чет тилида сўзлашишни ёш бола катталарга ўхшаб йиллар давомида эмас, балки бир неча ойларда яхшироқ ўрганиб олади. Олимнинг ёзишича, чет тилини ўрганиш қуйидаги мақсадларни амалга оширишга ёрдам беради. “Биринчи мақсад – тил ўрганаётган халқнинг ижоди билан танишиш. Иккинчиси эса, мантиқий

фикрлаш доирасини кенгайтириш, чунки тил ўрганиш инсоннинг мия фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, уни ҳар томонлама ривожлантиради. Учинчи мақсад – шу халқнинг маданияти билан яқинроқ танишиш ва улар билан осон мулоқотга кириша олиш. Кейингиси эса, шу хорижий мамлакат одамлари билан бемалол ўзларининг тилларида хат ёзиша олиш кўникмаларини шакллантиришдир.” [Ушинский, 1950, с.118].

Л.С.Выготскийнинг фикрига кўра, болалар она тилини ўз-ўзидан, беихтиёр ўрганишни бошлашади, чет тилини эса онгли равишда қабул қилишади. Шунинг учун ҳам, тил ўрганиш кўникмалари болаларда қуйидагича шаклланади: она тили “пастдан тепага” қараб, чет тили эса “юқоридан пастга” қараб ривожланади [Выготский, 1982]. Шундай қилиб, дунёвий билимларни бола тил орқали қабул қилади.

И. А. Зимняянинг фикрига кўра эса, болалар таълим жараёнида она тили тажрибаларига таянган ҳолда, чет тилини ўрганишлари керак, фақат шундагина хорижий сўзларни хотирасида сақлаш осон кечади [Зимняя, 1991].

Профессор Н. А. Бонкнинг фикрича, ёш болага хорижий тилни ўргатишда уларнинг психологиясини ҳисобга олиш зарур, чунки ёш ўрганувчи қизиққон бўлади ва зерикшни ёқтирмайди. Шуни инобатга олган ҳолда боғча болалари учун яқин бўлган мавзулардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Булар ўйинчоқлар, ҳайвонлар, оила, уй, боғча ва хоказо. Эрта таълим жараёни мактабгача таълим муассасалари болаларига чет тилини чуқур ўрганишига туртки бўлиб, келажакда улар нутқининг равонлигини таъминлашга имкон беради [Бонк, 1997].

Чет тилини ўрганишнинг энг қулай даври – олти ёш ҳисобланишини Европа қўмитаси томонидан ўтказилган миллатлараро анжуман ҳам тасдиқлагани тасодиф эмас. (г. Грац, 1998). Буни психолог олим А. А. Леонтьев ҳам тасдиқлади, чунки унинг фикрича, чет тилини ўрганишда айнан олти ёш энг қулай даврдир. Бундай вақтда болаларда ички туртки ва янги тилга қизиқиш кучли бўлади, шу вазиятдан фойдаланган ҳолда чет

тилини болаларга ўйинлар орқали ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада И. А. Зимняя ҳам қўшимча тарзда шуни белгиладики, чет тилини болаларга ўргатишда эртак қахрамонлари билан фойдаланиш ижобий самара беради.

Аммо, “Болаларга инглиз тилида сўзлашишни қандай қилиб ўргатиш мумкин”, номли дарслик муаллифи И.Л.Шолпо ҳам, “беш ёшдан хорижий тилни ўрганишни бошлаш энг самарали вақтдир. Албатта, тўрт ёшлиларга ҳам ўргатиш мумкин, лекин самарасиздир”, дея таъкидлаган [Шолпо, 1999].

И.Л.Шолпонинг тўрт ёшда хорижий тилни ўрганиш ноўриндир, деган фикрини мутахассис педагог З. Я. Футерман томонидан ўтказилган тажриба ҳам тасдиқлайди. Бу тажрибада икки гуруҳ, яъни тўрт ёшли ва беш ёшли болалар иштирок этишади. Ёш гуруҳ катнашчилари, беш ёшлиларга караганда тил ўрганишда баъзи бир қийинчиликларга дуч келди. Ҳатто, бу тажриба кичик ёшдаги болаларнинг нутқига салбий таъсир ўтказганлиги ҳам маълум бўлган. Шунинг учун З. Я. Футерманнинг хулосасига кўра, беш ёш чет тили ўрганиш учун ижобий ва сифатли даврдир [Футерман, 1984].

Бу фикрларга қўшилган ҳолда мутахассис Е. А. Аркин ўқув фаолиятини бошлашда беш ёшни энг муносиб давр дея таъкидлайди, чунки бунда болалар ҳам физиологик, ҳам психологик томондан ривожланган бўлади. Шубҳасиз, бу даврда боланинг лексик жиҳатдан сўз бойлиги ортган бўлади ва уларда мулоқотга бемалол кириша олиш маҳорати намоён бўлади. Бундай вақтда, ролли ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги баён этилган [Аркин, 1968]. Кичик ёшдан хорижий тилларни ўрганиш амалий жиҳатдан чет тилида сўзлашиш сифатини оширмайди, балки мактабда чет тилини мукамал ўзлаштиришига асос яратади ва келажакда яна қўшимча тилларни ўрганишга замин ҳозирлайди.

Эртаклар чет тилини ўргатишда самарали усулларида бири ҳисобланиб, болаларда эшитиш ва гапириш қобилиятларини намоён қилади. Л.С. Выготский, А.В. Запорожец, В.С. Мухина, А.П. Усова ва бошқаларнинг тадқиқотларига кўра, эртакларни эшитиш 5-6 ёшли болаларнинг хотирасини, диққатини ва фантазиясини ривожлантиришга кўмаклашади. Кўпчилик

мутахассисларнинг таъкидлашича, эртақлар мактабгача таълим муассасалари болаларига чет тилини ўрганишда кўл келади (О.А. Денисенко, Е.И. Негневицкая, О.М. Осиянова). Бунга кўра, эртақлар болаларни бошқа дунё маданиятига олиб кириб, уларни шу мамлакат халқ оғзаки ижоди билан яқиндан таништиради ва тил ўрганишида ижобий муҳит яратади.

Педагог В.С. Мухина ҳам эртақни эшитиш орқали болаларга нотаниш бўлган сўзлар ва иборалар осонликча ўзлаштирилишини ҳамда ёдда сақлаш хусусиятлари ортишини таъкидлайди [Мухина, 1999].

Бугунги кунда, умуман, ўйинлар мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолият тури эканлиги барчамизга маълум. Шу сабабли, дидактик ўйинлар мактабгача таълимда таълим-тарбия сифатида кенг қўлланилмоқда.

Педагогика ва психологияда ўйин фаолияти муаммосини К. Ҳошимов, Р.Мавлонова, Е.А.Покровский, К.Д.Ушинский, П.П.Блонский, С.Л.Рубинштейн, Д. Б. Эльконинлар ўрганганлар. Ф. Бойтендайт, В. Вунд, К.Гросс, Ф.Шиллер, К.Бюлер, З.Фрейд, Ж.Пиаже ва бошқа чет эллик тадқиқотчи ва файласуфлар бир назарияни иккинчиси билан тўлдирганлар. Уларнинг ҳар бири ўзида кўпқиррали ўйиннинг фақатгина бир қиррасини ёритганлар, ўйин ҳақида тўлиқ маълумотлар ёритилмаган.

Бундан ташқари, бир қанча мутахассисларнинг бу борада илмий изланишлари асарларида ўз ифодасини топган. Улар мактабгача таълим муассасалари болаларига ўйин воситасилари орқали таълимни ривожлантириш хусусиятларини ёритишган (Ю.К.Бабанский, Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, П.И.Пидкасистый, Ж.С.Хайдаров, Д.В.Эльконин, Б.Ф.Ломов, С.Л.Рубинштейн, В.А.Сластенин, Ж.Пиаже ва б.); дарсни ўйин технологиялари орқали ташкиллаштириш масалаларини (Н.П.Аникеева, Б.П.Никитин, М.Ф.Стронин, В.П.Беспалько, М.В.Кларин, Г.К.Селевко, В.В.Сериков, Л.П. Гусева ва б.) ёритган.

Болалар ўйинларининг дастлабки илмий таҳлили рус олими Е.А.Покровский томонидан 1887 йилда амалга оширилган. Унинг фикрига

кўра, “ўйин” тўғрисидаги тушунчалар ўзига хосликни ва тафовутни, у ёки бу халққа мансубликни билдиради [Покровский, 1987, с. 1-24].

Орадан ярим аср вақт ўтгандан кейин 1933 йилда “ўйин” тушунчасининг этимологик таҳлилини амалга ошириш ва унинг ўзига хос аломатларини таснифлашга ҳаракат қилган олимлардан бири голланд олими Ф. Бойтендайдир. У ўйиннинг аломатлари қаторига қуйидагиларни киритади: “у ёққа ва бу ёққа” ҳаракат, ихтиёрсизлик ва эркинлик, қувонч ва эрмаклик. Бундай аломатлардан каноатланмаган муаллиф, унинг феноменини болалар фаолиятини кузатиш орқали аниқлаш мумкин, чунки ўйиннинг қиймати ва аҳамияти уларнинг ўзлари томонидан оқилона баҳолаш, деган хулосага келади [Buytendijk, 1933, p. 1-24].

Болалар ўйинининг тартибли, давомли, уюшқоқлик ва аниқ мақсадга қаратилган ҳолда ташкил этилиши, ўтказилиши ва муайян натижа билан яқунланиши тарбиявий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, болалардаги ташкилотчилик ва ташаббускорлик сифатларини тарбиялайди, бошлаган ишини охирига етказиш кўникмаларини пайдо қилади, уларнинг иродали бўлиб ўсишларига ёрдам беради, руҳий, ақлий жиҳатдан ривожлантиради. В.А. Сухомлинский таъбири билан айтганда, «ўйинда болалар олдида олам очилади: шахснинг ижодий қобилиятлари намоён бўлади» [Сухомлинский, 1974, с. 33].

Ўйин боланинг нутқ ўстириш жараёнини фаолиятга яқинлаштиради. Бу масалада бизга С.Л. Рубинштейн айтган фикр маъқул келади. Олимнинг таъкидлашича, инсоннинг руҳий, маънавий ривожланиши унинг назарий ва амалий ишларида, фаолиятида намоён бўлибгина қолмай, балки содир бўлади. Мустақил равишда савол бериш, шу тарзда жавоб қайтаришгина болаларнинг она тилидаги нутқий фаолиятини ривожлантиради [Рубинштейн, 1989].

Е.И. Негневицкийнинг илмий тадқиқотларига асосан, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларига инглиз тилини ўргатишда нутқ муаммоларига аҳамият бериб, ўйинли вазиятлар яратиш тавсия этилади. Инглиз тилида

мулоқотга чорлашнинг энг самарали усули, уларни гуруҳларга тақсимлаб, ўйинларни ўтказишдир. Чунки, гуруҳли ўйин фаолияти машғулотлари таъсирида бола мактаб таълимига тайёрланиб боради, худди шу боисдан ҳам унда ақлий ҳаракатларнинг яққол шакллари таркиб топа бошлайди. Бундай усуллар амалиётда (1988) қўлланилиб, ижобий натижалар берганлигини кўрсатди [Негневицкая, 1987].

К. Гросснинг назарияси алоҳида эътиборга лойиқ. У ўйин мазмунини келажакдаги жиддий фаолиятга тайёргарлик учун хизмат қилади, деб қарайди. Инсон ўйинда машқ қилиб, қобилиятини ривожлантиради. Бу назариянинг алоҳида оммалашувига сабаб бўлган асосий устунлиги шундаки, ўйин ривожланиш билан уйғунликда ва ривожланишда бажарган вазифасига кўра мазмун касб этади [Гросс, 1996]. Асосий камчилик – бу назария фақат ўйин мазмунига қаратилганлигида бўлиб, у ўйиннинг манбаи, уни келтириб чиқарган сабаби, ўйинга ундовчи мотивларни очиб бермайди. Ўйинни унинг якуний мақсадга йўналтирувчи натижаси нуктаи назаридан тушунтириш Гросс томонидан телеологик таснифга эга, телеология сабабни инкор этади. Гросс ўйин манбаини кўрсатишда инсонлар ва ҳайвонлардаги ўйинни биологик факторлар ва инстинкт билан боғлайди. Ўйиннинг ривожланишдаги аҳамиятини ёритишда Гросснинг назарияси мазмунан тарихийликка зиддир.

Ҳозирги даврда дидактика ўқитишнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари илмий асослаб берувчи педагогика соҳаси сифатида тушунилади. Дидактика таълим мазмунини танлаш муаммолари билан шуғулланади, таълим принципларининг қўйилиши, таълим методлари ва воситаларининг қўлланилишини ишлаб чиқади.

Мактабгача таълим дидактикаси – умумий дидактиканинг бир соҳаси бўлиб, мактабгача ёшдаги болалар таълими ва ўқитиш назарияси ҳисобланади, унинг мақсадини белгилайди, мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни мактабга тайёрлашни таъминловчи таълимнинг мазмуни, услублари ва ташкилий шакллари ишлаб чиқади.

XVII асрнинг бошларида немис тилшунос олими Вольфганг Ратихий-Ратке (1571-1635) “дидактика” атамасини биринчи бўлиб “ўқитиш санъати” маъносида қўллаган [Розиқов, 1997, б. 51].

Дидактика юнонча “дидактикос” сўзидан олинган бўлиб, мактабга нисбатан “дидаскалайон”, таълим (ўқитиш/ўрганиш) “дидактикалия”, ўқитувчи “дидаскалос” атамалари ишлатилган [Beisbart, 2003, s. 297].

Бу тушунчани шунга ўхшаш усулда буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670 йиллар) “Буюк дидактика” номли машҳур асарида тилга олади. Лекин Коменский “дидактика” бу фақат таълимгина эмас, балки тарбиялаш ҳам, деб таъкидлайди. Мазкур асарда олим таълим назариясининг муҳим масалалари: таълим мазмуни, таълимнинг кўргазмалилиги, кетма-кетлиги каби тамойиллари, синф-дарс тизими борасида сўз юритади.

Ўзбекистонда дидактик таълимнинг ташкил топиши ва ривожланиши Абу Наср Форобий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Муҳаммадрасул Расулий, Қори Ниёзий каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий “Мақсадни амалга оширишда жаҳд ва ғайрат мўлжалланган ишни бажаришда зўр таъсирга эгадир”, дейди [Форобий, 1993]. Бу фикрнинг дарсга тадбиқи бола билимларни ўзлаштириши учун қизиқиш ва қунт билан киришмоғи лозимлигини англатади. Болаларни дарсга, билимларни ўзлаштиришга қизиқтириш йўллари билан бири эса дидактик ўйинлардан фойдаланишдир.

Ўйинларнинг илдизи жуда узоқ ва қадим замонларга бориб тақалади. Болаларга билим бериш, уларда муайян кўникма ва малакаларни тарбиялаш ҳамда қизиқиш ва қобилиятларини ўстиришда дидактик ўйинларнинг аҳамиятига оид фикрлар Маҳмуд Кошғарий, Абу Али ибн Сино [Ибн Сино, 1993], Абу Райхон Беруний [Беруний, 1993], Захириддин Муҳаммад Бобур [Бобур, 1960] каби мутафаккирларнинг асарларида батафсил талқин қилинган. Жумладан, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону – луғотит турк” асарида ўйинларнинг турлари, йўналишлари ҳақида қизиқарли маълумотлар

мавжуд [Кошғарий, 1960]. Алломанинг фикрича, ўйинлар маданий - маърифий кадриятларни авлоддан авлодга ўтказувчи воситадир.

Қадим замонлардан буён ёшларга таълим-тарбия беришда, ота-боболаримиз томонидан тўпланган бой тажрибаларни келажак авлодга етказишда турли ўйинлардан унумли фойдаланилган. Чунки ўйин болалар ҳаётида етакчи фаолият саналади. Ўйин орқали болалар психологияси ривожланади ва аста-секин фаолиятнинг бошқа турларига ўтиш учун имконият яратилади. Бу масалада дидактик ўйинларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Ҳозирги замонда, бола шахсининг таркиб топишида ўйинларнинг тутган ўрни ҳақида психолог олимларнинг ажойиб тадқиқотлари ва қимматли фикрлари мавжуд. Жумладан, Л. С. Выготский, В. И. Леонтьев, Д. Б. Эльконин, И.Я. Лернер, С. Л. Рубинштейн ва П. П. Блонскийнинг илмий ишларида болаларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ дидактик ўйинлардан фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

Психолог ва педагоглар томонидан **дидактик ўйинлар** болалар учун қизиқарли бўлган **таълим шакли** [Эльконин, 1978.], **воситаси** [Сорокин, 1974.], **қуроли** [Яновская, 1976.], **методи** [Газман, 1982], деб қаралади.

Бизга маълумки, ўйин – болаларнинг суяк-суягига сингиб кетган фаолият. Бу фаолият ўйин турларига қараб воқеликни ва ҳаётни ўзида акс эттиради. Дидактик ўйин таълим воситаси бўлиб, у орқали муайян таълимий мақсадларга эришилади, яъни ўрганилган ўқув материали мустаҳкамланади ҳамда чуқурлаштирилади.

Психологлар дидактик ўйинларга бола шахсида янги фазилат ва сифатларни шакллантирувчи, уларнинг умумий ўсишига ёрдам берувчи фаолият тури сифатида қарайдилар. Масалан, Л. С. Выготский ўйин орқали болаларнинг келажак фаолияти учун зарур бўладиган ахлоқий сифатлари тарбияланади, деб ҳисоблайди. Болаларнинг психологик хусусиятларини ривожлантиришда ўйинларнинг тутган ўрни шундаки, у ақлий

қобилиятларни ривожлантиради ва эҳтиёжларни қондиришга ёрдам беради [Выготский, 1967].

Психолог олим М. Воҳидовнинг таъкидлашича, “Ўйин фаолияти болаларни инсониятнинг ижтимоий тажрибасини эгаллашнинг актив формасига, яъни таълим фаолиятига тайёрлайди, одам бирданига ижтимоий тажрибаларини актив эгаллаш учун, аввало, етарли даражада нутқи ривожланган, маълум малака, кўникма ҳамда оддий тушунчаларга эга бўлиши керак. Буларга эса бола фақат ўйин фаолияти туфайлигина эришади” [Воҳидов, 1982].

Педагогик тадқиқотларда дидактик ўйинларга муносабат турлича. Бунга ўйинларнинг мураккаблиги ва кўп қиррали эканлиги асосий сабабдир.

В. П. Беспальконинг таъкидлашича, ўйин бола фаолиятининг асосий туридир. Ўйин жараёнида бола ҳаётини кўриб ва унга ижодий ёндашиб, ўз кучини шакллантиради, мўлжалга олиш қобилиятини ўстиради [Беспалько, 1995].

Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти ҳақида таниқли психолог ва педагогларнинг қимматли фикрлари мавжуд. Жумладан, С. Л. Рубинштейннинг кўрсатишича, ўйин болани ҳаётга тайёрлаш учун хизмат қилади, ўйин жараёнида бола руҳиятининг барча қирралари, мулоҳаза қилиш, қизиқиш, ақлий ва жисмоний қобилиятлари тарбияланади [Рубинштейн, 1959].

Дидактик ўйинлар назарий, амалий, жисмоний, ролли, ишчанлик ва бошқа йўналишлар бўйича турларга ажратилади. Ҳозирда компьютер воситасидаги дидактик ўйинлардан таълим жараёнида кенг фойдаланилмоқда ва бу ўйинлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Умумий ўйинлар назариясига кўра мавжуд барча ўйин турларини таснифлашда уларни функционал мавзули, конструктив, дидактик, спорт ва ҳарбий ўйинларга ажратади. Буларнинг орасида дидактик ўйинлар таълим – тарбия вазифаларини амалга ошириш имкониятини бериши билан алоҳида ўринга эга. Ўйинлар мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолият шакллари

хисобланади. Бу эса педагог ва психолог олимлар томонидан шу ёш давридаги ўйинларнинг таълим – тарбиявий аҳамиятини ўрганиш ва янада ошириш бўйича тадқиқот олиб боришига асос бўлди. Натижада, олдинги асрнинг 60-йиллари бошида АҚШ, сўнгра бошқа Ғарб мамлакатларида ишчанлик ўйинлари қўлланила бошланди. Ишчанлик ўйинларининг тадқиқотчилари бу усулни энг асосий самарали ва тежамли таълим методларидан иборат деб таъкидлаганлар. Дидактик ўйинларнинг яна бир тури ақлий хужум усулини биринчи марта 1939 йилда А.Ф. Осборн қўллаган. Бу усулни ғоялар банки деб ҳам номлаган. У муаммоларни қуйидагича ечишга асосланади:

- муаммоли вазият яратиш;
- ғояларни шакллантириш;
- энг яхши ғояларни текшириш, баҳолаш ва танлаш.

Маълумки, дидактик ўйинларнинг хусусияти таълимга ва ўқишга алоқадор масалаларни дарс ва дарсдан ташқари жараёнда ўйин асосида, унинг қоидаларига мувофиқ олиб боришдан иборат. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги ва ҳозирги замон психолог, педагог олимлари ўзларининг илмий тадқиқотларида дидактик ўйинлардан фойдаланиш масаласига жиддий эътибор берганлар.

Болаларнинг ўйин фаолиятида дидактик ўйинларнинг тутган ўрнига психологлар ва педагоглар томонидан шу қадар юқори баҳо берилишига қарамай, бу ўйинлардан қандай фойдаланиш ҳақида умумий тўхтамга келинган эмас.

Таълимда маълум бир ишланмалар мавжуд бўлиб, бу йўналишда кузатишлар олиб боришни тақозо этади: ахборот коммуникация технологияларини таълимда қўллаш (А.А., Родина, Н.В.Апатова, М.Ю.Бухаркина, М.В.Моисеева, Е.С.Полат, К. Везела, К. Фалтон, П.В. Сысоев, А. Зиажка, ва б.); ўқув жараёнини компьютерлаштириш (А.А.Абдукадиров, С.С.Ғуломов, П.П. Боқиев, Н. Боймуродов, А.Т Шермухаммедов, А.Ғ. Ҳайитов, Е.П.Велихов, Б.С.Гершунский,

Б.Ф.Ломов, Е.И.Машбиц ва б.); дарсни компьютер технологиялари ёрдамида ташкиллаштиришда ўқитувчининг ўрни (Шныбаева С.Б, Т.Л.Шишова, Л.И.Долинер, Евстигнеев М.Н. ва б.).

Мультимедиа технологиясидан ва унинг асосий воситаси бўлган компьютерлардан МТМларнинг таълим–тарбия жараёнида фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатлар (масалан, Россия) нинг олимларидан О.С.Ханова, Т.Л. Шишова, П.В. Сысоев, Б.С. Гершунский, А.М. Вербенец, Н.В. Апатовалар, АҚШ ва Европада мультимедиа технологиясидан таълим жараёнида фойдаланиш бўйича А. Austin, J.E. Johnson, R.E. Mayer, S.W. Haugland, Sh. Judge, D.H. Clements, K. McBride, R. A. Sperling, R. Shute ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

Компьютер технологиялари (компьютер саводхонлиги)дан фойдаланишда, ўқитувчи унинг мазмунига кўра бир қанча вазифаларни бажариши мумкин. Фаол фойдаланиш имкониятига эга компьютер технологиялари қуйидаги асосий дидактик функцияларни бажаради:

- мультимедиа технологиясини қўллаш эвазига болаларда инглиз тилига қизиқишни ривожлантиради;
- бунда таълимнинг интерфаоллиги туфайли болаларнинг фикрлаш қобилиятлари фаоллашади ва инглиз тилини ўзлаштириш самарадорлиги ошади;
- реал ҳолатларда намоёниш қилиниши қийин ёхуд мураккаб бўлган жараёнларни кўриш имкониятини бериши билан муҳим аҳамиятга эга ;
- ўқув материалларининг ўзлаштирилиши фақат даражасига кўра эмас, балки болалар эришган мантиқан қабул қилишларининг даражасига кўра ҳам самарали ҳисобланади;
- масофадан туриб таълим олишни ёки интернет таълими учун ташкил этиш имкониятини беради;
- болаларнинг янги мавзуни ўзлаштириши, мантиқий ўйинлар ўйнаши, ўқув материаллари билан танишиш ва танлаш каби масалаларни тез бажариш учун шароит яратади.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЎҚИТУВЧИНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА:

- таълимнинг технологик асосини замон талаблари даражасида ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мураккаб жараёни енгиллаштиради;
- дарс жараёнини замонавий техник воситалар асосида ташкил этиш учун махсус кўникма ва малакалар шакллантирилади;
- масофавий курсларнинг очиклиги туфайли уларнинг сифатига бўлган талаблар ва ўқув материалларининг сифатини назорат қилишга эҳтиёж пайдо бўлади;
- таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолияти такомиллашади, дарс жараёнининг самарадорлиги ўқитувчидан ўқувчига кўчади;
- ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқувчининг ташкилотчилиги ва шахсий иштироки ортади;
- замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида ўқитувчи педагогик фаолиятида ҳар бири билан тескари алоқа вужудга келиши таъминланади.

Маълумки, таълим мазмунини такомиллаштиришнинг бош хусусиятларидан бири компьютер билан мулоқот жараёнида унинг доимий муружаат қилинадиган «қўллаб-қувватловчи ахборот»ини кўпайтириш ва ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражадаги ахборот базасининг яратилганлиги, гиперматн ва мультимедиа, коммуникация тизимлари қабул қилинган.

1956 йилда Н. В. Карпов, И. В. Рахмановларнинг «Бошланғич босқичда чет тилини ўқитиш методикаси» китоби нашрдан чиқди. Техник воситалардан кенг фойдаланиш талаб қилинди.

Шу нуқтаи назардан, чет тилини ўргатишда барча дидактик принциплар, яъни тарбиявий таълим, онглилик, фаоллик, кўргазмалилик, тизимлилик, яқка ёндашиш, пухта ўзлаштириш ва мослик принциплари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда амалиётга татбиқ этиб борилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жаҳон психологияси ва педагогика фанида бой маълумотларга асосланиб, комил ишонч билан қуйидаги мулоҳазаларни билдириш мумкин. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларга инглиз тилини ўргатишда дидактик ўйинлар ва ахборот технологиялари салмоқли таъсир ўтказди.

I БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА

Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий тиллар, жумладан инглиз тилини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2012 йил 10 декабрь) Қарори бизга, бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Мазкур Қарорга кўра таълим тизимининг барча босқичлари олдига “чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш” ни янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Шундай экан, инглиз тили дарсларини самарали педагогик усуллар ёрдамида ташкил этиш ўқитувчиларнинг мақсад сари илдам одимлашларида етакчи восита бўлиб хизмат қилади. Умуман олганда, компьютер ўқув фанларини ўзлаштириш давомида ўқитувчига муҳим ёрдамчи восита бўлиб, унинг тўлиқ ишончига кирди десак, муболаға бўлмайди. Компьютер ёрдамида ўқитувчилар ўз фаолиятлари давомида кўргазмали материаллар намойиш этиш, тест дастурлари, ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантирувчи воситалар уйғунлигини таъминлаш имкониятига эга бўлдилар.

Ривожланиш хусусиятларига мос келиш усулларини муваффақиятли қўллаш учун тарбиячилар меъёрдаги ривожланишнинг бориши тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари керак. Бунда тарбиячилар шуни ёдда тутишлари лозимки, болалар ривожланишнинг бир хил босқичини босиб ўтишларига қарамасдан, уларда бу жараён бир вақтнинг ўзида кечмайди. Бир хил ёшдаги болаларда ўзига хос индивидуал фарқлар бўлиши муқаррар.

Шу туфайли инглиз тилини ўқитишда таълим мазмуни болаларнинг ёш ва индивидуал қизиқишларига мос равишда тузилиши лозим. Бола қанча ёш бўлса, ўрганилаётган предметга эмоционал ёндашув ва боланинг тарбиячи билан муносабати шунча муҳим ҳисобланади. Агар бола таълим олаётган

муҳитда ўзини яхши, яъни кўрқув ва босимдан холи ҳис этса, болаларча қизиқувчанлик янада фаоллашади.

Мактабгача таълим муассасаларида юқоридагилар асосида ташкил қилинган қизиқарли мавзуларни ўйин тарзида етказиб, тажрибалар ўтказиш имконини берадиган, ҳаракат ва ижодкорликка етакловчи, қисқа қилиб айтганда, боланинг қобилиятини ҳар томонлама ривожлантиришга ҳаракатли ўйин ва машқларга йўналтирилган машғулотларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Мактабгача таълим соҳаси мутахассислари болани ёшлигидан чет тилини ўргатишга шоммасликни тавсия қиладилар. Тахминан, 7 ёшгача бўлган болаларда бошнинг ўнг ярим мия шари ишлайди. Шунинг учун мантиқий фикрлаш ҳали яхши ривожланмаган бўлади. Буларнинг барчаси бола билан ахборотларни таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш билан боғлиқ қандайдир машғулот ўтказишга халақит беради.

Шунинг учун мактабгача ёшдаги болаларга классик кўринишдаги инглиз тилини ўргатиш услуби тўғри келмайди. Яъни, инглиз тилини катталарга ўргатадиган кўриниш (грамматик тузилишлар ва ҳоказо) назарда тутилмоқда. Демак, болаларга ўйинлар воситасида инглиз тилини ўргатиш, яъни “ўйнаб ўрганиш” усули яхши самара беради. Буни қуйидагича изоҳлаб бериш мумкин:

- **биринчидан**, болаларнинг ўйин фаолияти қандайдир моддий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият эмас. Шунинг учун болаларни ўйинга ундовчи сабабдан келиб чиқадиган натижа эмас, балки шу ўйин жараёнидаги турли ҳаракатларнинг мазмуни муҳим;
- **иккинчидан** эса, болалар ўйин жараёнида ўз ихтиёрларидаги нарсаларни ўзларини қизиқтирган ҳолатга айлантириб, хоҳлаганларича эркин фаолиятда бўладилар.

II БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШНИ ДИДАКТИК ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

2.1. Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўйин орқали ўқитишнинг дидактик асослари

Ҳозирги кунда инглиз тилини мактабгача таълим муассасаларида болаларга ўйин орқали ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқимизда «Тил билган – эл билади», деб бежиз айтилмаган. Президентимизнинг 2012йил 10декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори бу мақсадни рўёбга чиқариш ва шу доирада мактабгача таълим муассасалариданок болаларга хорижий тилларни ўргатиш ва мактаб таълимига тайёрлаб бориш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам мактабгача таълим муассасаларида болаларга инглиз тилини ўргатишда дарс жараёнини дидактик лойиҳалаштириш долзарб масала бўлиб, унда илғор ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурдир.

“Дидактика кечиктирмай ўрганиши зарур бўлган муаммолардан бири, – деб қайд этган эди А. А. Ченцов, – таълимни самарадор лойиҳалаш масаласи. Лойиҳалаш ўқув материални ўрганиш ва мустаҳкамлаш, такрорлаш ва амалиётда татбиқ қилиш, умумлаштириш ва назорат қилиш жараёнлари билан қанчалик узвий боғлиқ бўлса, таълим жараёнининг самарадорлиги шунча ошади” [Ченцов, 1972, б. 231]. Шунинг учун ҳам, таълим жараёнининг барча йўналишларини эмас, балки унинг маълум қиррасини самарадор лойиҳалаш йўлидан бориш керак. Бундай самарадор лойиҳалашга эҳтиёжманд йўналишлардан бири самарали дидактик ўйинлар тўпламини тайёрлашдир. Мазкур мураккаб вазифани бажаришда, инглиз тили дарсини болаларга дидактик ўйинлар воситасида ташкиллаштириш асосий омил ҳисобланади.

Болаларда ўйин орқали диққат, хотира ва идрокни қийинчиликларсиз шакллантириш мумкин. Чунки бола ўйин жараёнида ўзини эркин ҳис этади. Ўйин ўйналаётган пайтдаги маълумотларни ҳам бажонидил қабул қилади.

Яъни ўйин фаолияти орқали бериладиган маълумотлар болалар хотирасидан муаммоларсиз ўрин олади. Бу ўринда педагогик, психологик ва физиологик омилларга таянган ҳолда инглиз тилини ўргатиш самаралар гаровидир. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ўйинлар жараёнида инглиз тилини ўрганар экан, албатта, маълумотларнинг кўргазмалилик тамойилларига амал қилиши мақсадга мувофиқдир.

Мутахассис олимлар: У. Қ. Ёралиева, И. В. Рахманов, Г.Т. Махкамова, Ф.Р. Кадырова, М. В. Ляховицкий, И.А. Зимняя, Х. Р. Хьюза, Ф.Гуэн ва М.Вальтерларнинг тадқиқотлари асосида олинган хулосаларга кўра, мактабгача ёшдаги болаларда хорижий тил билиш жараёнлари ижтимоий таъсирлар асосида шаклланади. Уларнинг диққати, хотираси, ақлий фаолияти ва мулоқотга киришиши, кўп ҳолларда, ташқи муносабатлар ва ўйин фаолиятининг таъсирчанлигига боғлиқ эканлиги олимлар томонидан таъкидланади. Масалан, натурал методнинг вакиллари Ф.Гуэн ва М. Вальтер боланинг она тилини эгаллаш процесси устида кузатишлар олиб борар экан, болалар ўйин жараёнида ўз фаолиятларини мантиқий-хронологик изчилликда баён қилиш, ҳаракатларини шарҳлаш эҳтиёжини ҳис қилишларининг гувоҳи бўлди. Бу кузатишлар фаолият ҳамда ҳаракатларни шу тарзда баён қилиш ва шарҳлаш тилни ўргатиш заминида ётади, шунинг учун ҳам уларни чет тилларни ўқитишга асос қилиб олиш керак, деган хулосага олиб келди [Ляховицкий, 1981].

Боланинг 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган боғча ёши болалик даврининг катта бир қисмини ташкил этади. Асосан мана шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолиятлари, нутқи ривожланади, хорижий тилни тез ўрганиш хусусиятлари такомиллашади, ҳамда шахсий индивидуал хусусиятлари (инсоний фазилатлари) таркиб топа бошлайди. Шунингдек, она тили ва хорижий тилни параллел равишда ўзлаштирган болаларда идрок этиш, таҳлил қилиш, тушуниш, қиёслаш каби кўникма-малакалар ҳосил бўлади.

Таълим-тарбия таъсири билан бирга, болалар психик хусусиятларининг тараққиётига уларнинг фаол фаолияти ролини ҳам ҳисобга олиш зарурдир.

Чунки бола тарбиянинг пассив объектигина бўлиб қолмасдан, балки ўз фаолиятлари билан ўзига, яъни ўзининг психик тараққиётига фаол таъсир қилиб турадиган мавжудотдир. Тарбия боланинг фаол фаолиятларини ҳар доим тўғри ташкил қилиб, йўлга солиб турса, ундаги мавжуд сифатлар фаолиятнинг ҳар хил турларида (ўйин, меҳнат, ўқиш) намоён бўлиб мустаҳкамлана боради. Чунончи, бола психикаси ўйин, ўқиш, ўрганиш, меҳнат ва турли ижтимоий фаолият жараёнларида тараққий қилади. Фаолиятнинг бу турлари боланинг ўсиши ва ёш хусусиятларига мос равишда ўзгариб, бири иккинчиси билан алмашиб туради. Масалан, боғчагача ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти ўйиндир. Чунки ўйин бола табиатининг асосий хусусияти ҳисобланади. Бола ўйин орқали атрофдаги ҳаётни ва кишилар ўртасидаги турли муносабатларни ўргана бошлайди.

Бундан ташқари, бу ёшда боланинг мантиқий тафаккур қила олиш салоҳияти, ақлий ривожланиши, дунёқараши ва ўз-ўзини англаш қобилиятларини ривожлантиришга дастлабки пойдевор кўйилади. Бола бу ёшда моддий борлиқ гўзалликларини ҳис этиш, гўзаллик ҳамда нафосатдан завқлана олиш, миллий урф-одатларни ўзига сингдириш, ардоқлаш ҳамда риоя қилиш кўникмаларини ҳам шакллантира бошлайди. Ваҳоланки, бу ёшда бола етарли сўз бойлигига эга бўлиб, унда хорижий тил ўрганишга имконият пайдо бўлади. Бола предметларнинг ранги, шакли ва катталигини, уларнинг маконда жойлашишини билиш билан бирга, уларни таққослай олади. Бу ёшда нормал ривожланаётган бола расм ва суратлар реал ҳаётни акс эттираётганлигини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам сурат ва расмларда нималар акс этганини реал ҳаётга таққослаган ҳолда билишга ҳаракат қилади. Бола расмларда атрофдаги нарсаларнинг кичиклаштириб тасвирланганлигини англай билади. Бу тасвирлар болаларда эстетик ва бадиий дидни ривожлантиради. Бу жараёнларни болалар билан ўйин сифатида ташкиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам ўйинлар умуминсоний маданиятнинг қимматли манбаи ва уни юксалтириш

воситаси ҳисобланади. Ҳеч қандай фаолият шаклида инсон ўзининг рухий физиологик ва ақлий имкониятларини ўйин жараёнидаги каби ёрқин тарзда намоён эта олмайди. Шунинг учун ҳам ўйинлар болаларнинг ҳаётий мавқеларини ўзгартирувчи педагогик ҳодиса ҳисобланади.

Ўйинлар – бола ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланаркан, улардан мақсадли фойдаланиш ўз самарасини бермай қолмайди. Д.Б. Эльконин дидактик ўйинларнинг ўз табиатига кўра ижтимоий аҳамият касб этишини таъкидлаган ҳолда ўйинларга «ижтимоий муносабатлар арифметикаси», дея таъриф беради ва уларнинг педагогик моҳиятини батафсил очиб беришга муваффақ бўлди [Эльконин, 1999]. Чунки ўйинлар ўз моҳиятига кўра боланинг кўз ўнгида жамиятдаги ижтимоий вазиятлар ва катталар ҳаётини яққол гавдалантиришга хизмат қилади. Ўйинлар муайян фаолият шакли бўлиб, болаларнинг рухий ҳолатлари ва билиш кўникмаларининг ривожланиш шакли сифатида улар ҳаётининг муайян босқичида вужудга келади. Болаларни мулоқотга чорлашнинг асосий, ўзига хос шакли сифатида алоҳида педагогик қийматга эга.

Д.Б.Эльконин ҳаракатли ўйиннинг қоидалари мазмунининг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб, уларни тўрт гуруҳга ажратади:

1. Ҳаракатга тақлид қилиш – тақлидий ўйинлар;
2. Муайян сюжетли драмалаштирилган ўйинлар;
3. Сюжетли оддий ўйинлар;
4. Аниқ мақсадга қаратилган машқлардан иборат спорт ўйинлари [Эльконин, 1965, б. 1-32].

Болани ўйинга ундовчи омил унинг катта ёшдаги одамларнинг борлиқ тўғрисидаги ва шахслараро муносабати ҳақидаги тасавури ҳамда уларни ўзининг шахсий фаолиятида синаб кўриш истагидир. Жамоа бўлиб ўйнаётган тенгқурлари билан бевосита мулоқотга киришиш иштиёқидир. Шу билан бирга, ўйин давомида инглиз тили ибораларидан фойдаланиш, уни мулоқот давомида қўллаш, болаларга завқ бағишлайди.

Л.С.Выготский, Д.Б.Эльконин ва уларнинг шогирдлари томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ўйиннинг асосий таркиби, бошқа жиҳатларини камраб олувчи ижро бўлиб ҳисобланади. Ижро – муайян хатти-ҳаракатлар ёрдамида бажарилади, натижада бола сотувчи, ҳайдовчи, мураббий, шифокор бўлиб аниқ ишларни амалга оширади, шахслараро муносабатга киришади, муомала сеҳри билан танишади. Ролли ўйинларни ижро этаётган вақтда инглиз тилидан фойдаланиш ва қўллаш, инглизча муҳитни яратишга туртки бўлади.

М.Ш.Расулова воқеабанд-ижроли, ҳаракатли, таълимий ва мусиқавий-таълимий ўйинларнинг турларини тажрибада синаб кўриш орқали мактабгача ёшдаги болаларда хатти-ҳаракат мотивлари ва бурч ҳиссини шакллантириш имкониятига эришади. Маълумки, бурч ҳисси бола шахсининг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. М.Ш.Расулова миллий ўйинларни ўргатиш орқали болаларнинг ахлоқий даражаларини, умумий камолотини, жинсий фарқларини текширган [Расулова, 1995]. Ана шунинг учун тил ўрганишда миллий ўйинларнинг аҳамияти бекиёсдир.

М.Воҳидов «бола ўйинда қандай бўлса, ўсиб-улғайгач ишда ҳам кўпинча кўп жиҳатдан шундай бўлади» (эҳтиёж , моддий дунёга муносабат, ўз-ўзига муносабат, ирода, ҳиссий туйғу, билиш жараёнлари), деб таъкидлайди [Воҳидов, 1981, б. 34]. Дарҳақиқат, ўйин жараёнида бола ҳаракатчан, ғолибликка интилувчан, чаққон ва ўткир зехнли бўлса, у албатта келажакдаги ҳаётида ҳам бу хусусиятларини намоён эта олади. Баркамол ва етук инсон бўлишига замин яратади ва олдидан чиққан қийинчиликларни енга олади. Аммо, бунинг акси бўлса, бола психологиясини мукаммал ўрганиб чиқиб, унинг ўйинларга нисбатан фоаллигини, жўшқинлигини уйғота олиш керак. Шунинг учун ҳам бундай мушкул вазифа маҳоратли педагог зиммасида бўлади.

Мактабгача ёшдаги болалар учун катталар берадиган баҳолар, қўллаб-қуватлашлар жуда муҳим. Бу психологик жиҳатдан олиб қараганда,

катталарнинг эътибори, мадади болани янада яхши ривожланишга, ўзида ишончни ҳосил қилишга ва ҳар томонлама муккамал бўлишга замин яратади.

Мактабгача таълим муассасасида инглиз тилини ўргатувчи педагоглардан маҳорат, кучли билим, салоҳият ва сабр талаб этилади. Улар инглиз тилини муккамал эгаллаган бўлишларига қарамай, психологик жиҳатдан ёндаша оладиган ва болалар билан тил топиша оладиган бўлишлари муҳим аҳамият касб этади. Дидактик ўйинлар орқали болаларни қизиқтира олиш, ўйинни тўғри ташкиллаштира олиш ва ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини ривожлантира олиш, педагогнинг вазифаси ҳисобланади.

Бу борада, Леонтьев.А.М. «ҳар бир соғлом бола хорижий тилни ўрганиши шарт ҳамда бемалол мулоқотга кириша олиши зарур.., аммо шундай ҳодиса амалга ошадими, йўқми – бу кўп жиҳатдан педагог маҳорати ва ўқитишнинг методик қўлланмасига боғлиқ» деб таъкидлайди [Леонтьев, 1985, б. 24-29].

Шунинг учун ҳам боғча болаларини инглиз тилида мулоқотга киритиш жараёнида дидактик ўйинлар муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўйинлар болаларга нафақат қувонч, завқ, ҳузур, роҳат ва хурсандчилик бағишлайди, балки инглиз тилини ўрганишларида чексиз қизиқиш уйғотади. Мазкур фаолият ёрдамида улар босқичма-босқич ижтимоийлашадилар. Ўйинларда ўзбек халқининг барқарор анъаналари, ҳаракат меъёрлари ўз аксини топади.

Ўйинларга хос бўлган бир қатор дидактик ҳолатлар мавжуд. Улар куйидагилар:

- Педагогикада ўйинлар турли ёшдаги болаларнинг мустақил фаолиятини ривожлантириш шакли сифатида намоён бўлади;
- Ўйинлар болалар фаолиятининг эркин шакли бўлиб, мазкур жараёнда улар атроф-оламни англайдилар, ўрганадилар, шахсий ижодий фаолиятлари учун қулай шароитга эга бўладилар, мустақил билиш ва ўз фаолиятларини жадал тарзда намоён қилиш имкониятини қўлга киритадилар;
- Ўйинлар болалар учун ривожланиш амалиёти ҳисобланади;

- Ўйинлар жараёнида болалар ақл-идроққа таянган ҳолда ижод қиладилар, ўз имкониятлари ва ижодий фаолиятларини намоён этадилар ва ҳоказо.

Инглиз тилини ўйин орқали ўргатиш ҳақида кўп мулоҳазалар мавжуд бўлиб, бунда ўйин фақат вақтни ўтказиш учун ва уни дарс хонасидан ташқарида ўйналгани маъқул деб ҳисобланади. Аммо болаларга инглиз тилини ўргатиш вақтида дидактик ўйинлардан фойдаланиш самарали натижа бериб, инглиз тилида сўзлашиш хусусиятларини ривожлантиришга сабаб бўлади. Инглиз олими Ч. Брамфитнинг таъкидлашича, болалар ўйин орқали хорижий тилни ўргана олишади, улар шу тил билан дўстлашиб олишади. «Ўйин шундай кучга эгаки, у нафақат болаларнинг кайфиятини кўтара олади, балки уларга хорижий тилни ўрганишларида руҳий куч бағишлай олади [Брамфит, 1991].

Дидактик ўйинлардан фойдаланишда қуйидаги методик талабларни эътиборга олиш талаб қилинади:

1. Ўйинлардан дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун болаларни қизиқтирийдиган ва уларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган ўйинларни танлаб олиш зарур.
2. Дарслар жараёнида ўйинларга 15-20 дақиқа вақт ажратиш мумкин.
3. Ҳар бир ўйинни ўтказишда аввал унга пухта тайёргарлик кўрилиши ҳамда дарс мазмуни билан узвий боғланган бўлиши лозим.

Инглиз тилини ўргатиш ва ўрганиш узоқ ва мукамал жараён. У кишидан мунтазам меҳнатни ва ўз устида ишлашни талаб қилади. Оғзаки нутқ малакаларини ўстириш учун инглиз тилини ўқитиш жараёнида ҳар хил интерфаол ўйинларни қўллаш, дарсни зерикарли эмас, аксинча, қизиқарли ва сеvimли машғулотга айлантириши аниқ. Интерфаол ўйинлар орқали инглиз тилини ўрганувчи болалар ўзларини анча эркин тутадилар, ҳатто уятчан болаларни ҳам ушбу ўйинларда қатнашишга ундайди. Интерфаол ўйинларни,

айниқса, грамматика ва сўз бойлигини орттириш жараёнида қўллаш самарали натижа беради. Аммо бу ўйинларни қўллашдан олдин педагог болаларга ўйиндан кўзланган мақсадни, ўйин қоидаларини аниқ тушунтириши ва ўтилаётган мавзу билан чамбарчас боғлаши керак.

Интерфаол ўйинлар болаларнинг тасавури, зеҳни, хотираси ва нарсабуюмларга бўлган эътиборини оширади. Болаларга тил ўргатишда турли ўйин турларидан фойдаланиш ижобий самара беради. Масалан, яккаиндивидуал, жуфтли, гуруҳли, оммавий ўйинлар ёки ролли, ташкилий коммуникатив, ижодкорликка йўналтирувчи, интеллектуал мусобақага асосланган, дидактик, компьютерли ўйинлар шулар жумласига киради [Ёралиева, 2014, б. 27].

Таълимнинг замонавий технологияларида бир нечта интерфаол методлар бўлиб, улар инглиз тили машғулотларининг самарали даражада ўтилишини таъминлайди.



Дидактик ўйинлар инглиз тили дарсининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Булар, «Ўзим текшираман», «Тез жавоб», «Расмлар», «Пантомима»,

«Харфларни топ» ўйини, «Сирли сўз», «Занжир», «Ўйин топишмоқ» ва бошқалар. Дарс давомида болаларни муаммони ҳал қилишда атрофдагиларнинг таъсири кераклигини ҳис қилиш, ўзаро муомала қилиш малакаларини ошириш, кўриш, эшитиш, таҳлил қилиш, фикрлаш

қобилиятларини ва ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда кўйидаги дидактик ўйинларни мисол тариқасида келтириш мумкин:

«Занжир» усули. Бу усул айниқса, инглиз тилини ўрганишда кўл келади. Болалар бу усулдан сўз устида ишлашда, луғат бойлигини оширишда, инглиз эртагини ўзлаштиришда фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Эртақдаги бир нечта сўз воситасида бу ўйинни ўйнаш мумкин. Тарбияланувчи бир сўз айтади, бир бола шу сўз тугайдиган ҳарфдан бошланадиган сўзни айтади, шу тарзда болаларнинг барчаси бу ўйинда қатнашишлари мумкин. Бу ўйиндан янги мавзунини ўзлаштириш дарсларида ҳам фойдаланиш яхши самара беради.

«Тез жавоб қайтар» ўйини. Ўқитувчи қатор оралаб юриб, болалардан бирига бирор-бир нарсани кўрсатади. Бола шу нарсани номини инглизчада айтиши лозим. Жавоб учгача санагунча айтилиши керак. Бундай ўйин давомида болаларда диққат қилиш қобилияти ортади.

«Расмлар» ўйини. Тарбиячи предмет ёки ҳайвонлар тасвирланган расмларни стол устига қўйиб чиқади ва болалардан бирини чақиради. Ундан расмлар орасидан қофияси мос келувчи 2 та расмни танлашни сўрайди. Масалан: *ball-doll, dog-frog, fox-box, cat-bat*.

Бу ўйинлар машғулотлар давомида ўтилган мавзуга боғланиб, улардан дарсинг мустаҳкамлаш қисмида ёки дам олиш дақиқасида фойдаланилади.

«Расмларни тасвирлаш» ўйини («Describe the picture»). Ўқитувчи болаларга расмларни тарқатиб чиқади ва улар расмлардаги жисмларнинг номини, рангини ва шаклини тасвирлайдилар.

Масалан: *This is a ball. This is a red ball. This is a big ball.*

Машғулотларда кўргазмали қуроллардан рангли карточка ва расмлардан фойдаланиш ижобий натижа беради. Тасвирлар болаларда эстетик ва бадиий дидни ривожлантиради, предмет номларини эслаб қолишларига ёрдам беради.

«Болачалар шохчаларда» ўйини.

Ўйиннинг дидактик вазифаси. Бир ўсимликка тегишли қисмларни танлаш.

Ўйиннинг бориши. Болалар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳдаги болаларга барг («шоҳча»лар), иккинчи гуруҳдагиларга сабзавотлар («болача»лар) тарқатилади. «Болача»лар, ўз «шоҳча»ларингизни топинглар!» - “*Children, find your leaves*” дейилгандан сўнг, ҳар ким ўз жуфттини кидиради, яъни икки бола кўлидаги нарсалар бир ўсимликка тегишли бўладиган ҳолда жуфт бўлиб туриб олишлари керак. Ўйин тўғри ёки нотўғри ўйналганини «сеҳрли дарвоза» - (*Magic gate*) текширилади (тарбиячи ва бир тарбияланувчи текширади). Бунда жуфтликлар топширикни хато бажарган бўлса, «сеҳрли дарвоза» ёпилади, яъни кўтариб турилган қўллар пастга туширилади. Ўйин такрорланганда, болалар қўлларидаги барглари ва меваларни алмаштирадидилар.

«Нима қаерда яшайди?» ўйини.

Ўйиннинг дидактик вазифаси. Ўсимликларни тузилишига кўра гуруҳларга ажратиш.

Керакли нарсалар: тулки (*fox*), қуён (*rabbit*) ва олмахон (*squirrel*) ниқоби.

Ўйиннинг бориши. Ўйин саёҳатга чиқилганда олиб борилади. Ўқитувчи ўйин шарти билан таништиради: «Сизлардан бирларингиз олмахонлар ва қуёнлар, яна бирингиз тулки бўласиз, олмахон ва қуёнлар яширинишлари учун ўзларига жой топишлари керак». Ўйин вақтида тарбиячи олмахонлар дарахтлар ортига, қуёнлар буталар орасига яширинишларини уқтиради. Тарбиячи «тулки келяпти» (*The fox is coming!*) деб овоз берганидан кейин олмахонлар дарахтларга қуёнлар буталарга қараб югурадидилар. Буни нотўғри бажарганларни тулки тутиб олади.

«Ўз гуруҳингни топ» ўйини.

Болаларга рангли букланган қоғозлар тарқатилади. Уларга ҳайвон ва паррандалар номи ёзилган бўлади. Тарбиячи болаларга қоғозда расми берилган ҳайвон ёки парранда қандай товуш чиқарса, улар ҳам шундай товуш чиқариб, ўз гуруҳини топишларини тушунтиради.

Мушук (миёв-миёв).  *Cat “meow”*

Кучук (вов-вов).  *Dog (puppy) “bow wow”*

Хўроз (ку-ку-ку-ку).  *Rooster “ock-a-doodle-doo”*

Сигир (мў-мў).  *Cows “moo”*

«Пантомима» ўйинлари. Пантомима ўйинлари ҳам болаларнинг топқирлигини ривожлантириш учун хизмат қилади. Ўқитувчи болаларга мимикалар, ҳаракатлар ёрдамида сўз-ибораларни намойиш этади, болалар эса уни топадилар. Масалан: ўқитувчи ўқиш ҳаракатини бажаради ва болалар ҳаракат номини айтадилар – *I read*.

«Интервью» ўйини:

Мақсад: ўзи ҳақидаги маълумотларни бера олиш ва эркин суҳбатга кириша олиш кўникмасини шакллантириш.

Ишлатиладиган мослама: микрофон.

Дастлаб, репортёр ролини тарбиячи, яъни педагог ўйнайди, кейин эса болалар. Бошловчи қуйидаги саволларни беради: *What is your name? How old are you? Where are you from?* ва ҳоказо.

«My body» ўйини:

Мақсад: инглизчада тана аъзоларини ўрганиш;

Бошловчи истаган тана аъзоси номини айтади, масалан, бошни, лекин фақат қўллари билан кўрсатади. Болалар эса буни инглизчада номини айтишади. Бу ўйинда инглизча сонларни ҳам ишлатиш мумкин. Масалан: one, two, three – hand! Бунга қўшимча сифатида «*Fingers*», яъни **бармоқлар** ўйинини ўйнаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу тариқа, инглизчада оила аъзолари номини янада яшироқ ўрганишга имкон бўлади. Бу қуйидаги кувноқ қўшиқ ёрдамида амалга оширилади:

Daddy finger, daddy finger, where are you?

Here I am, here I am. How do you do?

Mommy finger, Mommy finger, where are you?

Here I am, here I am. How do you do?

Brother finger, Brother finger, where are you?

Here I am, here I am. How do you do?

Sister finger, Sister finger, where are you?

Here I am, here I am. How do you do?

Baby finger, Baby finger, where are you?

Here I am, here I am. How do you do?

Кейинги ўйин «**Биз биргамиз!**» деб аталади.

Мақсад: боғча болаларнинг ўзаро сўзлашиш қобилиятларини фаоллаштириш. *Who are you? — I am father/ mother/ sister/ brother.*

Тарқатма материал: исми шарифи ёзилган ва оила аъзолари тасвирланган расмли карточкалар (ҳар хил гуллар билан безатилган).

Ҳар бир болага карточкалар тарқатилади. Мусиқа садолари остида болалар бир-бирларига карточкаларни маълум муддат кўрсатиб туришади. Кейин мусиқа тугагач, болалар ўз оила аъзолари тасвирланган расмларни топиб олишлари керак. Иккинчи марта карточкаларни кўрсатиш мумкин эмас, фақат *Who are you?* деб сўраш керак ва қуйидагича жавоб берилади:

I am father Azizov/I am son Saidov ва ҳоказо. Барча оила аъзоларини тўғри топа олган гуруҳ аъзолари ғолибликни қўлга киритади.

Дидактик ўйинлар орқали инглиз тилини ўрганувчи МТМ болаларининг нутқи фаол ривожланади, сўз-луғат бойлиги ошади, грамматик жиҳатдан гапни тўғри тузиш кўникмасига эга бўладилар ва фонематик эшитиш қобилияти шаклланади. Шу жумладан, дидактик ўйинлар болаларнинг тасавури, хотираси ва нарса-буюмларга бўлган эътиборини оширади, мулоқотга киришувчанлигини ошириб, умумлингвистик ва актёрлик қирраларини намоён этади. Бунинг оқибатида бола муваффақият қозонишга интилади, уни зийрак, ҳушёр бўлишга чорлайди, ҳамда завқ билан инглиз тилини ўрганади.

Бола сўзларни қандай эшитган бўлса, уларни тўғри талаффуз этишга ўрганиши зарур. Бундан ташқари, тарбиячи боланинг билимини синаши, кўникма ва малакаларни аниқлаши, унинг шахсий фикрини билиши учун албатта тўғри савол қўя олиши керак. Демак, саволлар:

- қисқа ва аниқ бўлиши;
- битта савол билан битта нарса сўралиши;

- савол мавзуга доир бўлиши;
- саволдаги сўзлар болаларга тушунарли бўлиши;
- оддийдан мураккабга, соддадан умумийга бориши лозим.

Инглиз тилини ўргатишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- ҳар бир машғулотда 5-10 та сўз ўргатиш;
- рағбатлантиришнинг турли усуллари (оғзаки ва моддий) фойдаланиш;
- машғулотларда она тилида сўзлашишни чеклаш (90% инглиз тилида);
- сўзлашиш малакасини ривожлантириш мақсадида нутқ фаолиятида зарур бўлган тўлиқ нутқ тузилишидан фойдаланиш;
- жуфтлик ва гуруҳларда ишлаш. Бу гуруҳда психологик муҳитни юмшатади, яъни ўзаро дўстона муносабатда бўлиш, ҳурмат қилиш, қўллаб-қувватлаш каби хислатларни ривожлантиради;
- боланинг қисқа муддатли хотирасини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз равишда ўтилганларни такрорлаб бориш;
- болаларнинг саволларга ҳозиржавоб бўлишини таъминлаш.

Мактабгача ёшдаги болалар ҳаракатли ўйинларни катта қизиқиш билан қабул қилганликлари сабабли, уларга бир неча марта такрорлаб ёд олдиришдан кўра ҳаракатли ўйинлар ёки аудио-видео воситалар орқали намойиш этиш кўпроқ самара беради. Бола тезда ўзи ёқтирган сўз ва ибораларни ёд олади, нутқида қўллай олади. Дарс машғулотида ўқув материалларининг яққоллиги, ёрқинлиги, жозибadorлиги болада беихтиёр ҳис-туйғуларни уйғотади. Инглиз тилини ўрганувчи болаларнинг нутқи фаол ривожланади, сўз-луғат бойлиги ошади грамматик жиҳатдан гапни тўғри тузиш кўникмасига эга бўладилар ва эшитиш қобилияти шаклланади.

Мактабгача таълим муассасасига кириб бораверишдан оқ болалар учун инглиз тилини ўрганишга йўналтирилган шароитни яратиш керак. Албатта, буни ўз она тилини, миллийликни сақлаб қолган ҳолда амалга ошириш лозим. Масалан, мактабгача таълим муассасаси зиналарини турли рангга бўяш ва рақамлаш орқали болаларни инглизча санашга ва рангларни айтишга қизиқтириш керак. Зинадан кўтарилаётган бола қайта-қайта санар экан, у

санокдан адашмайдиган бўлади. Кейин мураккаброқ жараёнга ўтилади, яъни зинадан тушаётганда инглизчада тескари санашга ўргатилади ёки бола ҳар сафар тушиб чиқадиган зинанинг рангларини хотирасида яхши сақлаб қолади. Яна бир кўриниш – зиналарга турли ҳайвонлар расмини чизиш ҳам болаларнинг бир томондан боғчага қизиқиб келишини таъминласа, иккинчи



томондан оналари ёки тарбиячиси билан бирга оёғи остидаги ҳайвон номларини айтиши улар учун завқ бағишлагани ҳолда луғат бойлигини оширади. Бундан бошқа боғча

болалари учун мўлжалланган шахсий кийимларини жойлайдиган жавонга исм-шарифларини ҳарфлаб, ҳарфлардан ташкил топган исм ёнига оддий инглиз сўзларини қўллаган ҳолда ёзиб жойлаштирилса, болаларнинг кайфиятини ҳам сўз бойлигини ҳам оширади ва кийимларини алмаштираётганда сўзларни ота-онаси ёрдамида қайтариб туришларига замин яратади. Масалан, **САРВИНОЗ** исми инглиз ҳарфлари билан ёзилиб ва унинг атрофи шу ҳарфларга оид ранг-баранг расмлар билан безатилади.

Шу каби дидактик мазмунга бой муҳитни гуруҳ хоналарида, жиҳозларда ҳам ташкиллаштириш мумкин. Масалан, гуруҳнинг пардаси кўк бўлса ва унга рангли ёпишқоқ қоғозда “blue” сўзи ёзилган бўлса, болалар унинг нималиги билан қизиқади. Шунда машғулот олиб бораётган педагог парданинг ранги кўк ва шу сўз ёзиб қўйилганлигини айтиб, болаларни жамоа бўлиб шу сўзни такрорлашга ва уларнинг талаффузига эътибор қаратса, тарбияланувчилар, нафақат кўк пардани, балки бошқа предметларни

кўрганда ҳам кўк рангнинг инглиз тилида қандай талаффуз қилинишини ёдга олишади.

Ҳатто оқ қоғозга ранг-баранг қилиб чизилган етти рангли камалакнинг атрофларига шу етти рангда пуфакли шарларни илиб қўйиб, шу пуфакли шарчалар ичига ширинлик жойлаштириб, камалакдаги шарчалар қандай рангдалигини сўраб ва инглизчада тўғри айта олган болажонларга пуфакчани ёришга ва ичидаги совғани олишга имкон берилса, бўлади. Албатта, бундай ўйинлар боғча болаларига қизиқ бўлиб, ичидаги совғани қўлга киритиш учун рангларни тезда ўрганишга ва ажратишга ўзини-ўзи ундайди. Ушбу жараёндан тушунамизки, болалар ўзини ўраб турган жисмлар, атрофидаги предметлар ҳақида кўпроқ билишни хоҳлайди.



Шунга ўхшаш яна бир ўйин болаларнинг онгини чархлайди ва инглиз тили сонларини таний олишга ёрдам беради. Масалан, «*What number is missing?*» Қайси сон тушиб қолган?

Боғча болалари тарбиячиси болаларга инглиз тилида “*What number is missing?*”, деб сўрайди. Болалар инглиз тилида эътибор билан билган сонларигача санай бошлашади ва тушиб қолган сонни аниқлаган ҳолда айтишади. Бу ўйинда икки-уч ёки ундан ортиқ сонларни тушириб қолдириб, қуйидагича бошлаш муҳим ҳисобланади.

One, two, three! Look at me! – Бир, икки, уч! Бир манга қаранг!

Ва, албатта, тил ўргатишда ушбу муҳитдан унумли фойдаланиш педагогга ҳам, болага ҳам енгиллик туғдиради. Энг муҳими, болалар чет тилини ўрганишни қийин бир машғулот деб эмас, балки ўзига таниш бўлган нарсаларни яқиндан ўрганиш деб қабул қилади.

Ўзбек тилида сўзлашувчи болалар инглиз тилини ўйин орқали қийинчиликларсиз ўрганиш мумкин. Юқорида таъкидлангандек, ўйин давомида инглиз тилидаги янги сўзлар ва иборалар тезроқ ва осонроқ ўрганилади, яъни бола тасавурида бу ибораларни қай вақтда ва қандай вазиятда қўллаш хусусияти шакллана боради. Турли хил топширқлардан

иборат бўлган дидактик ўйинлар, нафақат, болаларда босқичма–босқич инглиз тилида сўзлашув маҳоратини ривожантиради, балки келажакда инглиз тилида сўзлашувчи дўстлари билан эркин фикр алмаша олиш кўникмасини шакллантиради.

Агар тарбиячи ўйин бошланишдан олдин гуруҳ сардорини ёки ўйинни биринчи бўлиб бошлаб берувчи гуруҳ етакчиларини танлашда қийналса, унда махсус санаш усуллари қўл келади. Масалан:

Red, white and blue. ➡ Қизил, оқ ва кўк,

All out but YOU! (8 counts) ➡ Ҳаммасидан ташқари Сен! (8 миқдор)

A B C D E F G H I J K L M N O P Q R S T U

You, you, you are it! (26 counts) ➡ Сен, сен ва бу сенсан! (26 миқдор)

Ўйин давомида қуйидаги ибора ёки гапларни ишлатиш мумкин:

Let's start/You start. ➡ Келинг, бошлаймиз/ Сен бошлайсан.

Close/ open your eyes. ➡ Кўзларингизни ёпинг/очинг.

Count to five/ten. ➡ Беш/ўнгача сананг.

You're first / You're second. ➡ Сен биринчисан/ иккинчисан.

You're last. ➡ Сен охирисан.

My turn/ Your turn. ➡ Менинг навбатим/ Сенинг навбатинг.

Who's next? ➡ Ким кейингиси?

He's next/ She's next. ➡ У кейингиси.

Look! It's your card. ➡ Қаранг! Бу сизнинг картангиз.

Take a card /Take two cards. ➡ Карта олинг/ Иккита карта олинг.

Again/Try again. ➡ Яна/ Яна ҳаракат қилиб кўринг.

Stop/It's time to stop. ➡ Тўхтанг/ Вақт тугади.

Count the cards/One card, two cards etc. ➡ Карталарингизни сананг

How many cards have you got? ➡ Нечта картага эга бўлдингиз?

You're the winner! ➡ Сиз ғолибсиз!

Tidy up, please/Put the cards away/Put the things away. [6. 65.]

Боғча болалари фақат бир-иккита ўйин билан чекланиб қолмасликлари керак, акс ҳолда улар зерикиб қоладилар, шунинг учун ўйин турини тез-тез

алмаштириб туриш керак. Шу билан бирга, болалар хордиқ чиқарадиган махсус машқларни ҳам инглиз тилида олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, толиққан кўзлар учун бажариладиган машқлардан бири «*Кўз билан капалакни топиш*» деб номланади, бу нафақат болаларнинг кўз мушакларининг фаолияти учун фойдали, балки уларга кўтаринки кайфиятда инглиз тилини ўрганишларига ёрдам беради.


Кўз қорачиғларини тепага кўтарамиз, пастга туширамиз, ўнгга ва чапга караймиз!

Инглизча	Ўзбекча
Look at the ceiling, Look at the floor, Look at the window, Look at the door.	Шифтга қаранг, Полга қаранг, Деразага қаранг, Эшикка қаранг.

Ноанъанавий таълим беришда дидактик ўйинлар болаларни билишга ва маълумотларни ўзлаштиришга қизиқтириши тан олинган усул. Хўш, боланинг инглиз тили машғулотида ташқари вазиятларда ҳам нафақат дидактик, балки ҳаракатли ўйинлар орқали ҳам тил ўргатиш қобилиятини шакллантириш мумкинми? Албатта, ўйинлар бола ҳаётининг ажралмас бир қисмидир. Ўйинларсиз болалар ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, бола ҳар куни ўйнаб юрган ёки тўсатдан йиғилиб қолган тенгдошлари, дўстлари билан бирор-бир ўйин ўйнашга киришади. Ушбу вазиятда улар ўзларига таниш, қизиқарли ва яқин ўйин турларига мурожаат қилишади. Шу пайтда оналар ёки тарбиячилар “Лайлак келди, тухум қўйди, сони нечта?” миллий ҳаракатли ўйинини инглиз тилига таржима қилган ҳолда болажонларга ўргатиш ва ўйинга жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бунда болажонлар қўлларини бир-бирларига қўйган ҳолда инглизча санай бошлашади. Аслида ўзбек тилида бу ўйиннинг шартларини болалар яхши тушунишади. Ўйин жараёнида 10-12 бола қатнашиши мумкин ва улар бир доира шаклида қўлларини бир-бирларига қўйган ҳолда туришади. Шу билан бирга, сонларни ҳам яхшигина ўрганишади ва талаффуз қилиб янада мустаҳкамлай олишади.

Ўйин орқали болалар нарса-буюмларнинг инглиз тилидаги номларини хотирасида тез сақлаб қоладилар. Боғча болалари шу каби ўйинлар орқали сўзларни ҳеч қандай қийинчиликсиз такрорлаш ёки улар учун зерикарли бўлган такрорлаш ва ёд олишларсиз эсида сақлай оладилар ва шу билан бирга, фикрлаш доирасини кенгайтиради, ҳамда муаммоли вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш хусусиятларини кучайтиради. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳар бир ўйин ўзига хос қонун-қоидага эга, бу эса бола миёсини чархлашга, дуч келган қийинчиликларни сабр-қаноат ва табассум билан енгишга чорлайди. Болаларга ўйин давомида бошловчилик қилаётган педагог эса болажонлардан илиқ табассумини аямаслиги, уларни қўллаб-қувватлаши, кичкина совғалар билан рағбатлантириши муҳим аҳамиятга эга. Масалан, қоғозли юлдузчалар, кулгичлар, юракчалар, рангли байроқчалар ва шунга ўхшаш кичик рағбатлар болалар кайфиятини кўтариб, ўйинга янада фол қатнашишларига туртки бўлади ҳамда ўзига ишонмаган, уятчан болаларга тенгқурлари орасида эркинлик бағишлайди.

Қуйидаги шаклдаги кулгичлар ишлатиши тавсия этилади:



Маълумки, миллий ўйинлар болаларда ахлоқий хислатлар, ақлий фазилатлар, нутқ қобилияти, ҳаракат билан нутқ бирлиги уқувчанлигини мақсадга мувофиқ шакллантиради. Шу билан бирга, миллий ўйинлар ва миллий ўйин фаолияти ўзининг муайян тузилишига, тизимига эга бўлиб, бири-биридан таркиби, моҳияти, мазмуни ва сюжети билан тафовутланади. Ўйин характерлари, визуал ва новизуал ҳолатлар, вербал ва новербал нутқ (имо-ишора, мимика, пантомимика кабилар) ролларни ижро этиш негизидир. Бундан ташқари, миллий ўйинлар билан инглиз тилини уйғунлаштириб, муайян қоидалар, тамойилларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилса, ижро этилса уларнинг таъсир кучи, тарбиявий аҳамияти шу даражада ортади. Улар изчил равишда дастурлаштирилса, босқичма-босқич тартиб билан бажариш

йўллари болаларга тушунтирилса, бунда иштирокчилар фаоллиги таъминланса, инглиз тилини ўрганиш билан бирга миллий кадрият, маънавият, руҳият қатъий қарор топишига кафолатдир. Шунинг учун ҳам, мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига миллий ўйинлардан фойдаланган ҳолда инглиз тилини ўргатиш ижобий самара беради.

Бундан ташқари эртақларни “Role play”, яъни инглиз тилида сахна кўриниши шаклида ташкиллаштириш, болажонларнинг инглиз тилига қизиқишларини оширади. Масалан, “Бўри ва бола” эртаги олинса, уни “Wolf and boy” деб таржима қилинган ҳолда болажонларга кичик сахна сўзларини ёдлатиб, кичкина сахна кўриниши шаклида намойиш этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу сахна кўринишини ўйнаётган бола, сўзларни ўргана бошлайди, инглизча гапиришга ўрганади.

Ушбу ўйинларни болалар ўйнаганда уларда образларга кириш кўникмаси ривожланади ҳамда атроф-олам ҳақидаги билимларини тасвирлаб кўрсатиш қобилияти ва ижодкорлик қобилияти рағбат топади. Шунингдек, миллий мақомдаги сўзларнинг инглиз тилида ифода этилишини кўриб, муқобил сўзлардан фойдаланиш кўникмалари шаклланади. Зеро, ролли ўйин мактабгача ёшдаги болаларнинг шундай фаолиятидирки, бунда ҳар қайси индивид ўз тенгдошлари орасида фаоллик кўрсатади, ижтимоий хулқ ва хатти-ҳаракатларнинг андозаларини ўзлаштиради, катталар ҳаётига тақлид қилади, улар бажараётган ролга кўра бир-бирларига бўйсунадилар. Ана шу тариқа бола шахсида ақлий қобилият, шахсий ва ижтимоий бурч ҳислари, ўткир зеҳн таркиб топади, тенглик, бирдамлик туйғулари, инсоний фазилатлар-самимият, ор-номус ва хушмуомалалилик кабилар туғила бошлайди. Ролли ўйинлар инсон фаолияти, меҳнати ва улар ўртасидаги муносабатларининг соҳаларига ўта сезгир ҳисобланади, бола ўз зиммасига оладиган ролнинг асосий мазмуни фаолиятнинг айнан шу томонларини қайта тиклаш жараёнидан иборат бўлади. Бола яшаб турган ижтимоий муҳитни шартли равишда иккита ўзаро боғлиқ, лекин шу билан бирга уларни айирча соҳаларга ажратиш мумкин. Унинг биринчиси – бу ҳам табиий, ҳам инсон

кўли билан яратилган жисмлар соҳаси. Иккинчиси эса одамлар фаолияти соҳаси, меҳнат билан одамлар ўртасидаги муносабатлар соҳасидан иборатдир.

Ролли ўйинлар кўпроқ одамлар фаолияти ва улар ўртасидаги муносабатлар соҳасига боғлиқ бўлади. Чунки ўйиннинг мазмунини борлиқнинг айнан шу соҳаси ташкил қилади. Бола ижро этадиган катталарнинг роли орқали бу муносабатларнинг қайта тикланиши ва ўзлаштирилиши туфайли ҳам айнан рол ва у билан боғлиқ ҳаракатлар ўйиннинг таркибий қисмини ташкил қилади. Ўйиннинг сюжети бу ўйинда болалар томонидан жонлантириладиган реаллик соҳасидир. Ўйин сюжетлари ҳаддан ташқари хилма-хил бўлиб, бола ҳаётининг яққол шароитарини акс эттиради. Унинг мазмуни меҳнат ва ижтимоий ҳаётда катталар ўртасидаги фаолият ва ўзаро муносабатнинг болалар томонидан қайта тикланишидир. Ўйиннинг мазмуни боланинг катталар фаолиятига қанчалик кириб борганлиги орқали намоён бўлади.

Мактабгача ўрта ёшдаги болаларда ролни тақсимлаш ёки уни танлаш ўйин фаолиятига киришишдан анча илгари амалга оширилади. Бу жараёнга шу гуруҳнинг бошлиғи бевосита раҳбарлик қилади. Шунинг учун ким қандай ролга муносиблиги узоқ тортишувлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Уларнинг ўртасидаги тортишувлар ва баҳслар катта ёшдаги одамларнинг аралашуви натижасида адолатли тарзда ҳал қилинади. Болалар ўртасида ўзаро таъсир ўтказиш асар қаҳрамонларининг бир-бирларига нисбатан муносабатлари ўйин фаолиятида бош масалага айланди. Ўйиннинг мазмуни эса (она-бола, меҳмон ва мезбон, патгачи ва йўловчи, сотувчи ва харидор, тарбиячи ва тарбияланувчи каби) шахслараро муносабатларни акс эттириш жараёнига кўчади.

Ўйинлардаги янгиликлар унинг қоидаларида намоён бўлади. Мазкур қоидалар ёрдамида болалар ўйин сюжетидаги воқеликни идрок этадилар. Аксарият ўйинларда воқелик аниқ шарҳлар ёки буюмлар шаклида намоён бўлади. А.М.Леонтьевнинг таъбирича, болалар кенг қўламдаги воқеликни

фақат ўйинлар ёрдамида идрок этадилар. Болалар ўйин жараёнида ўзларини эркин ҳис қиладилар [Леонтьев, 1994, б. 37-47].

Ўйинлар болалар учун уларнинг ижод соҳаси, ижтимоий ҳамда ижодий жиҳатдан ўз-ўзини намоён этиш жараёни ҳисобланади. Бундан ташқари, ўйинлар ахборот узатиш воситаси ҳисобланади. Ўйин жараёнида болалар воқелик ҳақидаги кўплаб маълумотларни ўзлаштиришга муваффақ бўладилар. Шу билан бир қаторда, ўйинлар болаларнинг ўз тенгдошлари билан ҳамкорликка киришиш, дўстликни мустаҳкамлаш воситаси ҳам ҳисобланади. Чунки, ўйинларда жамиятда рўй бераётган воқеалар, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муҳити, инсоният ҳаётининг алоҳида қирралари, халқнинг ижтимоий тажрибаси, ўтмиши, ҳозирги замон ва келажак маданияти, ижтимоий тажрибаларнинг такрорланиши, ўзаро бир-бирини тушуниш муҳити намоён бўлади. Шу жумладан, болаларга инглиз тилини ўқитиш тизимида дидактик ўйинлардан фойдаланишга кенг йўл очилади. Педагоглар ҳам ўйинларга дидактик воқелик, дидактик вазиятларнинг ифодаси сифатида қарай бошладилар. Ўйинлар таълим тизими билан бир қаторда ҳаётнинг кўплаб соҳаларига ҳам кенг тарқалмоқда. Шунинг учун ҳам ўйинлар умуммиллий, қатъий тушунча сифатида қўлланилмоқда. Шунга кўра инглиз тилини ўқитишдаги дидактик жараёнларда ўйинлардан фойдаланиш кўлами кенгаймоқда.

Демак, мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топишида инглиз тилининг ўрни беқиёсдир. Қолаверса, инглиз тилини ўқитишда болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, улардаги инглиз тилини ўзлаштиришга бўлган қизиқишни, эҳтиёжни тўла қондиришга ёрдам берувчи педагогик технологияларга асосланган замонавий дидактик ишланмаларни тайёрлаш ва уларни амалга ошириш учун турли хил интерактив ўйин методларидан фойдаланиш орқали мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини ўргатиш муаммоси амалий ечимини топади.

2.2. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни АКТ воситалари орқали инглиз тилига ўргатиш

XXI аср ақл ва заковат, фан ва техника асридир, техник воситалар инсон фаолиятининг барча жиҳатларини жадаллик билан қамраб олмоқда. Хусусан, бугунги кунда ахборот коммуникация технологияси барча таълим муассасаларида, шу билан бирга мактабгача таълим муассасаларида ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Давлатимиз томонидан таълим жараёнини ахборотлаштириш, унинг моддий базасини бойитиш, ўқув жараёнида ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланиш учун керакли замонавий дастурий воситалар билан таъминлаш юзасидан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1730-сон Қарори қабул қилинганлиги ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги бунинг яққол мисолидир.

Боғча – бу таълим муассасасининг илк поғонаси ҳисобланади, шунинг учун ҳам болаларни мактаб остонасига тайёрлаш, ҳамда уларнинг онгига билим олишнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини сингдира олиш, тарбиячиларнинг зиммасига муҳим масъулият юклайди. Шунингдек, илғор педагогик технологиялар асосида инглиз тили машғулотларини олиб бориш давр талабидир. Замонавий ахборот коммуникация технологиялари асосида ташкил этилган машғулотларда тарбияланувчилар оддий машғулотларга нисбатан фаол иштирок этади ва инглиз тили дарсининг самарадорлиги ошади [The Kindergarten Program, p. 2006]. Шунингдек ҳисобга олиш керакки, ҳозирги замон болалари илғор технологиялар даврида вояга етишмоқда ва бу уларни таълим жараёнида техник воситаларидан тўлақонли фойдаланишларига имкон яратади. Бунинг учун мактабгача таълим муассасаларида болаларга инглиз тилини миллий тарихимиз ва анъаналаримизга содиқ қолган тарзда компьютер жамланмаси, радио,


телевизор, магнитофон ва интернет воситалари орқали ўргатилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Замон талабига мос равишда инглиз тили дарсини ўтиш болаларнинг дунёқарашини ривожлантиришга туртки бўла олади. Шундай экан, инглиз тили дарсларини самарали педагогик усуллар ёрдамида ташкил этиш тарбиячиларнинг мақсад сари илдам одимлашларида етакчи восита бўлиб хизмат қилади. Умуман олганда, компьютер инглиз тилини ўзлаштириш жараёнида болаларга муҳим ёрдамчи воситадир. Компьютер ёрдамида педагоглар ўз фаолиятлари давомида кўргазмали материаллар намойиш этиш, турли хил ўйинлардан фойдаланиш ҳамда болаларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантирувчи воситалар уйғунлигини таъминлаш имкониятига эга бўладилар.

Таълим тизимида ўз аҳамиятини йўқотаётган ҳозирги анъанавий таълим шаклини янги педагогик технологилар асосидаги компьютерли таълим эгалламоқда. Шунинг учун бутун эътиборни ҳозирдан бошлаб юртимиз келажаги бўлган ёш авлоднинг компьютер саводхонлигини мустақамлашга қаратиш зарур.

Бу борада мамлакатимиздаги кўпгина МТМларда олиб борилаётган таълим-тарбия ишларида ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) воситаларидан фойдаланиш яхши самара бериши исботланмоқда. АКТ воситаларидан фақат таълим воситаси сифатида эмас, балки тарбияланувчиларнинг фикрлаш доирасини, хотирасини, дунёқарашини ривожлантирадиган дидактик ўйин воситаси сифатида фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқув машғулотларининг АКТ воситасида ташкил этилиши болаларнинг билим олишга қизиқишини оширади; берилган материалларни ўзлаштиришни енгиллаштиради, уларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга имкон яратади. Ҳар қандай боладан ўз предмети доирасида етарли даражада компьютер саводхонлигига эга бўлиши ва ундан оқилона фойдаланиши талаб этилади. Бу эса ахборотлашган таълим жараёнида ўзига хос дидактик қимматга эга.

АКТ – бу маълумотни бир кўринишдан иккинчи, сифат жиҳатидан янги кўринишга келтириш, ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва узатишнинг усул ва воситалари мажмуасидан фойдаланиш жараёнидир. Унинг турлари кўп бўлиб, улар қуйидагилар:



Мактабгача таълим муассасасида АКТ воситаларидан фойдаланиш замонамизнинг анъанасига айланиб, тарбиячиларга инглиз тилини ўқитишни жадаллаштиришда ва уларнинг билим кўникмаларини ривожлантиришда кўл келмоқда. Республикамизнинг барча олий таълим муассасаларида компьютер синфлари, локал тармоқ ва интернет тармоғига уланиш имконияти мавжуд. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, бундай ахборотлаштирилган тизимни барча мактабгача таълим муассасаларида учратиш қийин. Шу сабабли, барча мактабгача таълим муассасалари АКТ дан фойдаланса ва видеоанжуман-алоқа воситалари билан жиҳозланиб, корпоратив тармоқдан фойдаланиш кўламини янада оширса, маълумотлар алмашинуви сифатини янги босқичга олиб чиқади. Масофавий электрон тизими орқали боғча тарбиячилари реал вақтдаги видео ва аудио таълим ресурсларини масофадан ёзиб олиши ва исталган вақда ўқитиш жараёнида фойдаланиши мумкин. Инглиз тилида сўзлашувчи хорижий мамлакатнинг мактабгача таълим муассасалари билан видео алоқа ўрнатган ҳолда малака алмашиши ёки у ердаги болалар билан

тўғридан тўғри алоқа ўрнатиши мумкин. Бундай илғор технологиялардан фойдаланиш, келажак авлоднинг фикрлаш доирасини янада ривожлантиради ва инглиз тилида мулоқот қилишга чорлайди. Мактабгача таълим муассасаларида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, ҳозирги дунё статдартларига жавоб беради, қолаверса, замонавий таълим технологиялари асосида инглиз тилидан сифатли билим олишга чорлайди.

Педагог К. Везеланинг таъкидлашича, ёш болаларга инглиз тилини АКТ ёрдамида ўргатиш муҳим, чунки бу улар учун хаводек зарурдир [Veselá K., 2012]. Дарҳақиқат, XXI аср болалари замонавий технологиялар муҳитида улғаймоқда.

Инглиз олими Кэтлин Фалтон, “АКТдан таълимда фойдаланиш, ўқув материалларини яхши ўзлаштириш ва эгаллаш, улар мазмунини узоқ вақт эса сақлаб қолиш, билимларни мустаҳкамлаш имконини беради ҳамда ўқувчиларнинг ўқишга қизиқишларини янада оширади, мустақил фикрлаш ва олган билимларини амалиётга татбиқ этиш билим ва малакаларини янада шакллантиради”, дея таъкидлайди [Fulton, 1996, p. 22-24].

Ахборот коммуникация технологияларини жорий этишда, мультимедияли тақдимотлар ҳам самарали восита ҳисобланади. Буни амалга оширишда компьютер технологиялари қўл келиб, вақтни тежаган ҳолда берилган вазифани яхши ўзлаштиришга имкон яратади. Мультимедияли таълим воситалари икки турга бўлинади:

1. Монитор экранидан тўғридан тўғри билим беришга қаратилган воситалар (дарс ишланмаси, электрон қўлланма, компьютерли “саёҳат”, компьютерли таълим ўйинлари ва ш.к.).

2. Кўргазмали қурол (дидактик восита сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган воситалар, слайдлар, тақдимотлар, жадваллар ва ш.к.) [Абдуқодиров, 2011].

Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасаларида мультимедияли тақдимотларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Яъни, боғча тарбияланувчиларида ҳали ҳарфларни таниш ёки ўқий олиш кўникмалари

шакланмаган бўлади. Шунинг учун, бундай тақдимотларда матнли информациялар кўп бўлиб, боғча болаларида ҳарфни ўрганиш хусусиятларини ҳам ривожлантиради. Шунга ўхшаш матнли материаллар слайдлар тарзида ёки анимацион ҳарфчалар тарзида тақдим этилиши мумкин. Инглиз тили алифбосидан ташкил топган қисқа ва таниш сўзларни ифодалашда катта ва ёрқин ранглардан фойдаланилган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки слайдга мос танланган ранглар болаларнинг фикрини ўзига жалб этади ва ҳарфлар билан танишишга чорлайди. Мултимедияли тақдимотлар асосан ёрқин рангдаги расмлар ва танқидий фикрлайдиган анимацион ўйинлардан ташкил топган бўлса, боғча болаларининг инглиз тилидаги янги сўзларни яхши эслаб қолишларига имкон беради. Бунинг учун расмлар қаторига болаларга таниш бўлган эртак қаҳрамонларини ҳам жойлаштириб, ижобий ва салбий қаҳрамонларини тасвирлашларига имкон бериш керак. Масалан: «**Зумрад ва Қиммат**» (Zumrad and Kimmat), «**Қизил Қалпоқча**» (Little Red Riding Hood), «**Жирканч ўрдакча**» (The Ugly Duckling), «**Уйқудаги гўзал**» (Sleeping Beauty), «**Оппоқ ой**» (Snow White), «**Зумрад**» (Cinderella), «**Буратино**» (Pinocchio), «**Питтер Пэн**» (Pitter Pan) ва ҳоказо. Шундай қилиб, болалардан улар қайси эртак қаҳрамонлари эканлигини сўраш мумкин. Масалан:

What kind of character are they? ➡ Улар қандай қаҳрамонлар?

Why do you like or dislike them? ➡ Нима учун улар сизларга ёқди ёки аксинча.

Шу тарзда давом эттириш болаларни фикрлашга ва инглизчада жавоб беришга чорлайди. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мултимедияли тақдимотлар мактабгача таълим муассасаси болаларига инглиз тилини ўргатишнинг энг самарали усулдан бири саналади. Мактабгача таълим тизимида бундай усуллардан оқилона фойдаланиш инглиз тилини ўргатишнинг янги усулларини таълимга боғлаш ва мазмун жиҳатдан яхлитлаштиришга, болаларнинг фаолиятини мустаҳкамлашга, мустақил фикрлашга йўллаш учун қулай шароит яратади.



Ахборот коммуникация технологиялари орқали фойдаланилган ривожлантирувчи ўйинлар ҳам дидактик ўйинлар туркумига кириб, мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш услубидир. Булар жумласига

бошқотирма ўйинлари ҳам киради. Компьютерли ўйинлар болаларга психологик таъсир бергандагина, улар ривожлантириш характериغا эга бўладилар. Ўз навбатида, инглиз тилини компьютер технологиялари ёрдамида ўрганаётган МТМ тарбияланувчиларининг танқидий фикрлашлари, тафаккурлари, ақлий қобилиятлари, хотиралари, сезгирликлари тараққий этади [Родина, 2010].

Мультимедиали дарснинг бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиш, ҳам кўриш орқали билим олишнинг, самарали эканлиги ҳаётий тажрибада аллақачон исботланган. Шу ўринда, “юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши” деган халқ мақоли бу фикрнинг далилидир. Психологлар ҳам бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиш, ҳам кўриш орқали билим бериш ўзлаштиришда юқори самара беришини таъкидлаб келмоқдалар.

Бу борада С.С.Фуломов, А.Т Шермухаммедов ва бошқа мутахассислар кўйидагиларни таъкидлайдилар: “Агар болалар берилаётган материалларни кўриш (видео) асосида қабул қилса, ахборотни хотирада сақлаб қолиши 25-30% га ошади. Бунга қўшимча сифатида ўқув материаллари аудио, видео ва графика кўринишида мужассамлашган ҳолда берилса, материалларни хотирада сақлаб бориш 75 % га ортади ” [Фуломов, 1999].

Психологларнинг таъкидлашларича, болалар асбоб-ускуналарга, техник қурилмалар ва ўйинчоқларга нисбатан эътибори кучли бўлади. Шу билан

бирга, компьютер курилмаларида ишлаш ҳам болаларнинг ўрганилаётган инглиз тилига бўлган қизиқишларини орттириб, билим олишга иштиёқларини кучайтиради ва инглиз тилида суҳбатлашиш кўникмасини ҳосил қилади.

Мультимедиа воситалари болаларнинг фикрлаш қобилиятини



шакллантиришда ва ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Яқингача босма нашр (китоблар, рисоалар ва ш.к.) лар ахборотнинг асосий анъанавий манбаи бўлиб ҳисобланди. Улардан фойдаланиш (уларни ўқиш)

болаларда фикрлаш қобилиятини шакллантиради, мультимедиа технологиясидан фойдаланиш жараёнида матн билан танишиш ва анимацион хусусиятларни ошириш, боланинг фикрлаш салоҳиятини янада орттиради.

Шунингдек, машғулотларда самарали натижаларга эришиш нафақат мультимедияли такдимотлар орқали амалга ошади, балки аудио ва видео воситаларидан фойдаланиш ҳам самарали натижалар беради. Боғча болалари, асосан, эртақларни эшитишни ёки уларни ўз кўзлари билан кўришни хошлашади. Болаларда эртақ қаҳрамонларини кўриб эслаб қолиш қобилияти кучли бўлиб, тезлик билан эшитиб кўрган нарсани оғзаки қайтаришга ҳаракат қилади. Бундай усул эса болаларни инглиз тилида сўзлашга ундаш учун қулай имконият яратади [Ханова, 1965].

Инглиз тилини ўрганаётган боғча болаларининг сўз бойлиги камлигини ҳисобга олган ҳолда, аудио орқали эртақларни эшиттиришдан олдин янги сўзларни уларга ўргатиш муҳимдир. Шунинг билан олиш керакки, эртақлар болаларга таниш, тушунарли ва қисқа бўлиши лозим. Бир томондан аудио эртақлар болаларнинг эшитиб тушуниш қобилиятини, фикрлаш доирасини ва

англаш салоҳиятини кенгайтирса, бошқа томондан инглиз тилини ўрганишларида сўз бойлигини оширишига туртки бўлади. Қуйидаги аудио эртакларни намуна сифатида келтириш мумкин: **«Three Little Pigs»**, **«Three Little Kittens»**, **«Goldilocks and the three bears»** ва бошқалар шулар жумласидандир [Шныбаева, 2014, сс. 195-197]. Шуни унутмаслик керакки, боғча болаларига эшиттирилаётган эртаклар аниқ ва тушунарли бўлиши керак, акс ҳолда уларнинг қизиқиши йўқолади. Натижада, инглиз тилини ўргатишда ижобий ва самарали натижаларга эришиш хусусияти пасаяди. Ушбу аудио эртакни эшиттириш жарёнида таълимий ва ривожлантирувчи ўйинлардан ҳам фойдаланиш ижобий самара беради. Бундай ўйинлар – дидактик ўйинлар туркумига кириб, МТМ тарбияланувчиларига таълим-тарбия бериш ва инглиз тилини ўргатиш жараёнида қўлланиладиган услублардан бири саналади. Ўйин машғулотлар ва машқлар шаклида олиб борилади, яъни эшиттириладиган эртаклар расми бўёқсиз бир варақ қоғозда болаларга тақдим этилади. Бундай машғулотлар олдиндан эртакнинг нима ҳақида эканлигини тасаввур қилишларига ёрдам беради. Бундан ташқари, олдиндан ўргатилган инглизча сўзлар эртакни эшитиш жараёнида болаларга таниш бўлиб, уларнинг хотирасида яхши сақланиб қолади.

Инглиз тилида тузилган мультфильмли эртаклар ҳам инглиз тилини осон ўргатадиган ҳамда коммуникатив методни ривожлантирадиган хусусиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бундай дастур нафақат болаларни ўзига жалб этувчи, балки МТМ лари учун мўлжалланган “таълим–тарбия дастурлари” сифатида режали равишда амалга ошириладиган воситалардан биридир. Бола ҳар бир видеоли эртакда, албатта, уни эзгуликка чорловчи жиҳатни кўради ва унга риюя қилишни ўрганади. Жумладан, **«Зумрад ва Қиммат»**, **«Эгри ва Тўғри»**, **«Олтин тарвуз»**, **«Ур тўқмоқ»**, **«Чол ва кампир»**, **«Лайлак ҳамда хасис бой»** ва бошқа шу каби миллий эртакларни инглиз тилига таржима қилинган ҳолда ҳавола этиш мақсадга мувофиқдир. Диққатини, хотира ва тафаккурини ўстиришга қаратилган эртаклар асосида боланинг инглиз тилида нутқи ривожланади, уларнинг

ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўсишларига ёрдам беради. Эртақларни кўриб ундаги қахрамонларни таҳлил қилиш малакаси шаклланади. Мультфильмлар болаларга фақат ингиз тилида янги сўзларни ўзлаштиришларига ёрдам бериб қолмай, балки уларни тўғри талаффуз қилишга ҳам ундайди. Болалар бундай эртақларни бажонидил қайта-қайта кўради, натижада эса инглизча сўзларни ҳам ёдлаб оладилар.

Бунга қўшимча тарзда, компьютерли ўйинлар таълим-тарбия жараёнида инглиз тилини ўқитишни амалга оширишга, жумладан, буюмлар, уларнинг ранги, шакли ва ўхшаш объектларни инглиз тилида тўлиқроқ ўзлаштиришга ёрдам берадилар. Ҳозирги кунда компьютерли дидактик ўйинларнинг ўзига хос педагогик ва психологик жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар тўла ўрганиб чиқилмаган.

Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, компьютерли таълимий ва ривожлантирувчи ўйинлар дидактиканинг қонун ва қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда ўтказилади. Ўйинларни ўтказиш усуллари: машғулотлар, ўйин-машқ ва дам олиш ўйинлари шаклларида олиб борилади. Мультимедиали таълимий ва ривожлантирувчи ўйинлар дидактик ўйинлар таркибига киради ва МТМлардаги нафақат таълим-тарбия жараёнига, балки болаларга инглиз тилини ўргатишни амалга оширишга ҳам қаратилгандир.

Компьютерли ўйинлар илк компьютерлар пайдо бўлиши билан бир вақтда уларнинг дастурларига киритилган эди. Дастлабки компьютер ўйинларидан маънавий ҳордиқ олиш мақсадида фойдаланила бошланган. 1976-77 йиллардан бошлаб, компьютерлар ишлаб чиқарувчи хусусий фирмалар ва компаниялар компьютерларнинг кўпроқ сотилиши учун уларни замонавий ўйин дастурлари билан таъминлай бошладилар. Ҳозирги даврга келиб, компьютерлар турли хил инглиз тилини ўргатувчи ўйин дастурлари билан таъминланганлар. Масалан, шаклларни кетма-кет қўйиш ўйинида, дастлаб, ўйин вазифаси бўйича бола шаклларни кетма-кет жойлаштириш натижасида қандай шакл пайдо бўлишини топса, иккинчидан, тарбиячининг топшириғи бўйича шакллар сонини инглиз тилида санаб беришни, шакллар

қандай кўринишда эканлигини ва уларнинг номларини айтишни, рангларни ажратиб беришни бажаради (таълимий жиҳати). Шу билан бирга, тарбияланувчи ўз компьютер саводхонлигини «Сичқонча»дан фойдаланган ҳолда оширади.

Демак, компьютерли дидактик ўйинлар таълим билан узвий боғлиқ бўлиб, таълим жараёнини ривожлантиришга ёрдам беради. Компьютерли таълимий ва ривожлантирувчи интерактив ўйинлардан фойдаланиб амалга оширилган технологик жараёнлар қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:



Чизмадан кўриниб турибдики, тарбиячи даставвал ўйин объекти (тури ва йўналиши)ни танлайди, сўнгра ўйин қоидаларини, шартларини ва вазифаларини аниқлайди. Кейинги босқич ўйиннинг мазмунини ва қандай мақсадда амалга оширилишини, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи жиҳатларини бегилайди. Сўнгра, ўйин ўтказилиб, тўпланган натижалар таҳлил этилади ва ўйин ғолиблари рағбатлантирилади. Компьютерли ўйинлар ва машқлар асосан тарбиячининг назорати остида олиб борилади.

Шу боис, компьютер ва унинг хотирасидаги таълимий ўйинлар биргаликда, мультимедиа технологиясининг ўйинлар бўйича асосий дидактик воситаси саналади. Компьютер хотирасидаги ўйинлардан бошқа яна қўшимча дидактик ўйинлар тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун махсус дастурлардан (Power Point ва Macromedia Flash) фойдаланиш тавсия этилади.

Компьютер воситаси ёрдамида ташкил этилган дарсларда болалар эркин, индивидуал, мустақил фаолият юритишларига шароит яратилади. Бугунги болалар компьютер билан осон мулоқотга киришади, у билан бирга ўқийди, ўрганadi. Умуман олганда, дарс жараёнини компьютерлаштириш ўзига хос имкониятлар яратади. Жумладан:

- мавзуларни тушунтириш учун зарур бўлган жадвал, схема, расмлар ва бошқа кўргазмалардан кичик ҳажмда, хилма-хил тарзда фойдаланиш;

- инглиз тилидаги сўзлар, товушлар, уларни ҳосил қилишда иштирок этадиган механизмлар жараёнини кузатиш;

- инглиз тилини ўрганишда фойдаланиладиган кўргазмали материалларнинг рангли ва ҳаракатли бўлиши бола диққатини тортиб, компьютер тасвирларини узатиш, сақлаш ва маълум муддат давомида мониторда сақлаб туриш;

- шеърлар, кичик ҳажмдаги ҳикояларни қисқа муддатда ёдлаш;

- компьютерлашган тест дастурлари воситасида болани баҳолаш ва назорат қилиш;

- тарбиячиларни фақат дарсда эмас, балки дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларда мустақил таълим олишини таъминлаш;

- болаларнинг ёшига мос тарзда тайёрланган ўқув фильмларини намойиш этиш;

- DVD, CD материалларидан фойдаланиш ва ҳоказолар.

Компьютерлашган дарслар таълимда дидактик тамойилларни тўлиқ қўллаш имконини беради. Мазкур тамойилларнинг сифат кўрсаткичлари болаларнинг ўзлаштириш даражаларини юқори натижалар билан намоён қилишга ёрдам бериши, қайси бир фан доирасида бўлишидан қатъи назар, тарбиячи компьютер билан мулоқотни тўғри йўлга қўя оларкан, ўз-ўзидан дарс жараёнидаги фаоллик яққол кўзга ташланади.

Педагог олим Алан Зиажка фикрига кўра, компьютер болаларни катталарча фикр юритишига ва камолотга етишига сабаб бўла олади. Яъни компьютер мониторда бўлаётган ўйинлар болани синчиковлик билан кузатишга, сичқончани эркин бошқаришга ва қарор қабул қилишга чорлайди [Ziajka, 1983].

Компьютерли таълимий ва ривожлантирувчи ўйинларнинг афзалликлари ва педагогик жиҳатларидан бири шундаки, бу ўйинлардан тарбияланувчилар йил давомида ва исталган пайтда фойдаланишлари мумкин. Болалар

компьютердан фойдаланишни ўрганиб олганларидан сўнг, бундай ўйинларни мустақил равишда амалга оширишлари мумкин. Ўйин давомийлиги 15 дақиқадан ошмаслиги зарур.

Компьютерли дидактик ўйинлар ёш болаларга кинематик (жонли) психологик таъсир этади. Монитор экрандаги шакллар ҳаракатланиб, ранглари ўзгариб жилоланиб туради. Бу ўйинларнинг ёш болаларга таъсирини кинематик (жонли) психологик таъсир деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Бундай ўйинларнинг психологик таъсири айниқса, пассив ҳаракатдаги тарбияланувчилар учун сезиларли бўлади. Улар биринчи муваффақиятли ўйиндан сўнг, ўзлари фаоллашиб топшириқни бажаришга киришиб кетадилар.

Хорижий психолог ва педагог олимлар К. Везела, А. Зиажжа, Н.М.



Розенбергнинг фикрича, МТМларда компьютер ўйинларини соддадан мураккабга қараб ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Натижада, қобилиятли болалар компьютерда

мустақил ўйнаш даражасига эришишлари мумкин. Масалан, “сўзларни жойлаштириш” ўйинида болалар расмдаги барча тасвирларнинг жуфтини топиб, сичқонча ёрдамида белгилашлари лозим. Шу билан бирга тарбиячи болалардан инглиз тилида сўрайди: “What is it?”, яъни “Бу нима?” деб. Тарбияланувчилар эса “This is a snail”, яъни “Бу шиллик қурт” дея жавоб қайтаришлари лозим бўлади. Бу каби компьютерли ўйин шу тариқа давом этади.



Бунга қўшимча қилиб, “Colouring activity”, яъни “Ранг ўйини” деб аталган компьютерли дидактик ўйинларни киритиш мумкин. Бундай ўйин коидасида болалар рангсиз тасвирланган расмга қараб, сичқонча ёрдамида расмни истаган жойига босишади, компьютер инглиз тилида бирон ранг номини овозли айтади. Натижада эса, болалар шу ранг устига сичқончани олиб бориб босишлари керак бўлади. Бундай компьютер ўйинлари тарбияланувчи (бола)ларни инглиз тилида ўрганиладиган материалга ва ўйин мазмунига диққатларини жалб қилишда самарали восита ҳисобланади.

Психолог Н. Боймуродовнинг таъкидлашича, мавзуни муваффақиятли ўзлаштиришда, аввало диққат кучи белгиланади, баъзи тарбияланувчиларнинг ўртоқларидан орқада қолиб кетишлари, уларнинг ақл-идрок ёки хотираларининг заифлигидан эмас, балки диққатларининг бўшлигидан келиб чиқади. Компьютер ўйинлари эса, барча болаларнинг диққатларини ўзларига турғун жалб қила оладиган восита ҳисобланади.

Н.Боймуродов ёш болаларнинг идроки тўғрисида қуйидагиларни ёзган: «Мактабгача ёшдаги боланинг ҳаётида ўйин ҳукмронлик қилади ва ўйин туфайли боланинг идроки ҳам ривожланади, чунки бола ўйинга алоқаси бўлган буюмга кўпроқ эътибор бериб қарайди ва ўз ўйинида атрофдаги ҳаётни акс эттиради. Ўйин, расм чизиш ва шунга ўхшаш машғулотлар туфайли болада кузата билиш қобилияти ҳам ривожланади» [Боймуродов, 2008, б. 313].

Одатда, ёш болалар теварак-атрофга, нарса ва буюмларга, воқеа ва ходисаларга қизиқувчан бўладилар. Ҳамма нарсани ўз қўллари билан ушлаб, ҳаракатга келтириб кўришни ёқтирадилар. Компьютер ўйинлари тарбияланувчиларнинг шу каби қизиқувчанлик хусусиятларини оширади. Бунинг натижасида, уларнинг ақлий ривожланишлари шаклланиб боради.

Мультимедиали компьютер ўйинларининг тарбияланувчиларда қизиқувчанлик хусусиятларини ошириш қуйидагилар асосида намоён бўлади:

1. Экранда кўрсатиладиган ўйин шаклларига анимацион хусусият берилган бўлади ва улар доимий равишда ҳаракатланиб, ўзгариб туради.

2. Товуш.

3. Муסיқа.

4. Анимация.

5. Мультификация ва ш.к.

Ўйин давомидаги ушбу “компьютерли” психологик-педагогик таъсирлар ёш болаларнинг фақат қизиқувчанлик хусусиятларини оширибгина қолмасдан, балки инглиз тилини ўрганишга бўлган иштиёқларини ҳам оширади.

Компьютерли машғулот асосан МТМларнинг мактабга тайёрлов гуруҳлари (5-7ёш) учун мўлжалланган бўлишига қарамасдан, уни ёш гуруҳларда ҳам синаб кўриш мумкин. Айниқса, ёш гуруҳлардаги тарбияланувчиларга компьютер экранига тарбиячининг изоҳи билан турли қизиқарли инглиз тилини ўргатувчи ўйинларни тақдим этиш қўл келади. Мактабгача ёшдаги болалар таълим - тарбиясига қўйиладиган Давлат таълим стандартларида мактабга тайёрлов гуруҳи (5-7 ёш) учун инглиз тилини ўргатиш таълим ўйинлари йўналишлари бўйича қуйидагилар қайд этилган: нутқ ўстириш бўйича нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш, нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш, ижодий ҳикоя қилиш, луғатини бойитишни фаоллаштириш ва ҳоказо. Инглиз тилини ўргатувчи ўйинлар сирасига экологияга оид ўйинлар, рангни топ (рангларни тўғри ажратиш), турли хил анъанавий ривожлантирувчи ўйинлар, шаклни топ (доира, квадрат учбурчак ва бошқа шакллар), ҳалқаларнинг шакли ва ранглари бўйича ўйинлар, табиат билан таништириш бўйича гулзорга экскурсия ва турли хил ўсимликларнинг ҳамда ҳайвонларнинг инглиз тилидаги номини топиш каби ўйинлар киради.

МТМларнинг мактабга тайёрлов гуруҳларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг асосий ва етакчи қисми инглиз тилида олиб бориладиган машғулотдир. Бундай машғулотлар давлат стандартлари ва

талаблари асосида белгиланган йўналишлар, дастурлар, тақсимланган соатлар ва шулар асосида тарбиячи томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган режалари асосида олиб борилади. Инглиз тилини ўргатувчи компьютерли машғулотлар қуйидаги турларга бўлинади: янги билим берувчи, текширувчи-синовчи, билимларни мустаҳкамловчи ва мажмуавий машғулотлардан ташкил топган. Агарда МТМдаги компьютерлар сони 5-6 тадан ортиқ бўлса, машғулот оммавий равишда, битта бўлса, ундан навбатма-навбат фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Бундай ҳолда таклиф этилган биринчи тарбияланувчи тарбиячи томонидан берилган саволга тўғри жавоб бера олмаса, кейингисидан сўралади. Дарс давомида ўрганиладиган материалларнинг ҳар бир бўлакчасини тарбияланувчилардан кейин тарбиячининг ўзи хулосалаб боради. МТМларда олиб бориладиган машғулотлар мактабга тайёрлов гуруҳларида инглиз тилини ўргатишда компьютердан фойдаланиб, ўтказилишни ҳисобга олиб, 35-40 дақиқага мўлжалланади ва икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич 15 дақиқа давом этади. Бу вақт давомида болаларга асосий маълумот берилади ва инглиз тилида янги сўзлар ўргатилади. Қуйида мултимедиа технологияси асосида ташкил этиладиган машғулотлардан бир нечта намуналар келтириш мумкин.

Масалан, болалар гуруҳи (6-8 нафар) компьютер (монитор) экрани



рўпарасида ўтирадилар. Тарбиячи компьютерга инглиз тилида тана аъзосини ўргатишга мўлжалланган компьютер дастури ёзилган экспериментал дискни жойлайди. Сўнгра

дискни намоишга қўяди. Болаларга таниш бўлган “Пиноккио” қаҳрамони иштирок этган компьютерли ўйинни мисол қилиш мумкин. Бу ўйин

болаларга инглиз тилида тана аъзоларига оид бўлган сўзларни самарали ўрганишга асос бўлади. Демак, “Pinocchio’s body” – “Пиноккионинг тана аъзоси” номли компьютерли ўйин тақдим этилади. Тарбиячи ёрдамида болаларга ўйин қоидаси тушунтирилади, яъни болалар инглиз тилидаги сўзларни белгиланган жойга тўғри жойлаштиришлари лозим.

Биринчи босқич тугагач (15 дақиқадан сўнг), тарбияланувчиларнинг компьютерлардан фойдаланишлари 15 дақиқадан ошмаслигини инобатга олган ҳолда, 5-10 дақиқали

оралиқ босқич (дам олиш босқичи) ўтказилади.

Ушбу 5-10 дақиқали оралиқ (дам олиш босқич)да ўрганиладиган мавзу бўйича инглиз тилида қизиқарли ўйинлар



ўтказилади, шеърлар, ашулалар айтилади. Масалан: “Head and Shoulders, Knees and Toes” – “Бош ва елка, тизза ва тўпиқ” деб номланган кўшиқни компьютер орқали эшитиб қолмай, балки гуруҳдаги барча болалар билан биргаликда жўр бўлиб куйлашади ва кўшиқда айтилаётган тана аъзоларини ўзларида кўрсатиб, рақсга тушишади.

Сўнгра машғулотнинг 3-босқичи бошланади. Бу босқичнинг




давомийлиги ҳам 15 дақиқадан ошмаслиги керак. Бу босқичда асосан, биринчи босқичда ўрганилган мавзу мустаҳкамланади, тарбияланувчиларнинг инглиз тили билан бирга компьютер саводхонлигини ошириши давом

этади ва уларнинг билимлари баҳоланади. Масалан, болалар тана аъзоларига оид сўзларни янада мустаҳкамлаш учун компьютер экранида нотўғри

жойлаштирилган тана аъзолари расмларини сичқонча ёрдамида жойлаштиришади. Бу машқни бажараётган вақтда, болалар танлаб жойлаштираётган сўзларни инглиз тилида оғзаки талаффуз қилишлари лозим.

Машғулотнинг ушбу шаклида, компьютер экранига чиқарилган материаллар бўйича тарбиячи савол беради. Тарбияланувчилар эса, инглиз



тилида жавоб берадилар. Экранда навбатма-навбат тасвирланадиган материаллар бўйича ўтказиладиган савол-жавоблар натижасида тарбияланувчиларга маълум бир даражадаги билим берилади. Ўтилган мавзуни янада

мустаҳкамлаш мақсадида болаларга “Memory Game” – “Эса қолдириш ўйини” тақдим этилади. Бу ўйинда болалар карточкаларнинг устига сичқонча ёрдамида босиб, экранда пайдо бўлган тана аъзоси расмининг инглизча сўз билан ифодаланганини топишлари керак.

Ўрганилган материаллар савол-жавоб асосида мустаҳкаланади ва тарбиячиларнинг билимлари баҳоланади. Жумладан, компьютер монитори



экранида куйидаги тасвир пайдо бўлиши мақсадга мувофиқ. Бундай тасвирлар болалар руҳиятини кўтаради. Масалан: “Well done!!!” – “Баракалла”, “Now, you can describe your body in English” – “Энди сиз, инглиз тилида тана аъзоларингизни

номлай оласиз!”, дея дарсни болаларни рағбатлаган ҳолда якунлаш тавсия этилади.

Машғулот охирида уйга вазифа берилади. Болаларга уйга бериладиган вазифа компьютерсиз бажариладиган топшириқлар бўлиши мақсадга

мувофиқ. Масалан, қайчи ёрдамида қоғоздан учбурчак, тўртбурчак шакллари ясаб келиш ва уларни инглиз тилида айтиш каби топшириқлар берилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, компьютерли таълимнинг ўзига хос хусусиятлардан яна бири компьютернинг болалар организмига салбий таъсир кўрсатишидир. Шунинг учун, тарбияланувчилар ундан узлуксиз 15-20 дақиқадан ортиқ фойдаланмасликлари лозим. Психолог олим Т.Л.Шишованинг таъкидлашича, “Компьютердан бир кунда бир соатдан ортиқ фойдаланган 3-7 ёшгача бўлган болаларнинг мия ва кўз фаолиятига зарарли таъсири кучаяди, бундан ташқари семириш ҳолатларини ҳам келтириб чиқаради” [Шишова, 2007, с. 320].

Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, “Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талаблари”да минимал талаблар қаторида болаларнинг 15-20 дақиқадан кўп вақт компьютерда шуғулланишига йул қўйилмаслиги таъкидланган [92].

Демак, мактабгача таълим муассасаларида болаларга инглиз тилини ўргатиш жарёнида мультимедиа технологияси ва воситасидан фойдаланиш машғулотларнинг самарадорлигини ошириш билан бир қаторда улар хотирасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Авваламбор, ҳозирданок болаларимиз янги мультимедиа технологияси, компьютер технологияларига мослашиб боришларини ташкил этиш зарур. Чунки, АКТ – бу мактаб ёшигача бўлган болалар учун муҳим бўлиб, инглиз тилини ўрганиш самарадорлигини юксалтиришда асосий омил ҳисобланади. Ҳамда танқидий фикрлашни ва инглиз тилида сўзлашиш мотивациясини шакллантиради. Шунинг учун ҳам, ҳозирги вақтда мактабгача ёшдаги болаларга янги педагогик технологиялар асосида машғулотлар ўтказиш, уларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, ҳамда ахборот жамияти ҳаётига психологик тайёргарликларини шакллантириш масалалари муҳим вазифалар сирасига киради.

II БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА

Мамлакатимизда, ҳозирги замон таълим методикасида қўлланилаётган дидактик лойиҳалаштириш оддий ибора эмас, балки унинг ёрдамида болаларнинг билиш фаолияти амалга оширилади, таълимий ва тарбиявий вазифалар ҳал қилинади. Бунга кўра, мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишни дидактик лойиҳалаштириш масаласида, тарбиячиларда кизиқишлар уйғотувчи дидактик ўйинлар ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш, таълим самарадорлигини таъминлаш омилларидир. Равшанки, бу масалаларнинг ижобий ечими инглиз тили таълими сифатини таъминлайди.

Маълумки, мактабгача таълим муассасасида дидактик ўйинларни ва компьютерли ўйинларни ихтиро қилиш, ташкил этиш ва ўтказиш кўп вақт талаб қиладиган мураккаб методик иш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ўйин тафсилотларини атрофлича ишлаб чиқиш, яъни ғоясини аниқлаш, ўйин иштирокчиларининг вазифаларини белгилаш, ўйин қоидаларини шакллантириш, ўйин учун сарфланадиган вақтни чамалаш, ўйинни болалар савияси ва ўсиш даражасига мослаштириш, қўшимча карточкалар тайёрлаш – буларнинг ҳаммаси инглиз тили ўқитувчисидан юксак педагогик маҳорат ва ижодкорлик талаб қилади. Шу билан бирга, инглиз тили ўқитувчиси ҳар қандай дидактик ўйинни ўтказишдан олдин унинг мақсадини белгилаши, ўйин шароитини яратиши, ўйин жараёнини кўз олдига келтириши, ўйинни дарсинг қайси қисмида ўтказишни ўйлаши керак. Бу босқичда боғча тарбияланувчиларини гуруҳларга бўлиш муҳим саналади.

МТМда инглиз тилини ўргатишни дидактик ва компьютерли ўйинлар орқали гуруҳлар шаклида ташкил этиш улкан тарбиявий ва самарали аҳамиятга эга. Биринчидан, ҳар бир гуруҳга бириктирилган болалар ўзаро бир–бирларининг камчиликларини тўлдириб борадилар. Иккинчидан, болалар инглиз тилида гапиришга ҳаракат қилишади, бу эса оғзаки нутқ такомилини таъминлайди. Учинчидан, болаларда тил билиш фаолиятини оширади, ҳатто бўш ўзлаштираётган болалар ҳам бир–бирлари билан фикр

алмашиб, ўзаро ёрдам қилишади. Бундан ташқари, болалар мустақиллиги ортади. Булар натижасида, тарбиячилар инглиз тилини ўзлаштиришга, ўзаро сўзлашишга қизиқишлари ортади ва инглиз маданияти билан яқиндан танишиш имкони вужудга келади. Чунки, дидактик ўйинларнинг педагогик жиҳатларидан бири уларнинг таълимийлигидир. Тарбияланувчи ўйин давомида бир вақтнинг ўзида ҳам ўйинда иштирок этади, ҳам маълум бир даражада таълим олади. Айрим ўйинларда билимларини машқларда намоёиш қиладилар ва уларни чуқурлаштирадилар.

Тадқиқотлардан маълумки, дидактик ва компьютерли ўйинлар орқали тарбиячилар маъсулиятни сезадиган, ўзларига топширилган вазифани бажариш имкониятларини қидириб топадиган бўладилар. Бу вазият болаларни мустақил фикрлашга одатлантиради, ўз ҳаракатларини асослашга ундайди, буларнинг натижасида ҳаётда учрайдиган турли қийинчиликларни бартараф этишга одатлантирилади. Шу жумладан, инглиз тилида олиб бориладиган бундай машғулотлар замирида боланинг инглиз тили нутқи ҳамда ахлоқий фазилятлари шаклланади.

Демак, ёшлар учун мўлжалланган инглиз тили машғулотлари болаларда ўрганилаётган тилга нисбатан қизиқиш уйғотиши ҳамда ўша тилда мулоқот қилишга чорлаши лозим. Чунки, бола ҳаётининг дастлабки етти йили ўсиш даврининг муайян давомийлигида ўтади, бу умумий ва олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган босқичдир. Бу босқичлар ривожланишнинг ҳар бир соҳасидаги ўзгаришлари билан ажралиб туради. Булар жисмоний, ҳиссий, ижтимоий ва когнитивдир. Болалар ўсишининг ўзига хослиги тўғрисидаги билимлар тарбиячиларга таълим муҳитини яратишга ва фаолиятнинг мувофиқ турларини режалаштиришга таянч бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишни дидактик лойиҳалаштириш кенг қамровли яхлит муаммо бўлиб, уни ўрганиш, тадбиқ қилиш учун илк қадам қўйилди, холос. Келажакда бу муаммога қизиқадиган тадқиқотчилар топилиб, улар бу соҳада янги қадамни қўядилар.

III БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ НАТАЖАСИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатишнинг экспериментал тадқиқи

*«Айтсанг – унутаман, кўрсатсанг – эслаб қоламан,
ўзим бажарсам – англаб етаман».*

(Конфуций)

Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатиш бўйича олиб бориладиган тадқиқот ишлари натижаси ва самарадорлиги таълим мазмуни, мақсади ва вазифаларига мослиги, унинг илмий жиҳатдан асосланганлиги, изчиллиги билан боғлиқлиги, шунингдек мазмунга мос методлар, шакллар ва воситалар мажмуасининг танланиши билан таъминланганлигига боғлиқ. Таълим самарадорлигини таъминловчи асосий шарт – шароитлардан бири болаларнинг инглиз тилига нисбатан ижобий муносабатини рағбатлантириш ва турли – туман таълим воситаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу воситалар ичида педагогик технологиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган дидактик ўйинлар муҳим ўрин тутди. Шунингдек, дарс самарадорлигини таъминлашда турли таълим воситаларидан фойдаланиш, дарсларда муаммоли вазиятларни вужудга келтиришга хизмат қилувчи ва технологик характердаги дидактик ўйинларнинг имкониятлари беқиёсдир.

Инглиз тили дарсларида ўрганилаётган мавзу мазмунига мослаб ташкил этиладиган дидактик ўйинлар болаларни мустақил фикрлашга ундайди, уларда тил ўрганишга нисбатан қизиқишни уйғотади. Ўқишга нисбатан қизиқиш эса билимларни пухта ўзлаштириш гаровидир. Бу фикрни ўтмишдаги алломалар ҳам таъкидлаб ўтишган.

Инглиз тилини ўргатиш мазмуни мактабгача таълим муассасаларида жуда қисқа ва осон сўзлардан, жумлалардан бошланади. Мазмунни тушунишни ўргатиш содда, қулай ва зарур кўрғазмалилик асосида олиб

борилади. Мана шу йўл билан болаларнинг сўз бойлиги кенгайиб, чуқурлашиб ва ўсиб бориши таъминланади.

1990-йилларда инглиз тилини ўргатиш методикасида янгича ёндашувлар тасдиқланди, жумладан, тил – маданият таркиби, яъни тил маданиятни ифода қилувчи воситадир. Шуни ифодалаш керакки, инглиз тилини ўрганишда, шу халқ маданияти билан танишишга муҳтожлик сезилади. Бу эса ўз навбатида, лингвомаданиятшуносликнинг ривожига туртки бўлади. Е.М. Верещагина ва В.Г. Костомарованинг муҳокамаларига қараганда, инглиз тилини ўрганаётган вақтда ўша халқнинг миллий маданиятини ўзлаштирмай, қўққисдан мулоқотга киришиб бўлмайди.

Г.Палмер туғри метод тарафдорларининг инглиз тилини ҳам худди она тилидек, яъни оғзаки нутқ ўқиш ва ёзишдан олдин ўргатилиши керак деган фикрига қўшилиб, бу масалани бирмунча бошқачарок талқин қилади. У бола гапиришни бошлашдан аввал катталар нутқини эшита бориб пассив равишда материал тўплашини назарда тутиб инглиз тилни ўқитишда репродуктив иш формасидан олдин рецептив иш формалари амалга оширилиши, яъни гапиришдан олдин тинглаш, ёзишдан олдин эса ўқиш керак, деган хулоса чиқаради. У ўз нуқтаи назарини қийинчиликларни ҳисобга олиш ва оғзаки нутқ ёзма нутқдан фарқ қилганидек, бир кўникмани бошқасидан синчиклаб ажратиш принциплари билан мустаҳкамлайди [Palmer, 1922].

Ўзбекистондаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг мулоқотидан аён бўлдики, ҳозирда болаларга инглиз тилини ўргатишда чет эл услубий қўлланмаларидан, китоблар ва компьютер дастурларидан фойдаланилмоқда. Бу эса миллий маданиятимизнинг сусайишига олиб келади. Шуни инобатга олган ҳолда, мактабгача таълим муассасалариданок болаларга инглиз тилини ўргатишда миллийликни уйғунлаштириб, дарс машғулотларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги кунга келиб хорижий мамлакатларда, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларини инглиз тилига ўргатиш борасида кўплаб таълим

дастурлари ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, Россия мутахассислари М.Н. Евсеева, Т.В. Земченкова, Л.Л. Лыкова, И.А. Шишкова ва бошқалар томонидан мактабгача таълим муассасаси болаларига инглиз тилидан сабоқ берувчи дастур ишланмалари таклиф этилди. Ушбу дастурларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўзида болаларга мўлжалланган инглиз тилида сўз ибораларини, шеърлар, қўшиқлар ва турли хил интерфаол ўйинларни мужассамлаштирган. Китобдаги мавзулар кўпроқ фонетика ва лексикага қаратилган.

Бу дастур ишланмаси «Firststeps» (“Биринчи қадам”), деб номланган бўлиб, у 2007-2010 йй. таҳрирланган «Stepbystep» номли ўқув дастурини амалга оширишга асосланган. «Stepbystep» ўқув дастури 5-7 ёшли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларига мўлжалланган бўлиб, у Россиянинг «Пчелка» номли боғчасида амалда синалди. Натижада, бу ўқув дастури болаларга инглиз тилини ўргатиш бўйича юқори кўрсаткичли дастурга айланди.

«Firststeps» (“Биринчи қадам”) дастурининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ундаги таълим жараёни инглиз эртак қаҳрамонлари (Winnie the Pooh, Tiger, Piglet, Donkey) билан сирли ўрмонга саёҳат тарзида уюштирилган. Ҳар бир мавзу қизиқарли ҳикояларга бой бўлиб, аввалги дарснинг мантикий давомидир. Болаларда инглиз тилига кучли қизиқиш уйғотиш мақсадида, турли кўнгил очар ўйинлар, қизиқарли топишмоқлар, шеърлар, қўшиқлар, диалогли суҳбатлар ишлатилган. Болалар сони 5-8 дан 10-12 тагача бўлиши зарур. Муаллифнинг дастури доирасида 4-5 дақиқа давомида танаффус эълон қилиниб, қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш мажбурий ҳисобланади. Натижада завқ билан куйланган қўшиқлар ва айтилган шеърлар болалар хотирасига сингиб, инглиз тилида сўзлашиш кўникмасини шакллантириб, лексик ва фонетик жиҳатдан мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, инглиз тилида ишланган видео тақдимотлар орқали болалар инглиз миллатининг маданияти билан яқиндан танишишга ва эртак қаҳрамонлари билан тўғридан тўғри мулоқотга киришишга муяссар бўлишади. Хуллас, бу

дастур 2 йилга мўлжалланган бўлиб, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларига инглиз тилини ўргатишда замонавий ва илғор педагогик технологияларга асосланган намунавий ўқув қўлланмадир.

Шундай экан, мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасаларида ҳам шу каби ўқув дастурлари компьютер технологиялари асосида яратилса ўқув машғулоти самарали натижаларга эга бўлади. Миллий эртақларимиз қаҳрамонларидан (“Насриддин Афанди”, “Зумрад ва Қиммат”, “Уч оға-ини ботирлар”, “Эгри билан тўғри”, “Нўхат полвон” ва б.) фойдаланиб, инглиз тилида замонавий дидактик ўйин дастурларини ташкиллаштириб, болаларнинг сўз бойлигини оширишда ёрдам беради. Чунончи, бошқа кўпгина ўқув фанлари қатори, инглиз тили фанини ўқитишда ҳам бевосита компьютер техникасидан фойдаланишга эҳтиёж сезилади. Республикамизда инглиз тили фанини ўқитишда компьютер технологияси воситасидан фойдаланиш болаларнинг инглиз тилида билим самарадорлигини янада оширишда ёрдам берибгина қолмасдан, уларга компьютерни чуқур ўзлаштиришга ҳам кўмаклашади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларга инглиз тилини ўргатиш доимо долзарб муаммолардан бири бўлиб келганлигини, шу сабабли олиб борилган илмий-тадқиқот ишимизнинг самарадорлиги ва ижобий натижаларга бой эканлигини, ҳозирги куннинг талабларига жавоб беришини исботлаш мақсадида тажриба-синов ишларини пухта белгиланган режа асосида олиб бордик. Шунга кўра, ноанъанавий ўқитиш методикаси ҳисобланган дидактик ўйинларни инглиз тили машғулотларида қўллаб, уларнинг қанчалик самарадорлигини аниқлаш мақсадида, анъанавий ўқитиш методикаси билан солиштирилди. Бунда дарсни ким олиб боришидан (тажрибали ўқитувчими ёки ёш ўқитувчими) қатъий назар, кўзланган якуний натижага (мақсадга кўра) эришиш кафолатланиши лозим. Таълимда ўқитувчи фақат ижрочи вазифасини бажаради.

Тажрибавий таълим жараёнида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига ўқув машғулоти 90 % инглиз тилида олиб борилди.

Юқоридаги бобларда берилган тажрибали дидактик ва компьютерли ўйинлардан фойдаланилган ҳолда, дарс мавзусининг технологик модели ва харитаси тузилди.

Инглиз тили дарсини дидактик ўйинлар орқали ташкил этиш ва ўтказиш методикасига оид тадқиқотларда унинг бир неча босқичлари ажратиб кўрсатилади.

Айрим тадқиқотчилар ўйинларни ташкил этишда қуйидаги босқичларни ажратиб кўрсатадилар: а) тайёргарлик; б) ташкилий; в) ўйин ҳаракатлари; г) якуний. Бу босқичлар ўз хусусиятлари, ўйинга сарфланган вақт, болаларнинг мустақиллиги ва тарбиячи фаолиятига кўра бир – биридан фарқ қилади.

Биз илмий–тажриба жараёнида бу босқичларнинг методик таъминотини қуйидагича таъминладик:

Биринчи босқич – **тайёргарлик босқичи**. Бу босқичга кўпроқ вақт ажратилди. Анъанавий дарсдан кўра дидактик ўйин ташкил этиш мураккаброқ жараён. Бу босқичда ўқитувчининг асосий вазифаси ўйин қоидасини ишлаб чиқиш, болаларга ана шу қоидани ўргатиш, ўйиннинг мақсади ва вазифаларини тушунтиришдан иборат.

Ўйинларга тайёргарлик босқичида қуйидаги масалалар ҳал этилади:

- 1) ўйиннинг мақсадини белгилаш, яъни ўйин орқали болалар ўзлаштириши лозим бўлган сўзлар ва кўникмалар ҳажми аниқланади;
- 2) қуйидаги талабларга жавоб берадиган вазият яратилади;
 - а) ўйиннинг болалар тайёргарлик даражалари, ёш хусусиятлари ҳамда ўқув ишларидаги аниқ муаммоларга мос бўлиши;
 - б) ўйин кўринишларини аниқ белгилаш, яъни ўйин таркибига кирувчи ҳолатларни айрим қисмларга ажратиш;
- 3) ўйин қоидаси ишлаб чиқилади, ҳар бир иштирокчига алоҳида – алоҳида вазифалар белгиланади. Тасодифий ҳолатлар содир бўлганда нималар қилиш кераклиги, ўйиннинг бошланиши ва тугалланиши, ҳаракатлар сони кўзда тутилади;

4) ўйиннинг тафсилотлари ёзилади. Бунда бошқарувчи ва ҳар бир иштирокчи ҳаракатларини тасвирлаб, ўйинлар учун махсус кўрсатма тайёрлайди.

Иккинчи босқич – **ўйинни ташкил этиш**. Бунда аввало ўрганилаётган мавзуга оид ўйиннинг бошланиши ҳақида болаларга хабар қилинади; ўйинга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун бошқарувчи танлаш, сайлаш ишлари амалга оширилади.

Учинчи босқич – **ўйинни ўтказиш**. Ўйинни ўтказиш услуби қатъий белгиланмайди. Болаларга эркинлик берилади ва уларнинг ўйиндаги ижодкорлиги рағбатлантирилиб борилади.

Тўртинчи босқич – **ўйин натижаларини таҳлил қилиш**. Бу босқич ўйинда ҳал қилувчи мавқега эга бўлади: бу босқичда болаларнинг ўйин жараёнида ўзлаштирган билимлари тартибга солинади, ўйин иштирокчиларининг инглизчада ўрганган янги сўз ва иборалари такрорланади.

Гуруҳлараро ўйинлар болаларнинг ижодкорлик қобилиятларини ўстиради ва натижада инглиз тилида сўз бойлиги ҳажми ортиб боради. Демак, ҳар қандай ўйинга тайёргарлик даврида унинг мақсадини аниқ белгилаш зарур. Ўйин қатнашчиларини унинг қондаси билан тўлиқ таништириш лозим. Ўйин қондаларини оғзаки тушунтириш билан чегараланмай, аниқ кўрсатмалар бериш, тарқатма материаллар тарқатиш ҳам фойдали бўлади.

Ўйин ташкил этишдаги муҳим масалалардан бири – иштирокчиларни гуруҳларга бириктиришдир. Гуруҳларни тузишда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

- 1) гуруҳлардаги болалар сонининг беш кишидан ошмаслигига эътибор қаратиш;
- 2) ҳар бир гуруҳдаги болалар бир-бирларини яхши биладиган, ўзаро муносабатлари яхши бўлишини ҳисобга олиш;


3) иштирокчиларга вазифаларни тақсимлашда уларнинг қизиқишларини ва қобилиятларини ҳисобга олиш.

Хулоса чиқарувчи ёки ҳакамлик қилувчи тарбиячи ўйин тугагандан кейин натижаларни умумлаштиради, яқунлайди ва хулосалар чиқаради.

Масалан, куйидаги дидактик ўйинлар ва АКТ воситаларидан фойдаланган ҳолда дарс режаси ташкиллаштирилади:

Таълим бериш технологиясининг модели

Мавзу: *“Colours and shapes”*



Жадвал 1.1.

Машғулот вақти 45 дақиқа	Болалар сони: 10-15 гача
Машғулот шакли:	Амалий машғулот
Машғулот режаси:	1. “Colours and shapes”нинг инглиз тилидаги номлари. 2. “Colours and shapes” ҳақида видеолавҳа намойиши. 3. “ <i>Make a ladybird</i> ” дидактик ўйини ҳақида.
Ўқув машғулотининг мақсади:	Мавзунинг дидактик ўйинлар ва АКТ орқали тушунириш. Болаларнинг инглиз тилида ранг ва шаклларга оид сўз бойлигини ошириш.
Педагогик вазифалар: - мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш; - инглизчани тушуниш ва суҳбатга киришиш кўникмаларини ҳосил қилиш;	Ўқув фаолиятининг натижалари: Тарбияланувчи: - Кўриб тушуниш кўникмасининг ҳосил бўлиши; - Суҳбатга киришиш кўникмасининг шаклланиши; - Ранг ва шаклларнинг номини тўлиқ ўрганиш.
Ўқитиш услуби ва техникаси:	Кўргазмали, суҳбат, кластер
Ўқитиш шакли	Кичик гуруҳ
Ўқитиш воситалари	Компьютер, проектор, слайдлар,
Ўқитиш шароитлари	Методик жиҳатдан жиҳозланган ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки, савол-жавоб, компьютерда мавзуга доир тест топшириш

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Жадвал 1.2.

Босқичлар, вақти 45 дақиқа	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи: Тарбиячи	Таълим олувчилар: Тарбияланувчилар
I-Тайёрлов босқичи (3 дақиқа)	1.1. Аудитория тозалигини назорат қилади; 1.2.Тарбияланувчиларнинг машғулотга тайёргарлигини текширади.	Дарсга тайёрланадилар
II – Ўқув машғулоти га кириш босқичи (2 дақиқа)	2.1. Мавзу, унинг максади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижаларни маълум қилади. 2.2. Мавзу учун тақдимот слайдларини тайёрлайди;	Тинглайдилар ва томоша қиладилар
III – Асосий босқич (35дақиқа)	3.1. Тарбияланувчилар эътиборини жалб этиш учун мавзу бўйича тезкор савол-жавоб ўтказади. Масалан: <i>What kind of colour do you know? Is it round or triangle?</i> 3.2. Компьютер, проектор, слайдлар, мультимедиялардан фойдаланади; 3.3. “Colour and shape” нинг инглизча номлари монитор экранида чиқади ва овозли айтилган номларни болаларнинг биргаликда жўр бўлиб қайтаришларини назорат қилади; 3.4. “Colour and shape” ҳақида видео лавҳаларни интернетга уланган ҳолда, қуйидаги сайт орқали томоша қилишларини назорат қилади: https://www.youtube.com/watch?v=qfmTp8InjeY 3.5.Болаларга олдиндан рангли қаламлар, қоғозлар, қайчи ва елим тарқатади, чунки болалар учун ҳордиқ чиқариш мақсадида 15 дақиқага мўлжалланган мавзуга оид дидактик ўйинни ўтказади. Ўйиннинг номи “ <i>Make a ladybird</i> ”, яъни “ <i>Хон қизи ясанг</i> ” деб аталади. “ <i>Make a ladybird</i> ” дидактик ўйини: Ҳар бир болага хон қизи тасвирланган	Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар жўр бўлиб қайтаришади Бу видео орқали болалар ранг ажратишни ва нарсаларга қандай ранглар танлашни ўрганишади. Эшитади

	<p>рангиз расм берилади. Тарбиячининг куйидаги буйруғи билан вазифа бажарилади:</p> <p><i>Take a black crayon and colour the head and the dots.</i></p> <p><i>Take a red crayon and colour the mouth and the back.</i></p> <p><i>Cut out the ladybird.</i></p> <p><i>Cut along the dotted line on the ladybird's back.</i></p> <p><i>Put glue on the grey triangle.</i></p> <p><i>Put the grey triangle under the other part and stick it.</i></p> <p>Расм тайёр бўлгандан сўнг, тарбиячи болаларнинг исмини расмнинг бурчагига ёзиб, деворларга илиб чиқади ва куйидаги саволларни беради: “<i>What is this colour?</i>”, “<i>What is this part?</i>”</p> <p>Хон қизи расми тайёр бўлгандан кейин болалар нафақат рангларни ва шаклларнинг инглизча номларини, балки куйидаги предлогларни ҳам ўрганишади:</p> <p><i>under, on, in, next, to.</i></p> <p>Болалар уйларига кетиш вақтида расмларни ўзлари билан олиб кетишлари мумкин. (Илова 1.2.1).</p> <p>Мавзу асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва болаларнинг ўрганган сўз бойликларини текшириш мақсадида Кластер методидан фойдаланади (Илова 1.2.2) ва хулосалайди, ҳамда фаол иштирокчи болани рағбатлантиради ва баҳолайди.</p>	<p>Вазифа бажарилади</p> <p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар</p> <p>болалар расми бўяшади ва инглизчада номларини айтишади</p> <p>Эшитади.</p> <p>Томоша қиладилар</p> <p>Якка ёки жуфт бўлиб ўйнайдилар</p> <p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар</p>
<p>IV – Яқуний босқич (5 дақиқа)</p>	<p>4.1. Уйга “<i>Trace the Shapes with Colours</i>” номли тарқатма материал тақдим этилиб, уйда шаклларни кўрсатилган рангда бўяб, ранг ва шакл номини ёдлашга берилади (Илова 1.2.3).</p>	<p>Тинглайди</p>

Юқоридаги дидактик лойиҳалаштирилган “*Colours and shapes*”, яъни “*Ранглар ва шакллар*” номли дарс ишланмасини олиб боришда таълим воситалари – техник воситалар, компьютер воситалар, дидактик ўйинлар ва ўқув-услубий материаллар асосий омиллар саналади ҳамда дарс жараёнида ўқув материаллини кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи усуллар ҳисобланади. Бундан ташқари, бундай ўқув машғулотлар дарсни тизимли етказиб беришга ёрдам беради, болаларга ўқув материаллини тушунишларига, мустаҳкамлашларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради. Таълим жараёнида болалар томонидан ўзлаштирилаётган билимларнинг пухталики ва мустаҳкамлик даражаси, нутқ бойлиги, дарс жараёнида эгаллаган билимлари ва ўзлаштиришга бўлган қизиқишлари асосида кўникма ва малакаларни ривожлантириш имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, МТМ тарбияланувчилар билан “*Colours and shapes*” мавзусини ўрганиш жараёнида “*Make a ladybird*” ўйини ташкил этилди. Янги мавзунини ўрганиш босқичида “*Хон қизи ясанг*” дидактик ўйини ташкил этилганда болалар нафақат расмни бўяшди, балки инглиз тилида ранглар ва шаклларни ажратишни ҳамда уларни тўғри талаффуз этишни ўрганишди. Гуруҳлараро ўйинлар болаларнинг ижодкорлик қобилиятларини ўстирди ва натижада инглиз тилида ранглар ва шаклларга оид сўз бойликлари ортиб борди. Демак, ҳар қандай ўйинга тайёргарлик даврида унинг мақсадини аниқ белгилаш зарур. Ўйин қатнашчиларинини унинг қоидаси билан тўлиқ таништириш лозим. Ўйин қоидаларинини оғзаки тушунтириш билан чегараланмай, аниқ кўрсатмалар бериш, эсталиклар тузиб болаларга тарқатиш ҳам фойдали бўлди. Болаларга янги билимларни мустақил ўрганишлари учун ёрдам берадиган ўйин хусусиятларига компьютер воситалари, жумладан интернет сайдлари ҳам кўмак берди. Бундан кейинги дарсда мазкур мавзуга боғлаб, “*Fruits and vegetables*” мавзусини тақдим этиш мумкин, натижада, бир дарс жараёнида мавзулараро изчилликни таъминлашга эришилади.

Таълим бериш технологиясининг модели

Мавзу: *“Fruits and vegetables”*

Жадвал 2.1.

Машғулоти вақти 45 дақиқа	Болалар сони: 10-15 гача
Машғулоти шакли:	Амалий машғулоти
Машғулоти режаси:	4. “Fruits and vegetables” нинг инглиз тилидаги номлари; 5. “Fruits and vegetables” ҳақида видеоларва; 6. “The orange story” эртақнинг аудио эшиттириши; 7. “Tasting game” дидактик ўйини.
Ўқув машғулотининг мақсади:	Мавзунинг дидактик ўйинлар ва АКТ орқали тушунириш. Болаларни дўстлик руҳида тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини ўстириш ва инглиз тилида мева ва сабзавотларнинг номи бўйича сўз бойлигини ошириш.
Педагогик вазифалар: - мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. - инглизчани тушуниш ва суҳбатга киришиш кўникмаларини ҳосил қилиш;	Ўқув фаолиятининг натижалари: Тарбияланувчи: - Кўриб тушуниш кўникмасининг ҳосил бўлиши; - Суҳбатга киришиш кўникмасининг шаклланиши; - Мева ва сабзавотларнинг номини тўлиқ ўрганиш; - Дидактик ўйин орқали сўз бойлигини ошириш.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Кўргазмали, суҳбат, кластер
Ўқитиш шакли	Кичик гуруҳ
Ўқитиш воситалари	Компьютер, проектор, слайдлар,
Ўқитиш шароитлари	Методик жиҳатдан жиҳозланган ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки, савол-жавоб, компьютерда мавзуга доир тест топшириш

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Жадвал 2.2.

Босқичлар, вақти 45 дақиқа	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи: Тарбиячи	Таълим олувчилар: Тарбияланувчилар
I-Тайёрлов босқичи (3 дақиқа)	1.1. Аудитория тозалигини назорат қилади; 1.2. Тарбияланувчиларнинг машғулотга тайёргарлигини текширади.	Дарсга тайёргарлик кўришади
II – Ўқув машғулотига кириш босқичи (2 дақиқа)	2.1. Мавзу, унинг максади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижаларни маълум қилади. 2.2. Мавзу учун тақдимот слайдларини тайёрлайди;	Тинглайдилар ва томоша қиладилар
III – Асосий босқич (35 дақиқа)	3.1. Тарбияланувчилар эътиборини жалб этиш учун мавзу бўйича тезкор савол-жавоб ўтказди. Масалан: <i>What kind of fruits and vegetables do you know?</i> 3.2. Компьютер, проектор, слайдлар, мультимедиялардан фойдаланади; Монитор экранда “Fruits and Vegetables” ҳарфларига тузилган жумлалар пайдо бўлади: F - <i>Fun for everyone</i> R - <i>Really tasty</i> U - <i>Unreal! A whole stack of fruit</i> I - <i>It's so healthy</i> T - <i>Tasty & healthy are the most important thing for everyone</i> V - <i>Very Healthy</i> E - <i>Eat the lot</i> G - <i>Gobble them all up</i> I - <i>Interesting Vegies</i> E - <i>Every single one of them is so scrumptious</i> S - <i>So Sweet</i> 3.3. “Fruits and vegetables”нинг инглизча номлари монитор экранда чиқади ва овозли айтилган номларни болаларнинг биргаликда жўр бўлиб қайтаришларини	Тинглайдилар ва саволларга жавоб берадилар Эшитади. Навбат билан бир-бирини

	<p>назорат қилади;</p> <p>3.5. “Fruits and vegetables” ҳақида видео лавҳаларни интернетга уланган ҳолда, қуйидаги сайт орқали томоша қилишади: http://www.storyjumper.com/book/index/3546302/Vegetables-Can-Be-Fun-#</p> <p>3.6. Болаларга олдиндан рангли қаламлар ва қоғозлар тарқатилади, чунки болаларга эртақда қандай мева ва сабзавотлар номи айтилганини топиш ва расмини чизиш вазифаси берилади. “The orange story” эртақнинг аудио эшиттириши қўйилади. Кейин болалар расмларни чизишга киришишади;</p> <p style="text-align: center;">The Orange Story</p> <p>One day Mr Orange, Mr Banana, Mrs Plum and Mrs Apple were cleaning the farm and feeding the animals. It wasn't an easy job. One day the farm animals were making such a noise no one worked that day. Suddenly Mr Orange brought up a brilliant idea. "We could have a farm choir. I could teach the animals to sing!". Mr Banana brought up a point. "But birds and animals don't sing." "So what. It will be so cool" Mr Orange answered. It took weeks and weeks to perform the Alleluia song, but finally it was perfect. That night Mrs Plum, Mrs Apple and Mr Banana came to the show. Suddenly the show started, and when they started singing, it was a miracle - they sang beautifully. Soon it was the end of the show. All of the fruits were clapping and screaming "hooray, hooray". This year was very busy for Mr Orange who arranged the show.</p> <p>Эртақ эшиттирилгандан сўнг болаларни чизган расмлари текширилади ва сўралади:</p>	<p>такрорламай атамаларни айтади.</p> <p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар</p> <p>Эшитади.</p>
--	---	---

	<p><i>What did you draw? What kind of fruits were they?</i></p> <p>Компьютер ва проектор орқали болаларга шу эртакнинг мультфильми намоиш этади. Кейин болалардан сўралади: <i>“Did you like the cartoon?” “Who did teach the animal to sing?”</i></p> <p>3.7. Болалар ҳордиқ чиқаришлари мақсадида 15 дақиқага мўлжалланган мавзуга оид дидактик ўйин ўтказилади. Ўйиннинг номи <i>“Tasting game”</i>, яъни <i>“Таъм билиш”</i> ўйини мақсадга мувофиқдир.</p> <p><i>“Tasting game”</i> дидактик ўйини:</p> <p>Бу ўйинда ҳақиқий мева ва сабзавотларни ишлатиш тавсия этилади, чунки болалар ўйин вақтида улардан истеъмол қилиб кўришлари мумкин. Болалар айлана шаклида ўтириб оладилар. Тарбиячи олдиндан барча мева ва сабзавотларни тўртбурчак шаклида кесиб, махсус идишга солади. Кейин болаларга навбат билан тортиқ этилади ва улардан танаввул қилган бола мева ва сабзавотнинг номини инглиз тилида айтишга уриниб кўради. Агар болалар сўзни тўғри талаффуз қила олса, бу сўз яна биргаликда такрорланади ва мустаҳкамланади. Масалан: <i>“banana ёки apple”</i> сўзини тўғри топа олган болажонларга бир бутун банан ёки олма совға қилинади. Ўйин шу тариқа давом этади. Бу ўйин нафақат ўзининг қизиқарлилиги ёки витаминларга бойлиги билан болаларга фойдали бўлади, балки уларнинг инглиз тилидаги нутқини ривожлантиради ва сўз бойлигини оширишда катта ёрдам беради.</p> <p>Кейин болалар расмни бўяшади ва инглизчада номларини айтишади.</p>	<p>Томоша қиладилар</p> <p>Якка ёки жуфт бўлиб ўйнайдилар</p>
--	---	---

	(Илова 2.2.1). Мавзу асосида берилган маълумотлар умумлаштирилади ва болаларни ўрганган сўз бойликларини текшириш мақсадида Кластер методидан фойдаланилади (Илова 2.2.2 ва 2.2.3) ва хулосаланади, ҳамда фаол иштирокчи болани тарбиячи рағбатлантиради ва баҳолайди.	Кичик гуруҳларга бўлинадилар
IV – Якуний босқич (5 дақиқа)	4.1. Уйга “ <i>Apple, orange and pear</i> ” номли инглизча шеърни ёдлашга вазифа беради (Илова 2.2.4). Дарсда бу шеърни тарбиячи 3 маротаба такрорлайди ва болаларга безатилган қоғозларда тарқатади.	Тинглайди Қайтаради

Юқоридаги “*Fruits and vegetables*”, яъни “*Мева ва сабзавотлар*” номли дарс мавзусини ўрганиш жараёнида “*Tasting game*” дидактик ўйини ташкил этилди. Энг муҳими, мева ва сабзавотларни ўргатиш жараёнида гуруҳлар бўйича ишлаш самарадорлигини оширишда дидактик ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Болаларни ўйинга тайёрлаш ва ўтказишда турли рас ва изоҳли манбалари бўлган дарсликлар, видеоларҳалар, анимацияли мультфильмлар, слайдлар каби воситалар хизмат қилди. Қўшимча манбалар сифатида интернет сайтларидан фойдаланиш тавсия этилди.

Таҷрибавий таълимда гуруҳлар таркибини белгилашга алоҳида эътибор берилди. Ҳар бир гуруҳга болаларнинг бир-бирига таъсири, билимларни ўзлаштириш қобилиятлари ҳисобга олиниб, кучли, ўрта ва бўш ўзлаштираётган болалар бириктирилади. Бунинг натижасида болалар бўш ўзлаштираётган болаларга табиий ёрдам бердилар. Яъни, ўрганилаётган мавзу мазмунини таҳлил қилиб, ўртоқларининг хато-камчиликларини кўрсатдилар, тушунилмаган ҳолатлар ўргатилди.

Бундан кейинги дарсда мазкур мавзуга боғлаб, “*Animals*” мавзусини тақдим этиш мумкин. Масалан: **T:** “*What do monkeys eat?*” – **P:** *banana, apple, mango and etc.* **T:** “*What do rabbits like to eat most?*” – **P:** *carrot, cabbage and etc.* Натижада ўтилган дарс мавзуси такрорланади.

Таълим бериш технологиясининг модели

Мавзу: “Animals”



Жадвал 3.1.

Машғулот вақти 45 дақиқа	Болалар сони: 10-15 гача
Машғулот шакли	Амалий машғулот
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. “Animals” инглизчада номлари; 2. “ABC Zoo” ҳақида; 3. “The boy who cried «Wolf»” эртакнинг аудио эшиттириши ва мультфильми; 4. “Hunter and shepherd” game («Овчи ва чўпон» дидактик ўйини).
Ўқув машғулотининг мақсади:	Мавзуни дидактик ўйинлар ва АКТ орқали тушунтириш. Болаларни дўстлик руҳида тарбиялаш, уларнинг дунёкарашини ўстириш ва инглиз тилида ёввойи ва уй ҳайвонлари номи бўйича сўз бойлигини ошириш.
Педагогик вазифалар: - мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. - инглизчани тушуниш ва суҳбатга киришиш кўникмаларини ҳосил қилиш;	Ўқув фаолиятининг натижалари: Тарбияланувчи: - Кўриб тушуниш кўникмасининг ҳосил бўлиши; - Суҳбатга киришиш кўникмасининг шаклланиши; - ёввойи ва уй ҳайвонлари номини тўлиқ ўрганиш; - Дидактик ўйин орқали сўз бойлигини ошириш.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Кўргазмали, суҳбат, кластер
Ўқитиш шакли	Кичик гуруҳ
Ўқитиш воситалари	Компьютер, проектор, слайдлар,
Ўқитиш шароитлари	Методик жиҳатдан жиҳозланган ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки, савол-жавоб, компьютерда мавзуга доир тест топшириш

	<p>https://www.youtube.com/watch?v=2QBbErXnIpl</p> <p>a) Кейин “<i>The boy who cried «Wolf»</i>” эртакнинг аудио эшиттириши ўтказди (Илова 3.2.2);</p> <p style="text-align: center;">THE BOY WHO CRIED 'WOLF'</p> <p>Once there was a shepherd boy who had to look after a flock of sheep. One day, he felt bored and decided to play a trick on the villagers. He shouted, “Help! Wolf! Wolf!”</p> <p>”The villagers heard his cries and rushed out of the village to help the shepherd boy. When they reached him, they asked, “Where is the wolf?”</p> <p>The shepherd boy laughed loudly, “Ha, Ha, Ha! I fooled all of you. I was only playing a trick on you.</p> <p>”A few days later, the shepherd boy played this trick again. Again he cried, “Help! Help! Wolf! Wolf!”</p> <p>Again, the villagers rushed up the hill to help him and again they found that boy had tricked them. They were very angry with him for being so naughty.</p> <p>Then, some time later, a wolf went into the field. The wolf attacked one sheep, and then another and another. The shepherd boy ran towards the village shouting, “Help! Help! Wolf! Help! Somebody!”</p> <p>The villagers heard his cries but they laughed because they thought it was another trick. The</p>	<p>Навбат билан бир-бирини такрорламай атамаларни айтади.</p> <p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар</p> <p>Эшитади.</p>
--	--	---

	<p>boy ran to the nearest villager and said, “A wolf is attacking the sheep. I lied before, but this time it is true!”</p> <p>Finally, the villagers went to look. It was true. They could see the wolf running away and many dead sheep lying on the grass.</p> <p>We may not believe someone who often tells lies, even when he tells the truth.</p> <p>в) Эрттак эшиттирилгандан сўнг болаларга “Role Play”, яъни сахнали ўйинга таклиф этилади. Сўнгра болаларни эрттак қахрамонларига ажратиб, сўзлари бўлиб берилади ва сахна кўриниши уюштирилади. Кейин болалардан сўралади: <i>“Did you like the cartoon?”</i>, <i>“What kind of domestic animal did you watch in this cartoon?”</i>, <i>“What kind of wild animal did you watch in this cartoon?”</i></p> <p>3.5. Болалар ҳордиқ чиқаришлари мақсадида 15 дақиқага мўлжалланган мавзуга оид дидактик ўйин ўтказилади. <i>“Hunter and shepherd” game («Овчи ва чўпон»</i> дидактик ўйини) мақсадга мувофиқдир.</p> <p>«Овчи ва чўпон» дидактик ўйини:</p> <p>Тарқатма материал: турли хил ҳайвонлар тасвирланган карточкалар.</p> <p>Гуруҳ аъзоларидан иккита бола ажратиб олинади ва овчи ҳамда чўпон қилиб тайинланади. Қолган гуруҳ иштирокчиларига эса ҳайвонлар</p>	<p>Томоша қиладилар</p> <p>Якка ёки жуфт бўлиб ўйнайдилар</p> <p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар</p>
--	---	---

	<p>тасвирланган карточкалар тарқатилади. Тарбиячининг кўрсатмаси билан болалар овчи ёнига, ёввойи ҳайвонлар тасвирини чўпоннинг ёнига, уй ҳайвонлари тасвирини келтирадilar. Чаққонлик билан ҳайвонларни инглиз тилида ажрата олган ва тўғри талаффуз қила олган гуруҳ аъзоси ёлиб чиқади.</p> <p>3.5. Кейин болаларга ушбу сайт орқали https://www.youtube.com/watch?v=SSpKVUahz0I “<i>We’re going to the zoo</i>” номли видео кўшиқ тақдим этилади. Болалар биргаликда куйлашади ва рақсга тушишади. (Илова 3.2.3).</p> <p>3.6. Мавзу асосида берилган маълумотлар умумлаштирилади ва болаларни ўрганган сўз бойликларини текшириш мақсадида болалар ҳайвонлар расмини компьютерда Power point дастури орқали бўяшади ва инглизчада номларини айтишади. Сўнгра ўқитувчи проекторда болаларга жамоа бўлиб ўйналадиган компьютерли ўйинни тақдим этади. Болаларга ўйин қондаси тушунтирилади ва экранда пайдо бўладиган жумлаларни ўқитувчи бир неча бор ўқиб, ҳаракатлари билан тушунтиради. Бу ўйинда ҳайвонларга хос иборалар қўлланиб, расмлардан болалар топиши керак қайси ҳайвонлигини, лекин ортиқча бўлган ҳайвонни ҳам топишлари лозим (Илова</p>	<p>Томоша қиладilar, Кўшиқ айтадилар, Рақсга тушадилар</p>
--	---	--

	3.2.4). Шу билан дарс хулосаланади, ҳамда фаол иштирокчи болани тарбиячи рағбатлантиради ва баҳолайди.	Кичик гуруҳларга бўлинадилар
IV – Якуний босқич (5 дақиқа)	4.1. Уйга вазифа “ <i>The Frog</i> ” номли инглизча шеърни ёдлашга берилади (Илова 3.2.5). Дарсда бу шеърни тарбиячи 3 маротаба такрорлайди ва шеърни болаларга безатилган қоғозларда тарқатади.	Тинглайди Қайтаради

Тажриба гуруҳларида инглиз тилини ўрганиш/ўргатиш жараёнининг замонавий технологиялар асосида ташкил этилиши ва бу жараённинг тарбияланувчилар билимини ривожлантиришга кўрсатиладиган таъсирини аниқлаш мақсадида замонавий методлардан фойдаланилди. Назорат гуруҳида таълим жараёни амалдаги анъанавий методлар ёрдамида ташкил этилди. Демак, мукамал, барқарор тажрибага таяниб ташкил этилган таълим жараёнида тарбияланувчилар сони, инглиз тили бўйича тарбиячилар кўникма ва малакаларининг шаклланганлиги даражаси, ўрганилаётган мавзулар учун ажратилган соатларнинг умумий миқдорига эътибор берилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инглиз тили дарсларида дидактик ўйинлардан фойдаланишда болаларнинг ёши, уларнинг маълум тайёргарлиги ва мавзуга мос мазмундаги дидактик ўйинлар тизими бўлиши мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги тадқиқот муаммосига оид ўтказилган амалий тажриба-синов ишларимизда мактабгача таълим муассасаларига хос инглиз тили дарсини ташкил этишнинг ўзига хос педагогик шарт-шароитларига асослаб берган ҳолда технологик жиҳатларини таҳлил этдик. Бу таҳлилларнинг қанчалик тўғрилиги ҳамда илмий асосланганлигини кейинги параграфда кўриб чиқишни лозим топдик.

3.2. Мактабгача таълим муассасаларида олиб борилган тажриба-синов натижалари ва унинг самарадорлиги

Мактабгача таълим муассасаси болаларнинг соғлом ва баркамол шахс бўлиб улғайишларига, ўқишга нисбатан ҳавасларини уйғотишга туртки бўлиб, мунтазам равишда таълим олишларига имкон яратади. Шундай экан, тажриба-синов ишларининг асосий мақсади МТМ тарбияланувчиларига инглиз тилини дидактик ўйинлар ва ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида, хусусан, биз таклиф этаётган методика асосида ўқитишнинг самарадорлик даражасини аниқлаш эди. Мазкур тадқиқот уч босқичда амалга оширилди:

Биринчи босқичда мактабгача таълим соҳасидаги ҳужжатлар ўрганилди, инглиз тили ўқув фанидан амалда бўлган ва амал қилаётган дастур ва дарсликлар қиёсий таҳлил этилди, тажриба-синов материаллари тайёрланди, тажриба ўтказиладиган мактабгача таълим муассасаси, гуруҳлар, тарбияланувчилар сони белгиланди. Тажриба Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри 35-сон “Баҳор” номли мактабгача таълим муассасасида ўтказилиши мўлжалланди. Мазкур босқичда тажриба-синов ишларини амалга оширишга хизмат қиладиган махсус дастур тузилди. Шу давр мобайнида тадқиқ этилаётган муаммо бўйича 60 та тарбияланувчи, жумладан 20 та тарбиячи тажриба-синов ишлари бўйича қамраб олинди. Тарбиячиларнинг инглиз тили машғулотлари кузатилди, болаларга инглиз тилини ўргатиш методикаси бўйича мутахассислар билан суҳбат ва сўровнома ўтказилди. Сўровномада жами 20 та педагог иштирок этди.

Сўровнома қуйидаги саволлардан ташкил топди:

1. Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси гуруҳларида инглиз тили машғулотларининг самарадорлиги қай даражада деб ўйлайсиз?
2. Инглиз тили таълими мазмунини бойитиш, тарбияланувчиларнинг инглиз тили бўйича билиш фаолиятини такомиллаштириш учун қандай методлардан фойдаланиш керак?

3. Инглиз тилини ўқитишда қандай услубий қўлланмалардан, китоблар ва компьютер дастурларидан фойдаланилмоқда?

4. Машғулотларда дидактик ўйинлардан ва компьютер технологияларидан фойдаланишга бўлган муносабатингиз?

5. Таълим жараёнига ахборот технологияларини тўла жорий этиш учун қандай тўсиқлар бор, деб ўйлайсиз?

Сўровнома қуйидаги натижаларни берди: тарбиячиларнинг 45%и (9 киши) мактабгача таълим муассасаси гуруҳларида инглиз тили машғулотлари талаб даражасида эмас, 35%и (5 киши) машғулотлардан кўзланган мақсадга доим ҳам эришавермайди, 20%и (4 киши) ўқув стандарти талабига жавоб беради, деб ҳисоблайди. Респондентларнинг 10%и (2 киши) инглиз тили таълими мазмунини бойитиш, тарбияланувчиларнинг инглиз тили бўйича билиш фаолиятини такомиллаштириш учун анъанавий методлардан фойдаланиш керак, 80%и (16 киши) ноанъанавий методлар, яъни янги педтехнологиялар (дидактик ўйинлар ва АКТ воситалари)дан, 10%и барчасидан, деб жавоб берган. Сўровномада иштирок этган тарбиячиларнинг 15%и (3 киши) инглиз тилини ўргатишда эскирган, 70%и (14 киши) ҳорижий ва 15%и анъанавий услубий қўлланмалардан, китоблар ва компьютер дастурларидан фойдаланилаётганини таъкидлаган. Кейинги саволга тарбиячиларнинг 65%и (13 киши) дидактик ўйинлари ва компьютер технологияларининг таълим жараёнида аҳамияти катта экани, уларнинг 35%и (7 киши) юқори самара беришини тасдиқлаган. Ҳозирги кунда инглиз тили бўйича билиш фаолиятини такомиллаштирувчи компьютер технологияларини машғулотларда қўллаш имкониятлари чекланганлиги, бунинг асосий сабаби таълим муассасалари моддий-техника базасининг замон талабига мос эмаслигини 10%и (2 киши), тарбиячиларнинг компьютер саводхонлиги паст даражада эканини 25%и (5 киши) ҳамда ўзбек тилидан таълимий-электрон ишланмаларнинг деярли йўқлигини сўровномада катнашган тарбиячиларнинг 65%и (13 киши) кўрсатган.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкин: инглиз тилини болаларга ўргатишда дидактик ўйинлар ва таълимий-электрон ишланмалар яратиш, улардан машғулотларда фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш замонавий методиканинг долзарб масалаларидандир.

Мавзулар бўйича болаларнинг тажрибадан олдинги билимини аниқлаш бўйича умумий савол-жавоб ўтказилди. Бунинг учун аввал болалардан инглиз тилида “Ранглар”, “Мева ва сабзавотлар” ва “Ҳайвонлар” мавзусида оғзаки савол-жавоблар ўтказилди. Демак, берилган 3 та мавзу бўйича тўплаш мумкин бўлган максимал балл 100% га тенг.

4.1-жадвал. Баҳолаш тизими

Тарбияланувчиларнинг шартли гуруҳи	Билим савияси	Ўзлаштириш даражаси (фоиз ҳисобида %)
A	Аъло	86-100
B	Яхши	71-85
C	Қониқарли	57-70
D	Қониқарсиз	56% дан кам

Мавзулар бўйича 3-4 ва 5-6 ёшли НГ да болаларнинг тажриба-синовдан олдинги билимини аниқлаш жараёни (%) да

4.2-жадвал

№	“Булоқча” номли № 2 гуруҳ (3-4 ёшли)	Ўзлаштириш даражаси (фоиз ҳисобида)	“Булбулча” номли № 4 гуруҳ (5-6 ёшли)	Ўзлаштириш даражаси (фоиз ҳисобида)
1.	Алиев Шерзод	54%	Абдуакимов Асадбек	65%
2.	Аширбеков Адулхаир	47%	Алимова Дилбар	48%
3.	Аширова Зайнаб	46%	Анарбаев Канат	47%
4.	Валиев Нодир	38%	Велиев Нариман	57%
5.	Ғафуров Муҳаммад	39%	Ганиева Эльмаз	41%
6.	Джураев Амир	36%	Джанабаев Дияз	50%
7.	Иеркашен Артём	48%	Изатуллаев Шохрух	62%
8.	Мўминова Ясмин	33%	Ким Лена	57%
9.	Мухиддинов Жавлон	32%	Лябина Милана	66%

10.	Мухиддинова Шаҳноз	54%	Махамедов Исмоил	67%
11.	Рихситиллаев Ислом	39%	Мубинова Жасмина	57%
12.	Солижанов Мамур	37%	Олимов Хумоюн	66%
13.	Солижанов Сардор	56%	Расулов Асилбек	60%
14.	Турдиева Гулрух	47%	Умаралиев Мамур	52%
15.	Юсуфжонов Жавохир	39%	Хасанова Саида	58%
Ўртача ўзлаштириш даражаси		43%		57%



Мавзулар бўйича 3-4 ва 5-6 ёшли ТГда болаларнинг тажриба-синовдан олдинги билимини аниқлаш жараёни (%) да

4.3-жадвал.

№	“Бойчечак” номли № 3 гуруҳ (3-4 ёшли)	Ўзлаштириш даражаси (фоиз ҳисобида)	“Бинафша” номли № 5 гуруҳ (5-6 ёшли)	Ўзлаштириш даражаси (фоиз ҳисобида)
1.	Абдубакиров Зуфар	59%	Акзамбоев Бехруз	69%
2.	Алиев Ботирхон	48%	Каримов Ислом	45%
3.	Бойсерова Лейла	51%	Эмирасанова Динара	49%
4.	Баҳодиров Бегзод	39%	Хиясбоев Нурканат	58%
5.	Булыгин Андрей	40%	Саидова Шабнам	51%
6.	Дитяткин Самир	39%	Кадырова Фарзона	52%
7.	Жалолова Захро	52%	Маганова Азиза	63%
8.	Ким Максим	51%	Жумёзова Мохидил	54%

9.	Конусбаева Азиза	34%	Ганиева Эльмаз	56%
10.	Қурбонова Муслима	50%	Кадамбаев Бунёд	59%
11.	Легерис Данила	42%	Муҳиддинов Азиз	55%
12.	Нормуротова Асал	39%	Филипенко Юлиана	57%
13.	Софиева Шахзода	58%	Саидмуродова Хулкарой	61%
14.	Улуғбекова Зулфия	45%	Мамадалиев Бексултон	52%
15.	Ҳақимова Сабина	43%	Аблякимова Эльвина	59%
Ўртача ўзлаштириш даражаси		46%		56%



Тажрибадан олдинги савол-жавоб барча экспериментал ва назорат гуруҳларида тахминан бир хил натижаларни кўрсатди: тарбияланувчиларнинг биронтаси А ва В гуруҳларига кирмади; 25 тадан болалар С гуруҳига киритилди; 35 тадан – D гуруҳига киритилди. Мавзулар бўйича 3-4 ва 5-6 ёшли НГда болаларнинг тажриба-синовдан олдинги билимини аниқлаш жараёнида қуйидаги маълум бўлдики, ўртача ўзлаштириш даражаси бўйича “Булоқча” номли № 2 гуруҳ 43% ни, “Булбулча” номли № 4 гуруҳ эса 57 % ни ташкил этди. Шунга кўра, 3-4 ва 5-6 ёшли ТГда тажриба-синовдан олдинги билимини аниқлаш жараёнида ўртача ўзлаштириш даражаси бўйича “Бойчечак” номли № 3 гуруҳда 46 % ни ва “Бинафша” номли № 5 гуруҳда 56 % ни кўрсатди.

Тажриба-синов ишларининг **иккинчи босқичида** дастлаб болалар билан яқиндан танишиш ва уларнинг инглиз тили бўйича нутқий кўникма ва сўз бойликларини назорат қилиш мақсадида оғзаки суҳбат ўтказилди. Сўнгра тарбияланувчилар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Назорат гуруҳларида жами 30 та ва тажриба гуруҳларида ҳам 30 нафар тарбияланувчи иштирок этди. Тажриба гуруҳларида диссертациянинг 3.1-қисмида келтирилган методика асосида, назорат гуруҳларида эса мавжуд дастур, ўқув кўлланмалар асосида анъанавий усулда «Colours and shapes», «Fruits and vegetables», «Animals» мавзулари бўйича дарс ўтилди.

Учинчи босқичда илгари сурилган фаразнинг янгилиги, ишлаб чиқилган дарс ишланмасининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган тажриба-синов натижалари умумлаштирилди. Янги замонавий педагогик технологияларга асосланган дарс орқали болаларнинг билимлари, сўз бойликлари, кўникма ҳамда малакаларининг шаклланганлик даражаси аниқланди. Экспериментал тадқиқот натижасида аниқланган назарий ёндашувлар, қоидалар, қарашлар, ғоялар ушбу босқичда амалий жиҳатдан ўз тасдиғини олди. Тажриба-синов жараёнида дарсларни педагогик технология ва замонавий методлар, жумладан дидактик ўйинлар ҳамда АКТ воситалари ёрдамида инглиз тили дарси ўтилганда, болаларда мустақил ва эркин фикрлаш, материални пухта эгаллаш, изланиш ва ижодий қобилият ўсганлигига амин бўлди. Олинган натижалар график ва диаграммаларда ўз аксини топди.

Мавзулар бўйича 3-4 ва 5-6 ёшли НГ болаларининг тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари (%) да

4.4-жадвал

№	“Булоқча” номли № 2 гуруҳ (3-4 ёшли)	Ўзлаштириш даражаси (фоиз ҳисобида)	“Булбулча” номли № 4 гуруҳ (5-6 ёшли)	Ўзлаштириш даражаси (фоиз ҳисобида)
1.	Алиев Шерзод	61%	Абдуракимов Асадбек	68%
2.	Аширбеков Адулхаир	58%	Алимова Дилбар	55%
3.	Аширова Зайнаб	67%	Анарбаев Канат	57%


4.	Валиев Нодир	52%	Велиев Нариман	63%
5.	Ғафуров Муҳаммад	60%	Ганиева Эльмаз	51%
6.	Джураев Амир	57%	Джанабаев Дияз	59%
7.	Иеркашен Артём	48%	Изатуллаев Шохрух	65%
8.	Мўминова Ясмин	59%	Ким Лена	67%
9.	Мухиддинов Жавлон	52%	Лябина Милана	69%
10.	Мухиддинова Шаҳноз	58%	Махамедов Исмоил	66%
11.	Рихситиллаев Ислон	57%	Мубинова Жасмина	59%
12.	Солижанов Мамур	55%	Олимов Хумоюн	67%
13.	Солижанов Сардор	63%	Расулов Асилбек	62%
14.	Турдиева Гулрух	64%	Умаралиев Мамур	58%
15.	Юсуфжонов Жавоҳир	59%	Хасанова Саида	64%
Ўртача ўзлаштириш даражаси		58%		62%

Мавзулар бўйича 3-4 ва 5-6 ёшли ТГ болаларининг тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари (%) да

4.5-жадвал.

№	“Бойчечак” номли № 3 гуруҳ (3-4 ёшли)	Ўзлаштириш даражаси (фоиз ҳисобида)	“Бинафша” номли № 5 гуруҳ (5-6 ёшли)	Ўзлаштириш даражаси (фоиз ҳисобида)
1.	Абдубакиров Зуфар	70%	Акзамбоев Бехруз	77%
2.	Алиев Ботирхон	74%	Каримов Ислон	74%
3.	Бойсерова Лейла	71%	Эмирасанова Динара	70%
4.	Баҳодиров Бегзод	78%	Хиясбоев Нурканат	68%
5.	Булыгин Андрей	77%	Саидова Шабнам	73%
6.	Дитяткин Самир	75%	Кадырова Фарзона	75%
7.	Жалолова Захро	71%	Маганова Азиза	78%
8.	Ким Максим	73%	Жумёзова Моҳидил	76%
9.	Конусбаева Азиза	72%	Ганиева Эльмаз	72%
10.	Қурбонова Муслима	81%	Кадамбаев Бунёд	71%
11.	Легерис Данила	76%	Мухиддинов Азиз	74%

12.	Нормуротова Асал	80%	Филипенко Юлиана	69%
13.	Софиева Шахзода	87%	Саидмуродова Хулкарой	82%
14.	Улуғбекова Зулфия	88%	Мамадалиев Бексултон	80%
15.	Хакимова Сабина	82%	Аблякимова Эльвина	86%
Ўртача ўзлаштириш даражаси		77%		75%



Мавзулар бўйича 3-4 ва 5-6 ёшли болаларнинг тажриба-синов ишларидан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари назорат ва тажриба гуруҳларида сезиларли натижаларни кўрсатди: НГ тарбияланувчиларининг биронтаси А ва В гуруҳларига киритилмаса-да, ТГ тарбияланувчиларининг 3 таси А гуруҳига, 23 таси эса В гуруҳига киритилди, 28 тадан болалар С гуруҳига киритилди; 6 тадан – D гуруҳига киритилди, лекин ТГ да D гуруҳига кирувчиларнинг биронтаси қайд этилмади. Бунга кўра, ўртача ўзлаштириш даражаси кўрсаткичи бўйича НГда “Булоқча” номли № 2 гуруҳ 58% ни, “Булбулча” номли № 4 гуруҳ эса 62 % ни ташкил этди. Шу жумладан, ТГда тажриба-синовдан кейинги билимини аниқлаш жараёнида ўртача ўзлаштириш даражаси бўйича “Бойчечак” номли № 3 гуруҳда 77 % ни ва “Бинафша” номли № 5 гуруҳда 75 % ни кўрсатди. Ушбу ҳолат шунини кўрсатадики, тажриба гуруҳларидаги болаларнинг кўрсаткичлари ўсган. Шунини такидлаш жоизки, ТГ даги 3-4 ёшли болалар тажриба-синовдан ўтди десак, муболаға бўлмайди. Чунки ТГ даги 5-6 ёшли болаларга нисбатан улар

мавзуларни 2% ортиғи билан ўзлаштира олишди. Демак, мутахассис педагог И.Л.Шолпо ва З.Я.Футерманнинг 3-4 ёшда хорижий тилни ўрганиш ноўринлиги ҳақидаги фикрлари бизнинг тажриба-синовимизда аксини тасдиқлади. Таҳлил натижасидан шу нарса маълум бўлдики, инглиз тилини 3-4 ёшдан бошлаб ўргатиш ижобий ва самарали натижани беради дея, таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.


Юқоридаги натижалардан келиб чиққан ҳолда, МТМ тарбияланувчилари билан олиб борилган тажриба-синов ишидан олдинги ва кейинги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини солиштириш жараёни қуйидаги 4.6-жадвалда ўз аксини топди:

4.6-жадвал. Натижаларнинг умумий жадвали.

	Тажриба-синовдан олдинги кўрсаткич				Тажриба-синовдан кейинги кўрсаткич			
	НГ		ТГ		НГ		ТГ	
Назорат ва Тажриба гуруҳлари								
Шартли гуруҳлар рақами	№2	№4	№3	№5	№2	№4	№3	№5
	Болалар сони				Болалар сони			
A	0	0	0	0	0	0	2та	1та
B	0	0	0	0	0	0	12та	11та
C	0	10та	2та	8та	11та	13та	1та	3та
D	15та	5та	13та	7та	4та	2та	0	0
Ўртача ўзлаштириш даражаси (%) да	43	62	46	56	58	62	77	75

